

Турли хил саволларга жавоблар



Муаллиф

Саҳвий

Нашр этилган сана

2022 йил

Кириш:

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

Хориждаги ўн йилдан ошиқ муддат интернетдаги фаолиятим жараёнида, одамлардан турли хил диний ва баъзан сиёсий саволлар келиб турарди. Ва уларга мен баъзан аудио шаклда ва баъзан мақола шаклида ва баъзан ёзма равишда билганимча жавоблар берардим. Бу савол жавоблар ҳеч қачон бир тўпламга кирмаганди. Ўйлаб кўрсам, булар ҳам анча мунча бўлиб қолибди. Буларни тўплаб, бир тўплам қилсам, балки, бу саволларга жавоблар бошқалар учун ҳам бир фойдалиқ бўлар деб, ўйлаб қолдим. Бу тўпламга қирқта савол ва уларга менинг ёзма жавобларим жамланган.

Демак, шу мақсадда бу китобда, шу ўзимда сақланиб қолган, турли хил ёзувли ва аудио шаклдаги, саволларни ва уларга берган жавобларни тўпладим. Аудио савол жавобларни қисқароқ шаклда оққа кўчирдим. Бу ерда турли вақтларда, ўзбек тилидаги гапирувчи мусулмонлардан, ижтимоий тармоқлар орқалик, менга берилган турли хил саволлар ва менинг жавобларим ўрин олган. Бу саволларга баъзида, аудио шаклда келганлиги учун, уларни мазмунини оққа кўчириб, унга берилган жавоблар тақдим қилинди. Баъзи, саволлар, ёзма равишда берилгани учун, уларни имло хатоларини тузатиб, қисқа мазмунини ва унга берилган жавобни тақдим қилдим. Бу жавобларда мен баъзи шайхлар фатволаридан фойдаландим. Аксар фатволао менинг шахсий фатвоим эмас. Лекин, сиёсий саволларга жавоблар ва умумий хулосалар меникидир. Баъзи саволлар борки, уларга уламолар фатволарини ҳам жавоб топилмади. Бундайларга, ўзимнинг шахсий хулосамни айтганман. Андатрани гўштини ейиш мумкинми? Деган, савол шулардан биридир.

Ўтган йиллардаги саволларга жавобларни ҳам китобнинг иккинчи қисмига киритдим. Улар катта мақола шаклида бўлиб, турли хатларга ва саволларга жавобдир. Гарчи, бугун бу каби, диний мавзудаги саволлар ва жавоблар интернетда, тўлиб тошиб ётсада, бу саволлар менга берилган учун, мен уларга жавоблар юборганим учун, буларни муаллифи сифатида шу тўпламга киритдим. Саволлар турли хил одамлар тарафидан ва турли замонда менга берилган, фатволар турли уламоларнинг, турли вақтдаги бошқаларга берган фатволаридир. Мен булар ичидан, шу саволга тегишли жойини топиб, уларни ўзбек тилига ўгириб, менга берилган саволларга жавоб тариқасида тақдим қилганман. Савол берувчилар шахсини аксар ҳолда, китобда кўрсатмадим. Бунга ҳожат ҳам йўқ аслида.

Жавобларнинг фатволари, қайси шайхларга тегишли эканлиги кўрсатилди. Айни шу саволларга, ўзим учун тўғри деб, билган жавобларни ўзимнинг таржимамда, тақдим қилдим. Чунки, булар менинг таржимам ва мен учун тўғри деб, билинган жавоблардир. Аксар сиёсий саволларга жавоблар менинг шахсий қарашларимдан келиб чиқиб берилган. Ва шаръий ҳукмларни, насс билан келганида, кимни мазҳаби эканини суриштирмасдан қабул қиламан. Демак, бу саволларга жавоблар ҳам, шу асосда берилгандир. Аллоҳу таоло, бу китобни ҳам, ўқувчиларга ва муаллифига ҳам, дунё ва охирада манфаатлик қилсин! Нуқсон у хатоларини авф қилсин! Омин!

Саҳвий

22.01.2022

I қисм

1. Савол:

Ассалому алейкум. Бир киши насроний одамлардан пул олган ва беришлик эсидан чиқиб кетган. Шу пулни қайтаришлик керакми? Қиёматда шундан сўраладими?

Мўмин кишиларга бировлар ҳаққи ҳаромдир фарқи йўқ кофирми ё мусулмонми? Бунга уламолар Анбиё сураси 47 оятини далил қилишган.

قال تعالى: وَنَضَعُ الْمَوَازِينَ الْقِسْطَ لِيَوْمِ الْقِيَامَةِ فَلَا تُظْلَمُ نَفْسٌ شَيْئًا وَإِنْ كَانَ مِثْقَالَ حَبَّةٍ مِنْ خَرْدَلٍ أَتَيْنَا بِهَا وَكَفَى بِنَا حَاسِبِينَ
Анбиё сураси 47 оят

Аллоҳу таоло: Қиёмат кунда адолатлик тарозу қўйилади. Бирор жонга зулм қилинмайди. Бир зарра хардалнинг уруғи миқдорича нарса бўлса ҳам, уни олиб келамиз. Ҳисоб китоб қилишликка, Биз етарлимиз. Дейди.

Бу ҳадис ҳам шунга далолат қилади:

وقال رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: يَفْتَصُّ الْخَلْقُ بَعْضُهُمْ مِنْ بَعْضٍ، حَتَّى الْجَمَاءُ مِنَ الْقِرْنَاءِ، وَحَتَّى الدَّرَّةُ مِنَ الدَّرَّةِ. رواه أحمد، وصححه الألباني.

Аллоҳу таоло қиёмат кунда, халқларни бир бирларидан орасида қасосини олиб беради. Шохсиз ҳайвон билан шохли ҳайвонни бошқа кичикина чумолилар билан бошқа чумолиларни қасосини олиб беради, дедилар. Албоний саҳиҳ деган.

قال شيخ الإسلام ابن تيمية: كل مال لا يعرف مالكة من الغصب، والعواري، والودائع، وما أخذ من الحرامية من أموال الناس، أو ما هو منبوذ من أموال الناس، فإن هذا كله يتصدق به، ويصرف في مصالح المسلمين

Шайхул Ислом ибн Таймийя бировнинг молини босқинчилик билан, унитиб қолдириб, ёки, бошқа ҳаром йўллар билан олгану, эгасини кимлигини билмаса, у молни мўминлар учун манфаатлик нарсага сарфлаш лозим деганлар. Эгасини билса, ўзига бериши керак.

ثُمَّ إِنَّكُمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ عِنْدَ رَبِّكُمْ تَخْتَصِمُونَ
Зумар сураси 31 оятни

وقال ابن كثير: هذه الآية وإن كان سياقها في المؤمنين والكافرين، وذكر الخصومة بينهم في الدار الآخرة، فإنها شاملة لكل متنازعين في الدنيا، فإنه تعاد عليهم الخصومة في الدار الآخرة، روي أنه لما نزلت: ثم إنكم يوم القيامة عند ربكم تختصمون - قال الزبير - رضي الله عنه: يا رسول الله! أكرر علينا الخصومة؟ قال صلى الله عليه وسلم: نعم، قال - رضي الله عنه -: إن الأمر إذن لشديد - أخرج ابن أبي حاتم، ورواه الترمذي، والإمام أحمد، وابن ماجه... وعن ابن عباس - رضي الله عنهما -: ثم إنكم يوم القيامة عند ربكم تختصمون - يقول: ...يخاصم الصادق الكاذب، والمظلوم الظالم، والمهتدي الضال، والضعيف المستكبر

Ибн Касир тафсирида айтганларки, қиёматда мўминлар билан кофирлар орасида ҳам, хусумат бўлади. Дунёда нима устида хусумат қилган бўлсалар, охирада ҳам шулар устида хусумат бўлади. Зубайр разияллоҳу анҳу, Пайғамбар алайҳиссаломдан, шу оят нозил бўлганида, кофирлар билан хусумат яна такрор бўладими? Деб сўради. Пайғамбар алайҳиссалом, Ҳа, дедилар. Зубайр разияллоҳу анҳу, албатта, бу иш оғир ишдир, дедилар.

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумо, шу оятни тафсирида, ёлғончи билан содиқ ўртасида, золим ва мазлум ўртасида ва адашган ва тўғри йўлдагилар орасида заийлар ва кибрлилар орасида хусумат бўлади, дедилар.

Хулоса: Демак, кофирни молини зулм билан, ноҳақдан олган бўлса, шулар ҳам ҳисоб китоб қилинади. Алдаган бўлса, зулм қилган бўлса, адаштирган бўлса ва ҳаказолар ҳам, сўралади. Бу ҳукмлар мўмин ва кофирлар аралашиб, тинч яшаётган ердаги ҳукмлардир. Уруш майдонидаги ҳукмлар бошқача бўлади. Валлоҳу аълам.

2. Савол:

Ассалому алейкум. Маҳрни фарз эмас дейишяпти. Шунга оят ҳадис борми?

Шу саволга жавобан:

Валекум ассалом. Аллоҳу таоло қуръонда бир неча ўринда маҳрни зикр қилган. Қуйида шулардан баъзиларига тўхталиб ўтамыз.

وَأَتُوا النِّسَاءَ صَدُقَاتِهِنَّ نِحْلَةً فَإِنْ طِبْنَ لَكُمْ عَنْ شَيْءٍ مِنْهُ نَفْسًا فَكُلُوهُ هَنِيئًا مَرِيئًا
Нисо сураси 4 оят

Аёлларга садақотларини рози бўлиб беринглар! Агар улар сизга, ундан бирор нарса берса, уни ҳадя билиб енглар.

Бу оятни Тафисирул Майсирда шундай шарҳлашган.

التفسير الميسر : وأعطوا النساء مهرهن، عطية واجبة وفريضة لازمة عن طيب نفس منكم. فإن طابت أنفسهن لكم عن شيء من المهر فوهبته لكم فخذوه، وتصرفوا فيه، فهو حلال طيب

Аёлларга маҳрларини беринглар, беришлик вожибдир ва фарздир ўз нафсингизни поклаш учун лозимдир. Агар улар сизларга шу маҳрдан нимадир сизларга ҳадя қилиб берсалар, бу сизларга ҳадядир. Олинглар у сизга покиза ва ҳалолдир!

فآتوهن أجورهن فريضة
Нисо сураси 24 оят

Аёлларга фарз қилинган ажрини беринглар. Шу оятни маъноси шундай тафсир қилинган.

فأعطوهن مهرهن، التي فرض الله لهن عليكم

Уларга Аллоҳ сизнинг зиммангизга фарз қилган маҳрларини беринглар!

وَأَتُوا النِّسَاءَ صَدُقَاتِهِنَّ نِحْلَةً

Юқоридаги оятни тантовий Ал Васит номлик тафсирида шундай шарҳлаган:

وقوله صَدُقَاتِهِنَّ جمع صدقة
وهي ما يعطى للزوجة من المهر

Садукот дегани, садақалар деганидир. бу аёлга бериладиган маҳрдир.

وقوله نِحْلَةً أى عطية واجبة وفريضة لازمة. إذ النحلة في الأصل: العطية على سبيل التبرع. يقال: نحله كذا ونحلا، إذا أعطاه إياه عن طيب نفس بلا مقابلة عوض.

Нихлатан дегани, беринглар шу маҳрни, фарз, вожиб ва лозим деб. мурувват қилиб беришлик. Бирор нарсани эвазига нарса олмасдан, тоза нафс билан, чин кўнгилдан беришликдир.

اتفق جمهور الفقهاء على أن المهر، أو الصداق، على اختلاف مسمياته؛ شيء واحد وهو: ما يلزم في الشرع دفعه للمرأة، بسبب النكاح. ولا يعد المهر هدية بل هو حق لازم شرعاً للمرأة، وفريضة فرضها الله تعالى لقوله تعالى: «وَأَتُوا النِّسَاءَ صَدُقَاتِهِنَّ نِحْلَةً

Аксар уламолар, садукот ва маҳр иккаласи бир нарса ва бу никоҳ сабабли аёлга беришлик лозим бўладиган ҳақдир. маҳр ҳадия эмасдир. балки, у аёлнинг шаръий ҳаққидир. Уни Аллоҳу таоло фарз қилди бу оят билан.

وَأَتُوا النِّسَاءَ صَدُقَاتِهِنَّ نِحْلَةً
Нисо сураси 4 оят

Аёлларга садақотларини рози бўлиб беринглар!

المهر - وهو: ما يدفع للمخطوبة؛ فريضة من الله تعالى، وليس في الشرع ما يمنع من دفع ما يتم التراضي عليه من بعد الفريضة

Маҳр Аллоҳ тарафидан фарз қилинган аёлга бериладиган ҳақдир. буни ўзаро келишганларидан кейин, шу миқдорни беришлик фарз бўлади. буни беришликдан тўсадиган нарса қолмайди.

أن يتم مع الزواج اشتراط مال زائد على المهر؛ فيلزم الوفاء به، لأنه لو تم الإتفاق على أن يدفع المهر ألفاً مثلاً، وأن يدفع ألفاً آخر مضافاً عليه؛ فالمهر ألفان.

Агар маҳрни устига зиёда қилишликка ўзаро келишилган бўлса, бунга вафо қилмоқлик керак. Маҳрни ўзини беришлик билан келишув шарти бажарилмайди. Масалан маҳр минг сўм бўлса, устига яна минг сўм берса, шунда, маҳр икки минг бўлади.

(Бу маҳрни устига зиёда қилишни шарт қилинган суратда, куёв шунга рози бўлган бўлса, қилинадиган ишдир)

Қуръони каримда келадики, Мусо алайҳиссалом маҳр учун саккиз йил ишлаб беришга келишган. Қайнотаси Шуайб алайҳиссалом унга қўйган шарти шундай:

قَالَ إِنِّي أُرِيدُ أَنْ أَتُكْحِكَ إِحْدَى ابْنَتَيَّ هَاتَيْنِ عَلَى أَنْ تَأْجُرَنِي ثَمَانِي حَجَّ فَإِنْ أَتَمَمْتَ عَشْرًا فَمِنْ عِنْدِكَ وَمَا أُرِيدُ أَنْ أَشُقَّ عَلَيْكَ سَتَجِدُنِي إِنْ شَاءَ اللَّهُ مِنَ الصَّالِحِينَ

Қасас сураси 27 оят

لم يحدد الشرع الإسلامي قدرا معلوما للصدّاق، فيصح بكل ما له قيمة مالية، قليلا كان أو كثيرا، من غير تحديد، وهو مذهب الجمهور

Маҳрни миқдори қанча бўлишлиги ҳақида, жумҳур уламолар, унга миқдор қўймаганлар. Бу келин ва куёвни ўзаро келишувига қолдирилган. Қиймати бўлган молдан нимани ихтиёр қилсалар, шу маҳрга ўтади.

Аммо, Абу Ҳанифа мазҳабида, маҳрни ҳам миқдори белгиланган.

خلافًا لمذهب أبي حنيفة حيث يشترط في المهر ألا ينقص عن عشرة دراهم. والأفضل ألا يزيد المهر عن خمسمائة درهم.

Маҳрнинг ками ўн дирҳам ва кўпи беш юз дирҳам бўлиши шарт дейишган.

Маҳрни мул бўлиши шартмас. аёлнинг розилиги билан бошқа нарсалар ҳам маҳр бўлиши мумкин? Қуръонни ўргатиб қўйиш эвазига бир аёлни, бир кишига, Пайғамбар алайҳиссалом никоҳлаб берганлар.

Маҳрга куёвнинг келинга олиб берган кийимлари ва бошқа ҳадялари кирмайди. ҳадяларни маҳр ҳисобидан ҳисоблаш дурустмас.

Маҳр мулкини, мабодо талоқ қилганда ҳам, қайтариб олиш мумкинмас. Бу мулк аёлнинг шахсий мулкидир. Унга ундан бошқа ҳеч ким эғалик қилишга ҳақлимас. Валлоҳу аълам!

Шулар маҳр ҳақида менинг билганларим.

3. Савол:

Assalому Alaykum Raxmatillxi va Barakatuxi Savol, Agar taxorat olmoqsni bolib xojatxohaga ehgil xojat qilib artihib suv bilah istohja qilmasdah taxorat olsa va homoz oqisa boladimi?

Валекум ассалом. Ха, агар яхшилаб тозаланса, ювиш шартмас. Истинжода ювиш шарт бўлади, каттага чиқилса, кичикка шартмас. Валлоҳу аълам.

Masalah safarda qasr nomozga peshin va asrhi qoshib oqisa bolar ekah lekin vyga qayfgahda asrga uyga etib borsa, oasr odisa dolagimi?

Агар йўлда ўқиган бўлсангиз, уйга бориб ўқимайсиз, агарчи, хали асрни вақти бор бўлса ҳам. Хуфтон ҳам шундай. Бир марта ўқилади. Агар асрни сафарда ўқимасангиз, уйга бориб, тўлиқ ўқийсиз. Чунки, уйда намозлар қаср ўқилмайди. Валлоҳу аълам.

4. Савол:

Ассалому алайкум. Зовурда яшайдиган нутра ва ондатрага ўхшаш хайвонларни истеъмол қилса бўладими?

Валекум ассалом. Бу хайвон сувда яшайдими? Ё сичқонлар турига кирадими? Шунини айтишда аввал.

Сувда яшайди ўтхўр. яъни сув ўтлари билан озиқланади. Оғзининг олди қисмида қуённикидек курак тиши бор. Йирткич хайвон эмас. Хонакилаштира бўлади. Жохиллар бемалол гўштини истеъмол қилишади. Терисидан ҳам фойдаланишади.

Терисини ошласа ҳалол бўлади. У бошқа масала. Лекин, гўштига бирор фатво кўрмадим. Сув хайвони бўлса, ҳадис бор. Сув хайвонлари ҳалолдир деган. Балиқлар, қисқичлар ва бошқаси ҳалол.

Агар Андатра Сичқон бўлса, ёки, шунга ўхшаган бўлса, гўшти ҳалолмас. валлоҳу аълам! Чунки, сичқонлар гўшти ҳаром дейилган.

فَأَكَلَ الْفَأْرَ حَرَامٌ عِنْدَ الْحَنْفِيَّةِ وَالشَّافِعِيَّةِ وَالْحَنَابِلَةِ وَهُوَ الْمَشْهُورُ عِنْدَ الْمَالِكِيَّةِ، قَالَ الْجَلَالُ الْمَحَلِّيُّ مِنَ الشَّافِعِيَّةِ: لِحَرَمَتِهِ سَبَبَانِ: النَّهْيُ عَنْ أَكْلِهِ، وَالْأَمْرُ بِقَتْلِهِ، فَقَدْ رَوَى عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: خَمْسٌ مِنَ الدَّوَابِّ كُلُّهُنَّ فَاسِقٌ يَقْتُلْنَ فِي الْحَرَمِ: الْغَرَابُ وَالْحِدَاةُ وَالْعَقْرَبُ وَالْفَأْرَةُ وَالْكَلْبُ الْعَقُورُ.

وَفِي قَوْلٍ عِنْدَ الْمَالِكِيَّةِ: أَنَّهُ مَكْرُوهٌ، وَفِي قَوْلٍ أَنَّهُ مَبَاحٌ، قَالَ الْإِمَامُ الدَّسُوقِيُّ رَحِمَهُ اللَّهُ: وَالَّذِي فِي كِتَابِ الطَّهَارَةِ مِنَ التَّوْضِيحِ أَنَّ فِي الْفَأْرِ وَالْوُطُوطِ ثَلَاثَةَ أَقْوَالٍ، وَأَنَّ الْقَوْلَ بِالتَّحْرِيمِ هُوَ الْمَشْهُورُ وَنَقَلَهُ، وَذَكَرَ عَنْ ابْنِ رَشْدٍ أَيْضاً أَنَّهُ اسْتَظْهَرَ التَّحْرِيمَ. انْتَهَى، وَالْقَوْلُ الْأَوَّلُ الْمَوْافِقُ لِلْجُمْهُورِ هُوَ الصَّوَابُ.
والله أعلم.

Ханафийлар, Шофийлар ва Ханбалийлар ва Молийкийлардан баъзилари, сичқонни ҳаром дейишган, Баъзи, Молийкийлар, уни ҳалол дейишган. Кўршапалакни ҳам ҳаром дейишган. Учадиган сичқонлар ҳам, гўшти ҳаром дейилган. Андатра ҳақида бирор олимнинг бирорта фатвосини топмадим. Қиёс қилганда, сичқонга қиёсласа, гўшти ҳаром бўлади. Валлоҳу аълам. Қуёнга қиёсланса, унда ҳалол бўлади. Валлоҳу аълам. Мен билмайман.

Бешта хайвонни Наби САВ ўлдиришга буюрганлар: Қора қарға, Калхат, Чаён, сичқон ва қутурган ит. Валлоҳу аълам!

5. Савол:

Тушимда онамни кўрибман. Онам вафот этганлар. Лекин, тушимда яна вафот этибди. Мен жаноза ўқишга келаётган эмишман. Буни таъбири қандай бўлади?

Тушида онаси вафот этса?

Муҳаммад ибн Сиринни Тафсилул Аҳлом китобида, онасини тушида вафот этгани билан боғлиқ тушларга, кўп таъвиллар берилган. Қуйида баъзиларини мазмунини ҳавола қилдим.

ومن رأى أن أحد أبويه مات فإنه تذهب دنياه ويفسد حاله وإن كان من طلاب الآخرة تعطل عمله

Кимки, тушида ота онасидан бирининг вафотини кўрса, молу дунёсида озроқ ортиқча чиқим бўлади дейилган.

ومن رأى: أنه يصلي على ميت فإنه يعطر رجلاً لا قلب له

Ким ўлган одамга жаноза ўқиса, бир қалби йўқ одамга панд насиҳат қилиб тўғри йўлга бошлаб қўяди.

وقال ابن سيرين موت الولد أمان من عدو وحصول ميراث وموت البنت رجوع عن أمل فيه سرور

Ким отасининг ўлганини тушида кўрса, душманидан омонлик топади ва қизини ўлганини кўрса, хурсандлик келади.

وموت الوالدة عدم وصول إلى مقاصد وحصول هم وحزن

Ким онасини ўлганини тушида кўрса, мақсад қилган ишига етишмай, хафа бўлиб қолади.

ومن رأى أحداً من قرابته قد مات فإنه نقصان في قدرته

Ким яқинларидан бирини ўлганини кўрса, бу унинг қудратига нуқсон етишидан дарақдир.

يؤكد ابن سيرين أن رؤية الأم في المنام من الرؤى المحمودة التي تبشر الرائي بالخير والبركة والرزق والتوفيق في كافة الأعمال.

Ибн Сирин айтади: Тушида онасини кўришлик яхшиликдир. Бу туш унга яхшиликдан, ризқида баракотдан дарак беради ва ҳамма амалларини, яхши бўлишига далолат қилади.

كما يشير تفسير موت الأم في المنام إلى تغير الحال من الحزن إلى الفرح، فقد يكون هناك مراسم زواج في القريب من أحد أبناء أو بنات هذه الأم.

Тушида онасини ўлганини кўрса, бу унинг ҳоли ғамгинликдан хурсандликка қайтишига далолатдир ва бу ерда шу ўлган онанинг фарзандларидан бири уйланади ёки қизи турмушга чиқади.

يقول ابن سيرين، أنه إذا رأى الشاب في منامه موت أمه وأنه يقوم بحملها على الأعناق، دل ذلك على الدرجة الرفيعة والمكانة العالية والسيرة الطيبة

Ибн Сирин айтади: Агар боласи онасини тушида ўлганини кўрса ва уни елкасида кўтариб юрса, бу унинг даражаси улуғ ва ҳурмати юқори ва табиати тоза бўлишига далолат қилади

إذا رأى أنه قد قام بدفن أمه، دل ذلك على أنه سوف يخوض تجارب جديدة في حياته، كأن يفكر جدياً في عروض الزواج أو في السفر أو في العودة من السفر والاستقرار

Ким тушида онасини дафн қилса, ҳаётида ўзгаришлар бўлади яна уйланиши мумкин ёки, сафар қилади ва ёки, сафардан қайтиб келади.

وتدل هذه الرؤية أيضاً على علو الشأن والمنزلة وعلى أنه سوف يعتلي منصب كبير في القريب

Тушда онасини ўлганини кўришлик, катта мансабларга эришишига ва ҳурмати ошишига далолат қилади.

إذا رأى الحالم أن أمه تموت في الحلم على الرغم من كونها متوفية في الحقيقة، فهذا يعني أن إحدى أخوات الحالم سوف تتزوج في القريب العاجل.

Кимнинг онаси тушида ўлса, лекин, у ўзи аввал ўлган бўлса, бу туш кўрувчининг сингилларидан бири тезда эрга чиқишини англатади

وفريق آخر يرى أن الشخص إذا رأى الميت يموت في المنام مرة أخرى، فإن هذا يشير إلى موت فرد من نسله

Баъзи таъбирчилар, ўлган онасини тушида яна ўлганини кўришлик, унинг наслидан кимнидир вафот этишига далолат дейишган.

أما لو ماتت الأم في حلم الرائي وهي في الحقيقة مازالت حية، فهذا الحلم يدل على عمرها الطويل

Ким тирик онасини, тушида ўлганини кўрса, бу онасининг умри узоқ бўлишига, далолат қилади.

أما عن تفسير حلم موت الأم وهي ميتة، فهذا يشير إلى الشوق إليها وكثرة ذكر اسمها في كل مناسبة والدعاء الدائم لها

Тушида ўлган онасини кўришлик, уни соғинганидан ва исмини кўп зикр қилганидан ва доим дуо қилиб юрганидан дарақдир.

وفي حال إذا كان يسعى للسفر، فإن هذه الرؤية تدل على سفره في القريب وتحقيق الكثير من المنافع أو الغاية من وراء هذا السفر.

.....

Ибн Шоҳин тафсирида: Тушида онасини вафот этганини кўришлик, яқин орада сафарга чиқишига ва бу сафарида кўп манфаатлар топишига далолатдир.

إن شاهد الرائي في منامه أن والدته المتوفية قد ماتت مرة أخرى وبكى عليها كثيرًا بدون نحيب، فإن هذه الرؤية تعني زواج الرائي أو زواج أي شخص من العائلة.

Ибн Шоҳин айтади: тушида онаси ё отасини вафот этганини кўрса, ўзи улар ўлган бўлсалар, ва уларга тушида йиғласа, бу туш кўрувчини ёки, оиласидан бировни уйланишига далолат қилади.

يقول ابن شاهين، إذا شاهد الرائي في منامه أن أمه قد ماتت وشاهد أنه يأخذ واجب العزاء فيها

Ибн Шоҳин айтади: Ким вафот этган онасини тушида яна ўлганини кўрса, унга озор бераётган нарсани йўқотишни вожиблигига далолат қилади.

لو رأى الحالم في منامه بأن أمه المتوفية كانت تبكي ومهمومة، فهذا مؤشر بأنه نسي أمه ولم يذكرها بأي عمل خير في الدنيا سواء صدقة جارية أو دعوة طيبة، وبالتالي لا بُد على الحالم أن يتصدق على روح أمه حتى يرفع عنها الحزن

Кимки, тушида ўлган онасини йиғлаган ҳолда кўрса, бу у онасини унутганига далолат қилади. Уни яхши амаллар устида зикр қилмаслигини билдиради. Яхши дуоми, жорий садамаи, ва ҳаказо. Туш кўрувчига лозимдир онаси ҳаққидан садақа қилиб, ундаги ғамгинликни кўтаришлиги лозимдир.

Эрга чиққан аёллар онасини тушида ўлганини кўрса, унга алоҳида таъвил бор. Эрга чиқмаган аёлларга алоҳида таъвил. Қизларга ва уйланмаган йигитларга алоҳида ва Чол ва кампирларга алоҳида. Бу ерда эркалар туши ҳақидаги таъвиллар баён этилди.

6. Савол:

Эри ўзини аёлини қабрга қўйса бўладими? Аёли, вафот этса эри, унга номаҳрам бўлмайдами?!

Аёл кишини эри қабрга қўйиши жоиз. Маҳрамларидан кимдир бўлса ҳам бўлади. Лекин, маҳрам бўлмаганлар ҳам, қўйиши мумкин. Шу кечада, аёлига яқинлик қилмаган киши бўлиши, афзал дейилган. Яъни, қабрга қўядиган киши, шу кеча аёлига яқинлик қилмаган бўлса, афзал дейишган. Ёки, умуман шаҳватдан қолган қари кишилар ёки, оиласиз кишилар қўйгани, афзал дейишган.

Бу масалада, баъзилар, эри номаҳрам бўлади, унга мумкинмас дейишади. Бу гап хато. Эри ҳам ва бошқа эркаклар ҳам, қўйиши жоиз.

Бунга қатор фатволар бор.

ويقول ابن عثيمين: المرأة يضعها في قبرها أي رجل من الرجال، سواء كان من محارمها أو من غير محارمها؛ لكن الأفضل من محارمها، إلا إذا علمنا أن أحداً من الناس لم يجمع تلك الليلة كرجل نعلم أنه ليس له زوجة، أو نعلم أنه قد تجاوز سن الشهوة، فقد قال العلماء رحمهم الله: إن من بعد عهده بالجماع أولى ممن قُرب. اهـ

وقال أيضاً: العلماء فيما أعلم لم يقل أحد منهم: إن المرأة يحرم أن يدخلها في قبرها من جامع تلك الليلة، لكنهم قالوا: من بعد عهده بالجماع فهو أولى، لأن النبي صلى الله عليه وعلى آله وسلم قال وهو يدفن إحدى بناته: (أيكم لم يقارف الليلة؟ فقال أبو طلحة: أنا فنزل) على أن العلماء مختلفون في قوله: (لم يقارف) هل معناه: لم يقارف إثمًا، أي: لم يتفقوا على أن المراد به الجماع، فإذا نزل الإنسان إلى قبر امرأة وهو يعرف كيفية الدفن ولو كان قد جامع في تلك الليلة فلا بأس ولا حرج، لكن الأولى أن يكون الإنسان الذي ينزل في قبرها لم يجمع في تلك الليلة

Ибн Усайминга шу саволни беришганда: Аёлни, қабрга қўйиши мумкин, қайси киши бўлсада, маҳрамми ё маҳраммасми фарқи йўқ деганлар. Маҳрами қўйгани афзалроқ деган. Валлоҳу аълам.

7 Савол:

Ассалому алейкум байрам нишонламайди аммо хўжайин томонидан берилган пул нима бўлади, оладими йўқми?

Агар мушриклардан ва китоб аҳлидан бўлган кофирлар, сизга ҳадя берсалар, буни олиш мумкин ва уларга ҳам ҳадя беришлик мумкин! Лекин, бу улар билан дўстлик пайдо қилиш мақсадида эмас, ўзаро яхши муомила қилиб туриш мақсадида қилиш мумкин. Умар ибн Хаттобга Пайғамбар алайҳиссалом совғага чопон берганликлари ва у киши уни, мушрик укасига совға қилгани, бу ҳадисда зикр қилинган.

جاء في صحيح البخاري ومسلم عن ابن عمر -رضي الله عنهما- قال: رأى عمر حلة على رجل تباع، فقال للنبي -صلى الله عليه وسلم-: "ابتع هذه الحلة تلبسها يوم الجمعة، وإذا جاءك الوفد" فقال: (إنما يلبس هذا من لا خلاق له في الآخرة) فأتي رسول الله -صلى الله عليه وسلم- منها بحلل، فأرسل إلى عمر منها بحلة، فقال عمر: "كيف ألبسها، وقد قلت فيها ما قلت؟ قال: إني لم أكسها لتلبسها، تبعها، أو تكسوها فأرسل بها عمر إلى أخ له من أهل مكة، قيل أن يسلم

Пайғамбар алайҳиссалом яҳудлардан ҳам совға олганлар. Нажошийдан ҳам совға қабул қилганлар. Лекин, янги йилни муносабати билан пул берса, сиз айтган, Иш еридаги раҳбари берса, бу уни ишлаган ҳаққи эмас, шу янги йил учун, ортиқча пул беришса, олмагани афзал. Олса олса фақирларга бериб юборсин. Валлоҳу аълам! Чунки, биздаги раҳбарлар ўзини мусулмон санайдиган ва Ислонда йўқ бўлган байрамларни нишонлайдиган кишилардир. Уларнинг бу ишлари хатодир. Уларнинг хатосига шериклик қилмаслик керак. Аксинча, уни ҳам қайтариш керак. Валлоҳу аълам.

8 Савол:

Эри хотинига уйинга бориб, эртага қайтиб келмасанг талоқсан дебди. Хотини кетибди. Орадан уч ой ўтиб, қайтиб келибди. Ҳозир яна бирга эканлар. Буларга қайта никоҳ ўқиладими ёки, ражъий талоқ бўлса, никоҳни қайтармасдан яшаб кетаверадими?

Буларда боин талоқ бўлган экан. Ражъий талоқ эмас.

Шарт қўйилган талоқни талоқи мутааллиқ дейилади. Шартга боғланган талоқ дейилади. Бунда боин талоқ тушади. Агар аёл эртасига келганида, талоқ тушмасди. У келмаган ва шу кун ўтгач, унга бир талоқ тушган. Валлоҳу аълам.

Боин талоқда қайта, қўшилмоқчи бўлса, қайта никоҳ ўқитиш керак. Иддаси ўтганми йўқми, фарқи йўқ. маҳр бериш керак. Агар ражъий талоқ бўлса никоҳ ўқилмасдан қўшилиб кетаверади. Лекин, барибир унга ҳам бир талоқ тушган бўлиб ҳисобланади, шу эр хотинни орасида бир талоқ бор деб саналади яна 2 та талоқ колган бўлади. уч талоққа. Булар орасида боин талоқ тушган. энди, никоҳ ўқиб қўшилади.

Булар никоҳсиз қўшилиб кетганлиги хато бўлибди. Булар ҳали бир бирига номаҳрам ҳисобланади. бозорга борсанг талоқсан деса борса талоқ тушади. Боин талоқ тушади. Қайта никоҳ ўқиб қўйиш керак. Худди, янги эр хотинлардек. Хуллас, менинг тушунганим шундай! Валлоҳу аълам!

9 Савол:

Бир йигит намозхон эди. Шу орада бир йил намоз ўқимабди. Энди, яна намоз ўқишни бошлабди. Шу ўтган бир йилига намозни қазосини ўқийдими? Ёки, истиғфор айтса, бўлдими?

Субҳоналлоҳ! Намоз масаласи жуда оғирда. Бу мавзуда менга савол беришларини ҳам истамасдим. Бу мавзуда асло енгиллик йўқ. Бу мавзу жуда оғир мавзудир.

Менинг шахсий қарашим, у киши намозни қазосини қайта ўқисин ва истиғфор ҳам айтсин. Енгилроғи шу. Валлоҳу аълам! Лекин, қазосини ўқимаса, у истиғфор билан адо бўлмайди. Намозни адоси, ўқишлик билан бўлади халос. Намозга бошқа каффорат йўқ! Киши, имонга келганидан кейин шундай бир йил бенамоз бўлиши, бу катта хатардир.

Масала шундаки, баъзи уламолар бенамозга кофир деб, ҳукм берганлар. Лекин, уни шу даврига кофир деб ҳукм бермайман. Чунки, унда иш кўпаяди. Уни хотини талоқ бўлган бўлади. (У бенамоз пайтида) У эса, унга қўшилган бўлса, шу бир йил ичида, зино қилган бўлади. Чунки, у кофирлар макомига ўтадида. Шунинг учун, бу ерда, афзалроғи, шу бир йил ичида, у гуноҳт қабира қилган мўмин эди деб, биламиз. Демак, энди, шу пайтдаги намозларини қайта ўқиб олиши фарздир!

Шу даврида, ўзини мўмин деб, тан олиб, намозни қазосини санаб, битта битта ўқисин. Тавбам қилсин! У ёғи Аллохга таваккул, истаса кечиради, истаса азоблайди. Агар у даврини куфрга чиқарса, унда намозни ўқимайди. Лекин, унда энди имон келтирган бўлади. Унда, бошқа ишлари расво бўлади. Қайта маҳр бериб, хотинига, никохлаш керак! Боласи зинодан туғилган бўлса, у ҳам беникоҳ туғилган бўлиб қолади. хуллас расво бўлади.

10 Савол:

Бир кишини танийман, яхши ёки, ёмон деб, айтиш учун, нималарни билиш шарт қилинади?

حين أتاه رجل وأراد أن يضمن أحد الرجال حين جاء شاهد يشهد عنده فقال له عمر: أنت بمن يعرفك؟ فجاء برجل، فقال له: هل تزكيه؟ هل عرفته؟ قال: نعم، فقال عمر: وكيف عرفته؟ هل جاورته المجاورة التي تعرف بها مدخله ومخرجه؟ قال: لا، قال عمر: هل عاملته بالدينار والدرهم اللذين تعرف بهما أمانة الرجال؟ قال: لا؛ فقال: هل سافرت معه السفر الذي يكشف عن أخلاق الرجال؟ قال: لا، فقال عمر بن الخطاب: فعلك رأيت في المسجد راعياً ساجداً، فجننت تزكيه؟! قال: نعم يا أمير المؤمنين؛ فقال له عمر بن الخطاب: اذهب فانت لا تعرفه، ويا رجل انتني برجل يعرفك فهذا لا يعرفك
فهذا الخبر ذكره بمعناه الحكيم الترمذي في أدب النفس فقال: وما جاء عن عمر بن الخطاب - رضي الله عنه - حدثنا بذلك صالح بن محمد، قال: حدثنا القاسم العمري، عن عاصم بن عبد الله بن عامر بن ربيعة، عن أبيه: أن رجلاً أتني على رجل عند عمر - رضي الله عنه - فقال: صحبتته في سفر؟ فقال: لا، قال: فأتمنت على شيء؟ قال: لا، قال: ويحك! لعنك رأيت يخفض ويرفع في المسجد

Умар абн Хаттобни олдига бир киши бир нарсага гувоҳлик бериш учун келди. Умар унга, сени танийдиган одам билан келдингми? деди. У ха деди. Умар уни ёнидаги кишига қараб, сен уни танийсанми? деди. У Ха деди. Умар унга, қандай танийсан? деди. Қўшни бўлиб яшадигми? Кириб чиқиб юрганмисан? деди. У киши йўқ деди. Умар унга, у билан пул олди берди қилдингми? Шу билан уни омондор эканини билдингми? деди. У киши йўқ, деди. Умар унга, сен у билан бирга сафар қилдингми? Шу сафарда, уни ахлоқини билиб олдингми? деди. У киши йўқ, деди. Умар унга, сен уни масжидда сажда пайтида кўрдигми? деди. У киши ха деди. Умар унга қараб кет, сен уни танимас экансан, деди. Эй одам деди, унисига қараб, сени танийдиган одамни топиб келгин! Бу киши сени танимас экан, деди.

Бу ердан оладиган умумий хулоса шуки, бир кишини танидим дейиш учун, уни ҳаётда турли ҳолатларда бирга бўлиб кўриб, кейин айтишлик керак. Масжидда сажда қилаётганини кўрган билан таниган бўлмайди. У намозхон бўлиши мумкин? Лекин, у бошқа пайтларда фирибгар, ўғри, каззоб, хоин, бўлиши ҳам мумкин. Бугунги намозхонларда бу сифатлар кўп топилади. Шунга ишора бўлаяпди. валлоху аълам.

11 Савол:

Бир киши бировдан қарз олган. Қарзини қайтарибди. Лекин, кўнгилдан чиқди деб, устига қўшиб берибди. Шу кўнгилдан чиққани, рибога кирмайдими? Олса бўлаверадими?

Қарзни қайтаришда кўнгилдан чиққани ҳам, рибо бўлади. Бошқа пайтида берсин кўнгилдан чиқса, қарзга қўшиб бермасин. Бошқа пайти берсин. Қарзни қайтараётганда эмас. Рибо эҳтимоли бор. Валлоҳу аълам.

12 Савол:

Бир намозхон аёлни эри, Россияда ишлар экан. Телефонни олмаганида сўкибди. Бу аёл кўшни аёлдан муаллимус сонийни ўрганаётган экан. Эри тел қилганда, жавоб бермагани учун, эри, динингни ҳам, намозингни ҳам деб, сўкибди. Шунга, энди нима бўлади? Шу эри билан бирга яшаб кетаверадими ёки, ажраладими?

Эри кофир бўлса, аёли муслима бўлса, унга ҳаром бўлади. Бу ҳақида Ибн Бозни фатвоси бор.

كون أحد الزوجين مشركا شركا أكبر:

السؤال الأول الفتوى رقم (4459)

س1: إذا كان أحد الزوجين مشركا شركا أكبر والعباد بالله، وكان يدعو غير الله، ويقدم له أنواع القربات، فهل للقاضي أن يفرق بينهما، وإذا كانت المرأة هي الموحدة فهل لرغبتها تأثير في طلب الطلاق من عدمه؟
ج1: لا يجوز أن تبقى زوجة مسلمة في عصمة زوج مشرك، ولا زوجة مشركة غير كتابية في عصمة مسلم؛ لقوله سبحانه وتعالى: {وَلَا تَنْكَحُوا الْمُشْرِكِينَ حَتَّى يُؤْمِنَ وَلَأَمَةٌ مُؤْمِنَةٌ خَيْرٌ مِنْ مُشْرِكَةٍ وَلَوْ أَعْجَبَكُمْ} [سورة البقرة الآية 221] ولقول الله عز وجل في سورة الممتحنة: {لَا هُنَّ حِلٌّ لَهُمْ وَلَا هُمْ يَحِلُّونَ لَهُنَّ} [سورة الممتحنة الآية 10]. وبالله التوفيق، وصلى الله على نبينا محمد وآله وصحبه وسلم
اللجنة الدائمة للبحوث العلمية والإفتاء
الرئيس: عبدالعزيز بن عبدالله بن باز
نائب الرئيس: عبدالرزاق عفيفي

Тавба қилдим. Билмадим. Аёл эрни бу даражага олиб бормаслиги лозим эди. У эрини диндан чиқиб, кофир бўлишига сабаб бўлди. (Агар у эр, шу пайтгача мусулмон бўлса) Агар эри тавба қилиб, имон келтирса, ўзига яхши, аёли билан қайта никоҳланиб, яшаб қолади. У шу сўзида турса, кофир бўлади ва кофир билан муслима бир никоҳда бўлмайди. Бўлмаса, у билан бирга яшашлиги, мумкинмас. Валлоҳу аълам!

Эри ўзи аёлига динни таълим беришлиги керак эди. Унга намоз ўқи, рўза тут деб, буюриши керак эди. Ўзи ҳам, шуларни қилиши керак эди. Бу ерда, эр хотинни йўлига тўсиқ қўйибди. Билмадим. Буларни никоҳи (агар шунгача бўлса) энди бекор бўлган. Валлоҳу аълам!

13 Савол:

Бир ўрис аёл этган. Эри мусулмон бўлган. Уни маҳалла имоми мусулмонлар қабристонига кўмилмасин, дебди. Шунга, уни бошқа районга олиб бориб, ўрислар қабристонига кўмишибди. Шу тўғри бўлганми?

Мусулмонлар ва кофирлар алоҳида кўмилиши, ҳамма фатволарда айтилган

لا يجوز أن يدفن غير المسلم مع المسلمين في مقابرهم، بل يدفن بعيداً عنهم؛ لأنهم يتأذون بمجاورته إياهم، وهذا ما نص عليه العلماء رحمهم الله في كتبهم، بل لقد ذكروا مسألة يتضح منها موقفهم رحمهم الله من موتى غير المسلمين، وتعين إبعادهم عن مقابر المسلمين، فقد جاء في المقتع: (وإن ماتت ذمية حامل من مسلم دفنت وحدها ويجعل ظهرها إلى القبلة)، وقال في حاشيته تعليلاً لذلك؛ لأنها كافرة فلا تدفن في مقبرة المسلمين، وولدها محكوم بإسلامه، فلا يدفن بين الكفار، ونظراً إلى أن بلادنا -حماها الله ومكن لولاتها- ليس فيها مستوطنون بجنسية حكومتها غير مسلمين، فإن من مصلحتها وتقليل مشاكلها مع الآخرين عدم تخصيص مقبرة فيها لغير المسلمين، فمن مات منهم وطلب أولياؤه نقل جثته إلى بلاده فتحسن إجابتهم لذلك وبالله التوفيق وصلى الله على نبينا محمد وآله وصحبه وسلم.

Бу масалада қатор фатволар бор. Аслида мусулмонлар кофирлар билан, бир қабристонга дафн қилинмайди. Алоҳида бўлиши шарт қилинган. Лекин, майитни олиб боришга имконият бўлмаса, орасини ажратиб, алоҳида қилиб, кўмиш ҳам мумкин дейишган. Яъни, мусулмонлар ётган еригамас, қабристонни бир чеккасига алоҳида жой ажратиб, кофирларни кўмиш мумкин. Булар орасида ажратиб турувчи нимадир бўлса яхши бўлади. Наби САВ даврида мусулмонлар кофирлар билан бирга, дафн қилинмаган. Мабодо зарурат бўлса, қабристондан алоҳида жой ажратиб олиб, дафн қилишган. Валлоху аълам.

Бир хотин ўзи насронийя бўлиб, мусулмонга эрга чиққан бўлса, унинг хомиласи бўлса, шу ўлса, уни кофирларни ҳам, мусулмонларни ҳам қабристонига кўмилмайди. Алоҳида ўзи кўмилади дейишган. Чунки, у ўзи кофира нинг учун, мусулмонлар қабристонига кўмилмайди. Қорнидаги боласи мусулмон ва у болани кофирлар қабристонига кўмилмайди. Шунинг учун, уни Алоҳида ўзи ёлғиз кўмилади, дейишган.

ما حكم الإنسان الذي أسلم ووالده كافر مشرك يعبد الأصنام حتى مات مشركاً، وهل يجوز لابنه المسلم أن يشترك في غسله ودفنه ؟ وإذا اشترك في غسله ودفنه وعادات الكفار وما حكمه في الإسلام ؟ وماذا يعمل ابن المسلم بعد هذه الأعمال ؟

الجواب:

الأصل في الكافر إذا مات أن يواريه أقاربه في حفرة حتى لا يتأذى به الناس، ولا يغسل ولا يكفن، ولا يصلى عليه، ومن فعل غير ذلك أو اشترك مع الكفار في عاداتهم فعليه أن يتوب ويستغفر الله، لعل الله أن يتوب عليه وبالله التوفيق وصلى الله على نبينا محمد وآله وصحبه وسلم.

المصدر:

اللجنة الدائمة للبحوث العلمية والإفتاء(9/14)

عبد الله بن غديان ... عضو

عبد الرزاق عفيفي ... نائب رئيس اللجنة

عبد العزيز بن عبد الله بن باز ... الرئيس

Отаси кофир холда ўлса, боласи мусулмон бўлса, отасини ювиб, дафн қилишда катнашадими? деган саволга, Саудиядаги доимий фатво кўмитаси, Кибор уламолар хайъати тўпланган Доимий фатво кўмитаси жавоб берган. Йўқ, мусулмон кишига, кофирни ўлигини ювиш, кафанлаш, дафнида катнашиш мумкинмас. Агар ким буни қилса, тавба қилиб, истиғфор айтсин, деганлар.

Хулоса: Боласи мусулмон бўлиб, кофир отасини ювишда катнашолмаса, бегона кофирларни дафнида ҳам, катнашиши мумкин бўлмайди. Демак, ўшунга кўра, юқоридаги аёлнинг болалари бўлса, унинг дафнида иштироки ҳам, жоиз бўлмайди. Валлоху аълам!

14 Савол:

Етмиш киши жаннатга савол жавобсиз кирар экан. Шулар кимлар ва шулардан бўлиш учун нима қилиш керак?

Ибн Боз раҳимахуллоҳга шунга яқин бир савол берилганда: шуларни айтганлар.

هذا جاء في حديث السبعين، النبي ﷺ أخبر أصحابه أنه عرضت عليه أمته، وكان فيهم سبعون ألفاً يدخلون الجنة بغير حساب ولا عذاب، فخاض الناس في أولئك: من هم؟ لما حدث بهذا الحديث، وقام عليه الصلاة والسلام، خاضوا، فقال بعضهم: فلعلهم الذين ولدوا في الإسلام، وقال بعضهم: فلعلهم الذين صحبوا الرسول ﷺ يعني: من الصغر، ولم يكفروا، وخاضوا في غير هذا ثم خرج عليهم ﷺ قال: ما ...؟ سألهما عما يخوضون فيه فأخبروه، فقال: هم الذين لا يسترقون ولا يتطيرون ولا يكتوون وعلى ربهم يتوكلون هذه من صفاتهم مع تقواهم لله وإيمانهم بالله واستقامتهم على دينه هم مع هذا لا يسترقون، يعني: لا يسألون الناس أن يرقوهم ولا يتطيرون الطيرة: التشاؤم بالمرئيات والمسموعات، هذه الطيرة ما أمضاك أو ردك بسبب التشاؤم ولا يكتوون يعني: إذا مرضوا ما يكتوون وعلى ربهم يتوكلون هذه من صفاتهم العظيمة، ولكن يجوز الكي، الرسول ﷺ رخص في الكي، ويجوز الاسترقاء، رخص في الاسترقاء أيضاً لعائشة، وأم أولاد جعفر، لا حرج في الاسترقاء، كونه يطلب من يرقيه لا حرج، لكن تركه أفضل إذا تيسر دواء آخر غير الاسترقاء، أفضل،

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу етмиш минг киши ҳақида ўзлари хабар бериб айтдиларки, у кишига умматлар кўрсатилди. Бир пайғамбарни кўрдим, у билан бир неча киши бор эди. Бир пайғамбарни кўрдим, у билан биргина киши бор эди.

Яна бир пайғамбарни кўрдим, у билан икки киши бор эди. Бир пайғамбарни кўрдим, у билан бирон киши йўқ эди. Тўсатдан менга катта бир қоралик кўринди. Улар менинг умматим бўлса керак деб ўйладим. Шунда менга: «Бу Мусо ва унинг қавми. Лекин, сиз уфққа қаранг», дейилди. Қарасам, жуда катта бир қоралик кўринди. Менга: «Шу сизнинг умматингиз, улар ичидан етмиш минг борки, жаннатга ҳисобсиз ва азобсиз кирадилар», дейилди».

Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўринларидан туриб, уйларига кириб кетдилар. Саҳобалар жаннатга беҳисоб кирадиган ўша кишилар ҳақида, баҳс қила бошлашди. Баъзилар: «Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга ҳамсуҳбат бўлганлар (саҳобалар) бўлса керак», дейишди. Бошқалари: «Улар Исломда туғилиб, Аллоҳга бирон нарсани ширк келтирмаганлар бўлса керак», дейишди. Ва ҳоказо, бир қанча нарсани зикр қилдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам улар ҳузурига чиқиб: Нима ҳақида баҳслашаяпсизлар?, дедилар. Улар (ўрталарида бўлган баҳсдан) у зотни хабардор қилишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Улар руқя қилдирмайдиган (дам солдирмайдиган), куйдириб даволанмайдиган, шумланмайдиган ва Раббиларига таваккул қиладиган кишилардир», дедилар.

Мана шу уларнинг сифатлари ва тақволари ва Аллоҳга бўлган имонлари ва динларида истиқоматларидир. Улар дам солдирмайдилар. Яъни, куръон ўқиб, дам солдирмайдилар. У бу нарсага шумланмайдилар. Қушларни учишига ва бошқа нарсаларга. Касал бўлсалар, ўтда куйдириб даволанмайдилар. Раббиларига таваккул қиладиган кишилардир», дедилар. Шуниси, уларнинг асосий катта сифатидир. Ва лекин, куйдириб даволаниш жоиз, дам солдиришлик жоиз. Лекин шумланишлик жоизмас. Аммо, ҳаммасини тарк этишлик афзалдир.

Хулоса: Демак, булардан бўлишлик учун, шу учта нарсани тарк этишлик керак. Ва таваккул қилишлик керак. Тавҳид аҳли бўлиш ва имону исломдаги кўплаб шартларни амалда бажаришлик ва умид қилиб, сабр қилиб, яшашлик керак. Валлоҳу аълам!

Шунда, улардан бўлиш эҳтимоли ҳам бўлади. Улардан бўлмаганда ҳам, жаннат аҳли бўлиш имкони бўлади. Аллоҳ тавфиқ берсин!

15 Савол:

Бир йигит хотинига ўн талоқсан, дебди. Шунга энди, у ўн талоқ бўлдимми?

Динда, ўн талоқ йўқ. Энг кўпи учта. Ўн десаям, юз десаям, учта тушган бўлади. Агар учта демасдан, талоқсан, талоқсан, талоқсан деб, айтса, бунда ихтилоф бор. Мақсади битта бўлиб, қайта қайта айтиши, таъкид учун бўлса, битта талоқ тушади, дейишган.

:الحمد لله والصلاة والسلام على رسول الله وعلى آله وصحبه، أما بعد
تقدم في الفتوى رقم: 1496 حكم طلاق الغضبان إذا غلب الغضب على عقله. وبالنسبة لقولك لزوجتك أنت مطلقة أنت مطلقة أنت مطلقة
ففي هذه الحالة تقع الطلقة الأولى فقط إن نويت بالثانية والثالثة التأكيد لها، وتقع الثلاث إن نويت بكل واحدة منها تأسيساً أي إنشاء طلاق
جديد، وهذا مذهب جمهور العلماء
،وذهب شيخ الإسلام ومن تبعه إلى أنه لا يقع بالطلقات التي وقعت بلفظ واحد أو في مجلس واحد إلا طلقة واحدة وتكون رجعية
.والله أعلم

Ислом Веб саҳифаси, фатволар бўлимида шу саволга тегишли фатвода айтилади. Талоқ сўзини уч марта айтса, лекин, мақсади бир талоқни ният қилган бўлса, бир талоқ тушади, дейишган. Агар, мақсади ҳар айтганида биттадан янги талоқни мақсад қилса, унда уч талоқ тушади, деганлар. Бу жумхур уламолар сўзи экан.

Ибн Таймийя бир маконда ва бир замонда уч талоқ тушмайди. Бир талоқ бўлади ва ражъий талоқ бўлади, яъни, қайтиб олсанг бўлади, деган. У кишидан бошқалар тушади деганлар. Эслатма: Ибн Таймийя, машхур тўртта мазҳаб эргашувчиси эмас. Ўзи мустақил ижтиҳод қилган, мужтаҳиддир.

16 Савол:

Уйида суннатни ўқиб олган одам, фарз намозига чиқса, тахийятул масжид намози ўқийдими?

Ибн Боз раҳимаҳуллоҳга шу савол берилганда:

لكن لو صلى الراتبة في بيته صلى سنة الفجر في بيته ثم جاء إلى المسجد قبل أن تقام الصلاة؛ فإنه يصلي تحية المسجد حينئذ قبل أن يجلس؛
لأنه حينئذ ليس عنده سنة الفجر قد صلاها في بيته، فيصلّي تحية المسجد ثم يجلس. نعم

Агар киши уйида бомдоднинг суннاتини ўқиб, кейин, фарзни ўқишга масжидга чиқса, ўтирмасдан олдин икки ракат тахиятул масжид намозини ўқийди. Деганлар.

Кейин фарз ўқийди. Агар, фарз ўқиладиган бўлса, тахиятул масжид ўқимасдан, фарзга кўшилади. Шу фарз намози унга кифоя бўлади.

17 Савол:

Ўрисларнинг магазинидан гўшт олиб есак мумкинми?

Ибн Боз раҳимахуллоҳдан шу савол сўралганда:

لجواب: أهل الكتاب هم اليهود والنصارى، والذي أباح طعامهم، فهم كفار ومشركون وظلمة ومفسدون، ولكن الله سبحانه لطف بنا وأباح لنا طعامهم فضلاً منه وإحساناً، وطعامهم ذبائحهم كما قاله ابن عباس وغيره، فإذا علمنا أن هذه الذبائح من ذبائح أهل الكتاب فهي حل لنا سواء كانت من أوروبا أو من أمريكا أو من غير ذلك.

Китоб аҳли насоролар ва яҳудлардир. Уларнинг таоми бизга мубоҳдир. Улар мушриклар ва фосиқ бузғунчилардир. Лекин, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло бизга, уларнинг таомини ҳалол қилди. Ўзининг фазли ва эҳсони билан. Агар биз билсак, бу сўйилган гўшт китоб аҳли томонидан сўйилганини, Европами ё Америками ё бошқасими, фарқи йўқ, бизга ҳалолдир. Деганлар.

أن طعام أهل الكتاب وهم اليهود والنصارى سواء كانوا ذميين أو حربيين حل لنا بنص القرآن، إلا إذا علمنا أن هذه الذبيحة أهلت لغير الله ذبحوها لألهتهم، إذا علمنا ذلك حرم علينا وهكذا إذا علمنا أنهم ذبحوها بالخنق أو بالصعق الكهربائي يقيناً أن هذه الذبيحة المعينة التي جاءت في هذه العلة أو في هذا الإثناء، إذا علمنا هذا حرمت علينا وإلا فالأصل حل ذلك وعلينا أن نقبل رخصة الله سبحانه

Китоб аҳли насоролар ва яҳудлар фарқи зиммийларми ё ҳарбийларми, қуръон ҳужжати билан бизга сўйгани ҳалолдир. Агар биз билсак, улар Аллоҳдан бошқага атаб сўйган бўлса, ўзларининг худоларига аташган бўлса, у биз учун ҳаромдир. Агар, биз уларни ток билан ўлдириб, кейин сўганини ва бошқа ғайри шаръий услубда сўйганини аниқ билсак, булар мустаснодир. Буларни аниқ билсак, улар ҳаромдир.

Хулоса: шунақа, китоб аҳли сўйса ейиш жоиз деган, фатво бор. Аммо, мушрик ва мажусий кофирлар сўйса, ейиш мумкинмас.

18. Савол:

Бир қассоб бенамоз лекин, ўзини мусулмонман дейди. Бу ароқ ичади. Шуни сўйган гўштини еса бўладими?

Бу ерда аввал бир нарсани аниқлаш керак. Бенамоз кофирми йўқми? Шуни аниқласак, кейин, уни сўйгани ҳаломи ё ҳаромми, шуниси ҳам аниқ бўлади. Ибн Боз раҳимахуллоҳдан шу савол сўралганда:

الجواب: اختلف العلماء رحمة الله عليهم في الرجل الذي يدع الصلاة وهو لا يجدها، يعلم أنها فرض وأنها واجبة عليه، ولكنه يتساهل فيصلّي تارة ويدع الصلاة أخرى، أو لا يصلي بالكلية؟
 فذهب جمع من أهل العلم إلى أنه قد أتى منكرًا عظيمًا أعظم من الزنا وأعظم من السرقة وأعظم من العقوق، لكنه لا يكفر كفرًا أكبر بل كفر أصغر، هكذا قال جمع من أهل العلم، وبهذا قالوا: تحل ذبيحته؛ لأنه لا يزال مسلمًا
 وذهب آخرون من أهل العلم إلى أنه يكفر بذلك، متى ترك الصلاة عمدًا ولو لم يجد وجوبها فإنه يكفر بذلك، وهذا هو الصواب هذا هو
 قال عبد الله بن شقيق العقيلي التابعي الجليل: لم يكن أصحاب رسول الله ﷺ يرون شيئاً من ، الحق، وهذا هو المروي عن الصحابة الأعمال تركه كفر إلا الصلاة . فجعلوا ترك الصلاة كفرًا، وإن لم يجد وجوبها، وهكذا يقول ﷺ: العهد الذي بيننا وبينهم الصلاة فمن تركها فقد كفر، ويقول عليه الصلاة والسلام: بين الرجل وبين الكفر والشرك ترك الصلاة رواه مسلم في الصحيح، والأحاديث الصحيحة في هذا كثيرة تدل على أن من تركها كفر وإن لم يجد وجوبها، سواء كان رجلاً أو امرأة

Уламолар намозни бир ўқиб, бир ўқимасдан енгил санайдиган ва лекин, фарзлигини инкор қилмайдиган одам масаласида ихтилоф қилишган. Баъзилар уни ўғирликдан, зинодан ва ота онага оқ бўлишданда катта гуноҳ қилаётган одам ва лекин, катта куфрга кетган эмас, кичик куфрдаги одамдир. Уни сўйгани ҳалолдир дейишган.

Бошқа тоифаси, намозни фарзлигини инкор қилмасада, тарк этиши билан у у кофир бўлади, дейишган. Мана шу тўғридир. (Дейди Ибн Боз) Абдуллоҳ инб Шақиқ айтган экан, саҳобалар наздида, тарк этса, куфрга ҳукм қиладиган, намоздан бошқа нарса йўқ эди. Намозни тарк этишни куфр деб, эътиқод қилишган. Агарчи, уни вожиблигини инкор қилмаса ҳам. Расулulloҳ аллоллоҳу алайҳи васаллам айтганлар: биз ва улар орасидаги аҳд, намоздир. Ким уни тарк этса. Кофир бўлди. Имоми муслим саҳиҳи тўпламида келтирган ҳадисда, Расулulloҳ аллоллоҳу алайҳи васаллам айтганлар: Киши билан куфр ва ширк орасидаги нмозни тарк этишлиқдир. Бу мавзуда саҳиҳ ҳадислар кўпдир. Намозни тарк этишлик куфрдир. Фарзлигини инкор қилмада. Аёлми эркакми, фарқи йўқ!

Хулоса: Демак, Ибн Боз раҳимахуллоҳ наздида, бенамоз кофирдир. Уни сўйгани ҳаромдир! Бу қавлда бошқа уламолар ҳам бор. Баъзилари, бенамозни кофирмас дейишган ва улар наздида, бенамознинг сўйгани ҳам ҳалолдир.

19 Савол:

Ўғлим бир тилла сирға топиб олибди. Шунини нима қилса бўлади?

عن زيد بن خالد الجهني ، أنه قال : سئل رسول الله صلى الله عليه وسلم فذكر نحو حديث ربيعة ، قال : وسئل عن النقطة ، فقال : تعرّفها حولاً ، فإن جاء صاحبها دفعها إليه ، وإلا عرفت وكاعها وعفاصها ، ثم أفضها في مالك ، فإن جاء صاحبها فادفعها إليه الراوي : زيد بن خالد الجهني | المحدث : الألباني | المصدر : صحيح أبي داود

اعرف وكاعها، أو قال وعاعها، وعفاصها، ثم عرفها سنة، ثم استمتع بها، فإن جاء ربها فادها إليه قال: فضالة الإبل؟ فعصّب حتى احمرت وجنتاه، أو قال احمر وجهه، فقال: وما لك ولها، معها سقاؤها وجدأؤها، ترد الماء وترعى الشجر، فذرّها حتى يلقاها ربها قال: فضالة الغنم؟ قال: لك، أو لأخيك، أو للذئب

الراوي : زيد بن خالد الجهني | المحدث : البخاري | المصدر : صحيح البخاري
 الصفحة أو الرقم: 91 | خلاصة حكم المحدث : [صحيح]

Юқоридаги иккита ҳадисда шу мавзуга доир жавоблар бор.

Пайғамбар алайҳиссаломдан бир киши луқта ҳақида сўради. (луқта дегани, топиб олинган нарсаси) Уни бир йил одамларга эълон қилиб юр, дедилар. Эгаси келса, эгасига қайтар. Бўлмаса, уни халтасини, рангини бошқа аломатларини эълон қилиб юр. Бир йилгача, эгаси чиқмаса, ўзинга ишлат. Агар эгаси чиқса, эгасига қайтар, дедилар.

Кейинги ҳадисда, шу масала айтилади ва қўшимча, у киши Туя топсамчи, адашиб кетган туяни топсамчи? Деб сўрайди. Пайғамбар алайҳиссалом ғазабланиб. Юзлари қизариб кетди. Сени туя билан нима ишинг бор? Дедилар. У ўзи сув топиб ичади ва озуқа топиб ейди. Уни эгаси топиб олгунча, ўз ҳолига қўйиб қўй, дедилар. У киши қўй ҳақида сўради. У сеники дедилар. Ёки, биродариники. (сен олмасанг, бошқа биров олади) Ёки, бўриники дедилар.

Хулоса: Демак, топилдики ҳукми шуки, топган одам, ким йўқотган деб, эълон қилади. Ўша сирғани ким йўтганлигини эълон қилсин. Ўзида бир йилгача сақласин. Шу муддат ичида эгаси топилса, қайтаради. Топилмаса ўзига ишлатади. Агар ўзи ишлатиб юборганидан сўнг эгаси топилиб қолса, унда уни рози қилади. Валлоҳу аълам.

20 Савол:

Янги йилга атаб қўй сўйса, гўштини еса бўладими? Мозорга атаб эмас. Шу янги йилга атаб, сўйса бўлдики?

Ибн Боз раҳимахуллоҳдан Аллоҳдан бошқага атаб сўйишлик ҳукми сўралганда, у киши қуйидаги ҳужжатлар билан, буни ширк деган эканлар.

وَلَعَنَ اللَّهُ مَنْ ذَبَحَ لِغَيْرِ اللَّهِ
المحدث : ابن حزم

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтганлар: Аллоҳдан бошқага атаб сўйгани, Аллоҳ ланатласин!

فالذبح لغير الله عبادة لغير الله

Аллоҳдан бошқага атаб сўйишлик, Аллоҳдан бошқага ибодат қилишлиқдир.

قول الله تعالى: قُلْ إِنَّ صَلَاتِي وَنُسُكِي وَمَحْيَايَ وَمَمَاتِي لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ لَا شَرِيكَ لَهُ وَبِذَلِكَ أُمِرْتُ وَأَنَا أَوَّلُ الْمُسْلِمِينَ .
Анъом сураси 162 163 оятлар

Аллоҳу таоло айтади: Айтинг,(Эй муҳаммад) намозим ҳам, сўйишим ҳам, ҳаётим ва мамотим ҳам, Оламлар Робби Аллоҳ учундир! Мен мана шунга буюрилдим. Ва мен мусулмонларнинг аввалиман.

وقوله: فَصَلِّ لِرَبِّكَ وَانْحَرْ
Кавсар сураси 2 оят

Аллоҳу таоло айтади: Бас, Роббинг учун намоз ўқи ва қурбонлик қил!

Хулоса: Аллоҳдан бошқага атаб сўйилган ҳайвонлар гўшти ҳаромдир. Бу уламолар иттифок қилган масала. У хоҳ мазор бўлсин, хоҳ тоғ, хоҳ дарахт, фарқи йўқ! Демак, янги йилга аталса ҳам ҳаром! Чунки, янги йил, Аллоҳдан бошқа нарсалардандир. Валлоҳу аълам!

Агар ҳеч нарсага атамасдан гўштини ейишлик учун сўйган бўлса, бисмиллоҳни айтган бўлса, Аллоҳдан бошқага атамасдан бўлса, унда ҳалол! Бу гўштни янги йилда еса ҳам, бошқа вақтда еса ҳам, емаса ҳам ҳалолдир! Валлоҳу аълам!

21 Савол:

Бенамоз кўёвга намозхон қизни, берса бўладими?

إِنَّ بَيْنَ الرَّجُلِ وَبَيْنَ الشِّرْكِ وَالْكُفْرِ تَرْكُ الصَّلَاةِ
الراوي : جابر بن عبد الله | المحدث : مسلم | المصدر : صحيح مسلم
الصفحة أو الرقم: 82 | خلاصة حكم المحدث : صحيح

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам киши билан, ширк ва куфр орасини ажратиб турувчи нарса, намозни тарк қилишдир, дедилар.

العهد الذي بيننا وبينهم الصلاة فمن تركها فقد كفر
الراوي : بريدة بن الحصيب الأسلمي
خلاصة حكم المحدث : إسناده صحيح

Улар (кофирлар) билан бизни (мўминлар) ўртаминини, ажратиб турувчи нарса, намоз, дедилар. Ким уни тарк қилса, кофир бўлади.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ، الحمد لله، وصلى الله وسلم على رسول الله، وعلى آله وأصحابه، ومن سلك سبيله، واهتدى بهداه إلى يوم الدين. أما بعد: فالصلاة عمود الإسلام، وأعظم أركان الإسلام بعد الشهادتين، وتركها كفر أكبر عند جميع العلماء إذا جحد وجوبها وإن صلى، إذا جحد وجوبها كفر بإجماع المسلمين؛ لأنه مكذب لله ولرسوله، الله يقول سبحانه: وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ [البقرة: 43]، ويقول جل وعلا: حَافِظُوا عَلَى الصَّلَوَاتِ وَالصَّلَاةِ الْوُسْطَى [البقرة: 238]، ويقول جل وعلا: وَأَقِمِ الصَّلَاةَ إِنَّ الصَّلَاةَ تَنْهَى عَنِ الْفَحْشَاءِ وَالْمُنْكَرِ [العنكبوت: 45] وإن تركها ولم يجحد وجوبها أو ترك بعضها كفر أيضاً في أصح قولي العلماء، سواء ترك الخمس، أو ترك الظهر وحدها، أو العصر وحدها، أو الفجر وحدها، أو الجمعة وحدها يكفر بذلك؛ لقول النبي ﷺ: بين الرجل وبين الكفر والشرك ترك الصلاة رواه مسلم في الصحيح، والكفر والشرك إذا أطلق المصنف، فهو الكفر الأكبر، هذا هو أصح قولي العلماء في هذا وقال عليه الصلاة والسلام: العهد الذي بيننا وبينهم الصلاة، فمن تركها فقد كفر أخرجه الإمام أحمد وأهل السنن بإسناد صحيح عن بريدة .

وسأل الصحابة النبي ﷺ عن الأمراء الذين لا يقيمون الصلاة... الذين يؤخرون الصلاة عن أوقاتها قالوا: أفنقاتلهم يا رسول الله؟ قال: لا، ما أقاموا فيكم الصلاة في لفظ: إلا أن تروا كفراً بواحد عندكم من الله فيه برهان، فدل على أن الأمراء -الملوك والخلفاء- الذين لا يقيمون الصلاة كفرهم كفر بواح، أي: لا شبهة فيه.

فالواجب على جميع المسلمين من الأمراء والملوك والوزراء وغيرهم رجالاً ونساءً الواجب على الجميع العناية بالصلاة والمحافظة عليها في أوقاتها، فمن تركها وأعرض عنها، فقد كفر كفراً أكبر في أصح قولي العلماء

Хулоса: Юқоридаги бенамоз қассоблар масаласида ҳам, бу мавзуга тегишли гаплар айтилди. Бенамозни кофир деб, ҳукм қилинса, унга намозхон қизни бериш мумкинмас. Агар у бенамозни кофирга ҳукм қилинмаса, унда у зинокор ва фосиқ ҳукмида бўлади ва кофир дейилмайди. Унда ҳам, намозхон қизни, зинокор ва фосиққа бермагани, афзал бўлади. Валлоҳу аълам!

22. Савол:

Аёл уй ишини қилиши шартмасми? Йотубда бир домла бу шарт эмас, деди.

Домлани гапи зоҳиран тўғри. Лекин, айна вақтда ҳикматдан эмас. Бу дегани, аёл уйда кимирламасдан, ўтириши керак дегани эмасда. Уй ишни қилиши керакда. Бу унга оят ва ҳадисда айтилмасада, аслида, одатий, фитрий вазифасида. Овқат пишириши ва боласига қараши булар бари, аёллар вазифаларидандир. Наби САВ қизлари Фотимани уйига борганида, уй ишини оғирлигидан шикоят қилиб, ходима сўрайди. Шунда, унга сабр қилишни тавсия қиладилар ва ходима бермайдилар. Лекин, бу ишларни қилмасдан. Қимирламасдан ўтиргин. Эринг боқсин, демадилар.

Аллома Абдували қорининг Душанба дарслари тўпламининг 33 дарсидан иқтибос келтираман.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг шундай қизлари, қандай яшадилар?

عن سليمان بن بريدة، عن أبيه قال: قال رسول الله صلى الله عليه وآله: قم بنا يا أبا بريدة نعود فاطمة فلما أن دخلنا عليها أبصرت أباهما، دمت عيناها قال: ما يبكيك يا بنتي؟ قالت: قلت الطعم وكثرة الهم وشدة السقم، قال لها أما والله ما عند الله خير مما ترغبين إليه، يا فاطمة أما ترضين إن زوجك خير أمي أقدمهم سلما وأكثرهم علما وأفضلهم حلما " والله ان ابنك لسيدا شباب أهل الجنة
في مسند أحمد ه

Бурайда разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, айтадиларки: эй Бурайда, тур, Фотимани кўриб келамиз, дедилар. Шунда бориб, кирганларида, Фотима дадасини кўриб, кўзлари ёшланди. Ҳа қизим, нега йиғлаяпсиз? дедилар.

قالت: قلت الطعم وكثرة الهم وشدة السقم

Емишим оз, ғамим кўп ва касаллик кўп деди. Баъзи ривоятларда келадикки, Фотиматуз Заҳро қўл тегирмонида ун қилиб, нон пиширганлар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам қизларига, ходима бермаганлар. Ҳикмати Аллоҳ биладикки, биродарлар, ҳозирги вақтда, бутун дунёни кезсангиз, Ислом мамлакатлари деб, аталган мамлакатларда, ҳамма хонадонларга, ходималар кириб қолган. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламдан, ходима талаб қилган вақтда, бошқа жуда кўп кишиларда, ходималар бор эди. Лекин, қизларига, ходима бермаганлар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам, қизларига ходима бермаганлар.

(Душанба дарслари 2 жузъ 171 бет)

Хадисда эрини риоя қилувчи ва боласига яхши қаровчи аёллар яхши аёллар дейилган. Уй ишини қилишида бевосита одатий мажбуриятлар бор.

عن سعيد بن المسيَّب أن أبا هريرة رضي الله عنه قال: سمعتُ رسول الله صلى الله عليه وسلم يقول: نِسَاءُ فَرِيْشٍ خَيْرُ نِسَاءٍ رَكَبْنَ الْإِبِلَ،
أَخْنَاهُ عَلَى طِفْلٍ وَأَزْعَاهُ عَلَى رَوْحٍ فِي ذَاتِ يَدِهِ
رواه الشيخان: واللفظ لمسلم في كتاب فضائل الصحابة رضي الله عنهم، والبخاري في كتاب الأنبياء

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, туя минувчи аёлларнинг энг яхшиси, Қурайш аёлларидир, дедилар. Улар болаларига меҳрибон ва жуфтини қўлида ушлаб, риоя қилади, яъни, эрларига ғамхўрлик қиладилар, дедилар.

Хулоса: Шу сифатлик аёлларни, эрлари ҳам яхши кўради. Оилада тинч тотувлик бўлади. Агар хотин, уй ишни қилиш вожибмас деб, ўтирса, эр кўчадан ишлаб келса, уйда овқат бўлмаса, бу оила узоққа бормади. Меҳр муҳаббат икки томондан бўлиши керак. Ислон оилани боқишни эрга вазифа қилди. Аёлга эмас. Аёл, ишламасдан уйда ўтирши мумкин. Агар, ишга чиқса, ва шу туфайли, овқат пиширмаса, бунга эри рози бўлса, бу уларнинг иши. Лекин, аксинча бўлса, аёл боласи билан уйда ўтирса, эри ишлаб келса, аёл эрига ғамхўрлик қилиши лозим бўлади. Бу оилани мустақамлигига хизмат қилади. Акс ҳолда, бу оила барбод бўлади. Шунга эътибор беришлик керак!

23 Савол:

Бир ошнам мендан пул сўраяпди. Менда пул йўқ. Молим бор. Шунга сотиб, пулни унга берсам. У менга қанча устига қўйиб қайтарсам бўлади? деяпди. Мен ҳам фойда кўрадиган бўлишим керакда. Лекин, риба ҳам бўлмайдиган, йўли борми?! Шунга нима қилсам тўғри бўлади?

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам бир ҳадисларида шундай деганлар:

روى جابر بن عبد الله رضي الله عنهما: أن رسول الله صلى الله عليه وسلم، قال: «رحم الله رجلا إذا باع، وإذا اشترى، وإذا اقتضى

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, Олганда ҳам, сотганда ҳам, ва қарзини талаб қилганда ҳам, кенг муомилада бўлган кишига, Аллоҳнинг раҳмати бўлсин! дедилар.

Бу ҳадисда, мўминлар ўзаро, олди сотдида, бир бирларига меҳрибонлик қилишлари уларнинг Аллоҳнинг раҳматига етишига, сабаб бўлиши айтиляпди.

Ислонда насия савдо бор.

يشترط في بيع النسينة ثلاثة شروط حسب ما ذكرنا من آراء المذاهب الأربعة:
أن تكون السلع موجودة ومعلومة، وهو ركن في البيع
أن يكون السعر معلوماً. وإلا فالبيع فاسد
وأن تكون المدة معلومة وكذلك مقدار التقسيط

Насия савдонинг учта шарты бор.

1. Мол мавжуд бўлиши керак. Йўқ нарсани сотилмайди. (Молни вазни, сифати турли ва ҳаказо)
2. Нарҳини келишиш керак. (Бозордаги нақд пулга сотилиш нарҳи ва насияга сотса, қанчага сотиши)
3. Пулни тўлаш вақтини, келишишиш керак. (Уч ой, тўрт ой, бир йил, бўлиб бўлиб ёки, бира тўла тўлаш каби, шартлари келишилади.)

Молни нарҳи 250 сўм бўлса, 150 сўм бериб, қолгани пулни, ҳар ойда 25 сўмдан бераман деб, келишса, ёки, қолган юз сўмни тўрт ойдан кейин, бир йўла тўлаб, қўйишга келишса бўлади. Ёки, бошидан пул олмасдан, икки уч марта бўлиб тўлашга келишса бўлади. Ёки, бир мартада тўлаб қўйишга келишиш мумкин. Вақти аниқ бўлиши керак.

Шу молни нарҳи шу муддатда, арзонлаб кетса ҳам, қимматлаб кетса ҳам, шу келишилган пулни бериши шарт.

У кишига молни сотинг насияга, юқоридаги шартлар асосида, ва у молни олиб кетади. Ва шу келишилган шартномага мувофиқ молни пулини тўлайди. Лекин, икки киши гувоҳ бўлиши керак. Агар, молни сотиб, пулни берсанг, унда, бу қарз пул бўлади. Сен шу пулни олишинг керак, тамом! Ортиқчаси рибо бўлади. Валлоҳу аълам.

24 Савол:

Фитр намозини бир ракат ўқиш мумкинмас деяпди, биттаси. Учдан кам бўлса бўлмасмиш. Шу тўғрими?

Витр намози ҳақида Ибн Боздан сўралганда у киши қуйидагича жавоб берганлар.

صلاة الوتر سنة سننها الرسول ﷺ قولاً وفعلاً، كان يوتر من الليل عليه الصلاة والسلام وأرشد الناس إلى ذلك، فقال عليه الصلاة والسلام: صلاة الليل مثنى مثنى، فإذا خشي أحدكم الصبح صلى ركعة واحدة توتر له ما قد صلى متفق على صحته، وقال عليه الصلاة والسلام: الوتر حق، فمن أحب أن يوتر بخمس فليقل، ومن أحب أن يوتر بثلاث فليقل، ومن أحب أن يوتر بواحدة فليقل وكان ﷺ يوتر كل ليلة، والغالب أنه كان يوتر بإحدى عشرة، يسلم من كل اثنين ويوتر بواحدة، وربما أوتر بثلاث عشرة، وربما أوتر بتسع، وربما أوتر بأقل من ذلك.

فالسنة للمؤمن والمؤمنة التهجّد بالليل والإيتار في أول الليل أو في وسطه أو في آخره، والأفضل في آخر الليل، لقول النبي ﷺ: من خاف ألا يقوم من آخر الليل فليوتر أوله، ومن طمع أن يقوم آخر الليل فليوتر آخر الليل، فإن صلاة آخر الليل مشهودة وذلك أفضل رواه مسلم في صحيحه، وقال عليه الصلاة والسلام: ينزل ربنا إلى سماء الدنيا كل ليلة حين يبقى ثلث الليل الآخر، فيقول: من يدعوني فأستجيب له، من يسألني فأعطيه، من يستغفري فأغفر له حتى يطلع الفجر متفق على صحته

Витр намози суннатдир. Уни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сўзлари ва амаллари билан суннат қилдилар. У киши тунда витр ўқирдилар ва одамларни шунга йўллардилар. У киши айтганлар: Тунги намозлар икки ракатдан ўқилади. Кимки, тонг отиб кетишидан қўрқса, охирида бир ракат ўқисин. Шу билан тоқ қилган бўлади. (Витр дегани тоқ дегани) Яна у киши айтдилар? Ким истаса беш ракат ўқисин. Ким истаса уч қилсин. Ким истаса бир ракат ўқисин.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар куни тунги намозни ўқирдилар. Аксар пайтида, у киши 11 ракат ўқирдилар. Икки ракатдан салом бериб, охирида бир ракат ўқирдилар. Туннинг охирида ўқилган намоз афзалдир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар, туннинг учдан бири қолганда, Роббимиз дунё осмонига тушади. Ва то тонг отгунча, ким Менга дуо қилади, мустажоб қиламан, ким Мендан тилайди, бераман, ким истиғфор айтади, мағфират қиламан, дейди.

Имоми муслим ривояти.

Хулоса: Демак, витрни. Ками бир ракат ва кўпи 11 ракатдир. Афзал вақти, туннинг охирида. Лекин, туннинг бошидан бошлаб истаган вақтда ўқиса бўлаверади. Мабодо, ўқилмай қолса, қазоси ўқилмайди. У фарз эмас. Суннат намоздир. Вллоҳу аълам!

25 Савол:

Жума куни билан табриклаш мумкинми?

Замонавий бидъатлардан бири жума куни билан табриклашлиқдир. Кўп одамлар жума куни бўлса, юзлаб одамга табрик юборади. буни ҳам бир савоб иш деб билади. Ваҳолонки, жума куни билан табриклаш динда йўқ. Буни одат қилиб олиш ва ҳар жума табриклаб юриш бидъат. Ислом Веб саҳифасида шу саволга, қуйидаги фатво берилган.

الحمد لله والصلاة والسلام على رسول الله وعلى آله وصحبه، أما بعد

فالتزام قول المسلم لأخيه المسلم بعد الجمعة أو كل جمعة (جمعة مباركة) لا نعلم فيه سنة عن رسول الله صلى الله عليه وسلم ولا عن أصحابه الكرام، ولم نطلع على أحد من أهل العلم قال بمشروعيته، فعلى هذا يكون بهذا الاعتبار بدعة محدثة لا سيما إذا كان ذلك على وجه التعبد واعتقاد السنية، وقد ثبت عن النبي صلى الله عليه وسلم أنه قال: من عمل عملاً ليس عليه أمرنا فهو رد. رواه مسلم والبخاري معلقاً، وفي لفظ لهما: من أحدث في أمرنا هذا ما ليس منه فهو رد. وأما إذا قال المسلم لأخيه أحياناً من غير اعتقاد لثبوتها ولا التزام بها ولا مداومة عليها، ولكن على سبيل الدعاء فنرجو أن لا يكون بها بأس، وتركها أولى حتى لا تصير كالسنة الثابتة، وانظر الفتوى رقم : 10514 ، والفتوى رقم : 19781

Бидъатларни эса, қайси мақсадда пайдо бўлмасин ҳаммаси рад қилинади. Мени жума куни билан табрикламанглар. Жумладан бошқаларни ҳам. Жума куни Каҳф сурасини ўқиш мумкин. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга саловот айтиш керак. Булар диндандир. Атр упу селиб, жумъага бориш ва ғусл қилиш диндандир. Бошқа нарса ортиқча валлоҳу аълам!

Саҳвий

13.11.2020

26 Савол:

Жума куни Каҳф сурасини ўқиш ҳақидаги ҳадис заиф экан. Шундайми?

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан Абу Саид ал худрий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар.

من قرأ سورة (الكهف) في يوم الجمعة أضاء له من النور ما بين الجمعتين
الراوي : أبو سعيد الخدري | المحدث : الألباني | المصدر : صحيح الترغيب | الصفحة أو الرقم : 736 | خلاصة حكم المحدث : صحيح
قراءة القرآن لها فضل كبير، وقد خصَّ الله بالفضل بعض السُّور والآيات بمزيد فضل، وخاصةً وخصوصاً إذا قرئت في وقت معين، كما إذا قرئت سورة الكهف يوم الجمعة، كما في هذا الحديث، فيقول النبي صلى الله عليه وسلم: "من قرأ سورة الكهف في يوم الجمعة"، وتقرأ السُّورة في ليلة الجمعة أو في يومها، وتبدأ ليلة الجمعة من غروب شمس يوم الخميس، وينتهي يوم الجمعة بغروب الشمس، "أضاء له من النور ما بين الجمعتين"، وهذا النور يقذفه الله في قلب القارئ، أو في بصره، أو بصيرته، أو في كلِّ أحواله، أو هو نور يصعد له مع أعماله إلى السماء، أو تشاهده الملائكة، أو يسطع له في الآخرة نور، زيادةً على غيره يوم القيامة، ويظلُّ هذا النور بهذا المعنى طوال الأسبوع من الجمعة إلى الجمعة.
وفي الحديث التَّرجيب والحثُّ على قراءة سورة الكهف يوم الجمعة

Ким Каҳф сурасини ўқиса. Унга бу жумъадан у жумъагача, нур бўлади.

Муҳаддислар бу ҳадисни, саҳиҳ деганлар.

Шу ҳадисни шарҳловчилар, баъзи сура ва оятларни, баъзи вақтда ўқишлик фазилатли бўлади. Шулар жумласидандир, жума куни Каҳф сурасини ўқишлик деганлар. Демак, бу мавзудаги ҳадислар саҳиҳ ва луарга амал қилишлик жоиз. Валлоҳу аълам!

27 Савол:

Мотуридий, Ашаърий тўғрими ё салафийларми? Аллоҳ қаерда? Менга тушунтириб беринг.

Бу каби саволлар бугун ўзбек мусулмонларини ҳам бошини қотира бошлади. Аслида, булар бизда юз йил давомида мавжуд бўлмаган нарсалар эди. Булар орасидаги ихтилофлар тарихи минг йиллардан ошади. Ўзбекистонда сарой муллалари динни монополия қилиб олишгани учун, бугун улар айна шу эски ихтилофларни кўтариб, ўзларнинг фикрига қарши бўлган мусулмонларни бадном қилишяпти. Бу ишлар мусулмонларни иттифоқлигига путур етказди албатта. Бу ихтилофлар тарихи узун ва буларни бугун бизнинг онгизмизга сингдирилиши бу сунъий қилинаёт ишдир. Сунъий муаммо яратиб, бизни чалғитишмоқчи. Менга бу мавзуда олдин ҳам, бир икки саволлар берилганди. Мен бу мавзуга киришишни истамаганим учун узоқроқ юрдим. Бугун сиздан ҳам шу савол келди. Мен бу мавзуда қисқа бир жавоб бераман. Бу мавзу мен учун ёпиқ мавзудир. Бу мавзунини ичига кириш ва бунга умр сарф қилиш, нодонликдир. Бу масала мусулмонларни чалғитмаслиги керак.

قال شيخ الإسلام ابن تيمية - رحمه الله: فلفظ السنة يراد به من أثبت الخلفاء الثلاثة ، فيدخل في ذلك جميع الطوائف إلا الرافضة ... منهاج السنة 2/ 221 والمراد بالخاص ؛ ما يكون في مقابل أهل البدع ، والمقالات المحدثه ، كالشيعة ، والخوارج ، والجهمية ، والمعتزلة ، والمرجئة، والأشاعرة ، والماتريدية وغيرهم، فهؤلاء لا يدخلون في مفهوم أهل السنة بالإطلاق الخاص

Ибн Таймийя айтадилар: суннат сўзидан мақсад қилинади, аввалги учта Халифани тасдиқ қилувчи тоифалар, рофизийлардан бошқалари. (Яъни, аввалги учта Халифани, шиалар тан олмаганлар ва Рофизийлар ўша шиаларнинг бир тури бўлган) Минҳож сунна асари 2 жилд 221 бетт.

Суннат аҳли деганда, хоссатан бидъат аҳли ва шиа, хаворижий, жаҳмийя, Муътазила, Муржийя, Ашъарийя, Мотуридийя, ва бошқалари каби, янги пайдо бўлган сўзларнинг (номларнинг) муқобили тушунилади. Булар аҳли сунна тушунчасига дохил бўлмаган тоифалардир.

قال شيخ الإسلام : (وقد يراد به أهل الحديث والسنة المحضة فلا يدخل فيه إلا من أثبت الصفات لله تعالى، ويقول : إن القرآن غير مخلوق، وإن الله يرى في الآخرة ، ويثبت القدر وغير ذلك من الأصول المعروفة عند أهل الحديث والسنة)

Шайхул Ислом Ибн Таймийя айтадилар: Аҳли сунна деб, аҳли ҳадис ва аҳли суннатга айтилади. Бунга кирмайди, улар токи, Аллоҳнинг сифатларини тасдиқ қилмагунча, қуръон ғайри махлуқ демагунча, (муътазилийлар) ва Аллоҳни қиёмат куни кўришни тасдиқ қилмагунча, тақдирни исбот қилмагунча, ва шунга ўхшаган аҳли ҳадис ва аҳли суннат назарида, маърифатнинг асли бўлган нарсаларни тасдиқ қилмагунча.

: وإليك بعض أصول الأشاعرة والماتريدية المخالفة لمنهج السلف الصالح، أهل السنة والجماعة.

Сенга Ашъарийя, Мотуридийянинг салафи солиҳлар манҳажига зид жойларини айтаман:

مصدر التلقي عندهم هو العقل . فقد صرح أنمتهم بتقديم المعقول على المنقول ، بينما قدم السلف المنقول على المعقول ويرون .
الوحي هو مصدر التلقي .

Улар суянадиган асос ақлдир. Уларнинг имомлари ақлни нақлдан (нақл деб, қуръон ва саҳиҳ ҳадисда келган маълумотларни назарда тутилади) устун қўядилар. Салафлар нақлни, ақлдан устун қўйишганди. Ваҳйни, асос қилиб олардилар.

التوحيد عندهم؛ نفي التنزيه أو التعدد، ونفي التبعية والتركيب والتجزئة، أما التوحيد وما يقابله من الشرك كما هو الشأن عند السلف الصالح فليس لهم عناية به

Улар тавҳидни, иккиликни инкор қилиш, бўлинишни зидди, қайта бирлашишни зидди парчаланишни зидди деб қайрашади. Салафларни қарашлари уларни қизиқтирмайди.

الإيمان عندهم هو التصديق، واختلفوا في النطق بالشهادتين ، بينما الإيمان عند السلف : قول واعتقاد وعمل

Имон, улар наздида, қалбни тасдиқи халос. Икки шаҳодат калимасини айтишлиқда ихтилоф қилишган. Салафлар эътиқодида Имон, Сўз, эътиқод ва амалдир.

فرقوا بين لفظ القرآن ومعناه، فمعناه قديم واللفظ حادث، ثم أحدثوا ما يسمى بالكلام النفسي .. خلافا لما عليه أهل السنة القائلين بأن القرآن كلام الله لفظا ومعنى

Улар қуръоннинг лафзи билан маъносини орасини ажратдилар. Маъноси қадим ва лафзи ҳодис дедилар. (лафзи кейин пайдо бўлган дедилар)

Кейин, каломун нафсий деб номланган нарсани пайдо қилдилар. Салафларга тўла хилоф суратда. Салафлар эса, қуръон, лафзан ва маънан қадим деганлар.

الأشاعرة قالوا بالكسب، ومآل القائلين به القول بالجبر، وقد قال به بعضهم. خلافا لما عليه السلف

Ашъарийлар тақдир масаласида инсон ўзи касб қилади амални ва ўзи ихтиёрлидир дедилар. Баъзилари, (жабарийлар) йўқ, инсонда ихтиёр йўқ, Ҳамма амаллар битиб қўйилган дейишди.

أنكر الأشاعرة بقاء السببية في القرآن. فكل من قال بأن النار تحرق بطبيعتها أو هي علة الإحراق فهو كافر عندهم، خلافا لما عليه السلف

Ашъарийлар қуръондаги сабабларни рад қилишди. Кимки олов ўз табиатида кўра куйдирувчидир деса, ёки куйдиришга сабабдир деса, улар наздида кофир бўлади. (Улар ўтнинг ўзини куйдириш сифатини инкор қилиб, ўт аллоҳ амр қилса, куйдиради бўлмаса куйдирувчимас дейишди. Яъни ўтнинг ўзига берилган фитратни инкор қилишди.) Салафларга хилоф қилишди.

من لوازم التنزيه عند الأشاعرة نفي أن يكون لشيء من أفعال الله علة مشتملة على حكمة، حتى أنهم أنكروا كل لام تعليل في القرآن، خلافا لما عليه السلف

Ашъарийларнинг ўзларини оқлаш учун ишлатадиган амалларидан бири, улар қуръондаги Аллоҳнинг феълларидан ҳикмат устига қурилганини инкор этишди. Ҳатто, қуръондаги барча инсонни маломат қилинган ўринларни рад қилишди. Салафларга зид ўлароқ. (Яъни, инсон ўзини бирор айби туфайли бир балога учрашини ва Аллоҳ тақдир қилган ишлар тагида бир ҳикматлари борлигини инкор қилишган)

اشتغلوا بتأويل نصوص الإيمان خاصة ما يتعلق بإثبات زيادته ونقصانه، وعطلوا آيات الصفات ولم يثبتوا سوى سبع صفات والماتريدية، جعلوها ثمانية. هذه أمثلة على خروج الأشاعرة والماتريدية عن منهج أهل السنة والجماعة

Улар имон ҳужжатлари устида ғулув кетиб, унинг зиёда бўлиши ёки нуқсонлик бўлишини инкор қилдилар. Аллоҳнинг сифатлари зикр қилинган оятлардаги етти сифат ёнига, саккизинчи сифатни қўшдилар. Булар Мотуридийлар ва Ашъарийларнинг аҳли сунна вал жамоа манҳажига қарши қилган хуружларидан баъзилардир. (Аллоҳ таоло Ҳайдир, Олимдир, Қодирдир, Самийдир, Басирдир, Муриддир, Мутакаллимдир, Мукаввиндир. Мукаввин яратувчи демоқдир. Бу Аллоҳнинг субутий сифати деб қўшишди.)

. ولو دفع السائل نفسه في التقصي عن مسائل الخلاف بين الأشاعرة والماتريدية أنفسهم لوجدوا قد جاوزت الستين في الأصول والفروع

Агар шу мотуридийлар ашъарийларнинг қайси масалада салафга хилоф эканини, ўзингиз текшириб кўрсангиз, олтмишдан кўпроқ ақиданинг асли ва фуруъсида, қилган хилофини топасиз.

فكيف يجوز لنا القول بأنهم من أهل السنة والجماعة، مع ما تقدم ذكره من أن الأشاعرة مخالفون لإمامهم الأشعري الذي ينتسبون إليه، وخير دليل على ذلك كتابه الإبانة، ورسالته إلى أهل الثغر وما دونه في مقالات الإسلاميين

Шундай экан, бизга қандай уларни аҳли сунна деб, аташлик жоиз бўлади? Ашъарийларнинг ўзлари ўз имомларига хилоф қилишган. Бунга яхши далил, уларнинг ал ибона китоби, Аҳли Суғур рисоласи ва бошқа Исломий китобларидир.

Хулоса: Ибн Таймия ва аҳли ҳадислар наздида, мотуридийлар ва Ашъарийлар ва шуларга ўхшаган, кейинроқ пайдо бўлган, аҳли калом деб, ном олган, файласуфлар чиқарган ақидалар, аввалги салафларга зидлиги маълум бўлди. Улар жуда кўп нарсаларда, ояту ҳадисларни зоҳирини қабул қилмасдан, ақлига солиб, ақлга тўғри келтиролмай, кейин, таъвил қилиб, хатоларга кетишди. Имоми Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳдан кейин, яшаган Мотуридий, ўз мазҳаби имомига қарши кетди. Устоз шаҳид Абдували қорининг Душанба Дарслигидан иқтибос келтираман:

«Шу ўринда Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳни сўзларини келтираман.

Ақидатут Таҳовийяни шарҳидан.

- قال الإمام أبو حنيفة رحمه هلا تعالى
"وى"
من قال: ال أعرف هلا أفي السماء أم في الّ أرض فقد كفر، قال هلا تعالى: الرّحَمَ مَن عَلَى الْعَرْشِ است
Тоҳо сураси 5 оят.

إن قال: أقول: بهذه الآية، ولكن ال أدري أين العرش؟
في السماء أم في الأرض؟ فقد كفر أيضا
ونذكره من أعلى ال من أسفل.
ألن السفّل من الربوبية والّلوهية في شيء
ال أدري العرش في السماء أم في الأرض؟ قال - أي الإمام أبي حنيفة - هو كافر؛ لأنه أنكر أن يكون في السماء، أنه تعالى
في أعلى عليين.

Имоми Абу Ҳанифа айтган эканларки: Кимки, Аллоҳ осмондами ердами билмайман деса, кофир бўлади. Чунки, Аллоҳу таоло айтгандир: Раҳмон ўз Аршининг устидадир. (Тоҳо сураси 5 оят) Иқтибос тугади.

Абу Ҳанифа Аллоҳни осмонда деб, эътиқод қилган, худди, салафлар каби. Бунга оятлар зоҳири далолат қилади. Шунга кифояланиб тўхташ ўрнига, ақлга солиб, у ёққа тортиб, бу ёққа тортиб, юришга на ҳожат?! Саҳобалар шу оятларни тушунган каби, тушунишлик кифоя бўлиши керак эди?! Улар шу тушунганлари каби, амал қилдилар ва Аллоҳ улардан рози бўлди. Демак, улар каби, тушунишлик, кифоядир!

وَالسَّابِقُونَ السَّابِقُونَ مِنَ الْمُهَاجِرِينَ وَالْأَنْصَارِ وَالَّذِينَ اتَّبَعُوهُمْ بِإِحْسَانٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ وَرَضُوا عَنْهُ وَأَعَدَّ لَهُمْ جَنَّاتٍ تَجْرِي تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ
خَالِدِينَ فِيهَا أَبَدًا ذَلِكَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ

Тавба сураси 100 оят

28 Савол:

Дўзахга ҳар минг кишидан тўққиз юз тўқсон тўққизта одам кириб, биттаси жаннатга кирадими? Бу гапни далил исбот борми?

Бу масала албатта ғайб масаласидир. Оят ва Ҳадисларга мурожаат қилсак, шу мазмундаги яъни, дўзах аҳли кўп бўлишлиги ҳақида, кўплаб оят ва ҳадислар бор. Лекин, ким жаннатга киради ва ким дўзахга киради, буни Аллоҳ билади. Умумий суратда биламизки, мўминлар жаннатга ва кофирлар дўзахга кирадилар.

وَمَا أَكْثَرُ النَّاسِ وَلَوْ حَرَصْتَ بِمُؤْمِنِينَ

Юсуф сураси 103 оят

Одамларни кўплари, сиз истаган билан, имонга келмайдилар, дейди. Яъни, ер юзида имонлик мўминдан, кофирлар доим кўп бўлган. Бу оятни, шу ҳаётимизда ҳам исботини кўраёпмиз. Кофирлар кўп бўлса, демак, улар жойи дўзахдир.

لَأْمَلْنَاهُ جَهَنَّمَ مِنْكَ وَمِمَّن تَبِعَكَ مِنْهُمْ أَجْمَعِينَ

Сод сураси 85 оят

Жаҳаннамни одамлар ва жинлар билан тўлдираман, дейди. Аллоҳу таоло. Демак, дўзахийлар кўп бўлишлиги аниқдир. Аллоҳ бизни асрасин дўзахидан. Энди булар кимлар десак, мана ҳадисда келадики,

جاءت نصوص كثيرة تدل على أنه يدخل في النار من بني آدم تسعمائة وتسعة وتسعون من كل ألف، وواحد فقط هو الذي يدخل الجنة فقد روى البخاري في (صحيحه) عن أبي سعيد قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: ((يقول الله: يا آدم، فيقول: لبيك وسعديك، والخير في يدك، ثم يقول: أخرج بعث النار، قال: وما بعث النار؟ قال: من كل ألف تسعمائة وتسعة وتسعين، فذاك حين يشيب الصغير، وتضع كل ذات حمل حملها، وترى الناس سكارى وما هم بسكارى، ولكن عذاب الله شديد. فاشتد ذلك عليهم فقالوا: يا رسول الله، أينما ذلك الرجل؟ قال: أبشروا، فإن من يأجوج ومأجوج ألفاً ومنكم رجل. ثم قال: والذي نفسي بيده، إنى لأطمع أن تكونوا شطر أهل الجنة، إن مثلكم في الأمم كمثل الشعرة البيضاء في جلد الثور فحمدنا الله وكبرنا. ثم قال: والذي نفسي بيده إنى لأطمع أن تكونوا شطر أهل الجنة، إن مثلكم في الأمم كمثل الشعرة البيضاء في جلد الثور الأسود، أو كالرقمة في ذراع الحمار

Имоми Бухорий ривоят қилган саҳиҳ Пайғамбар алайҳиссалом Аллоҳу таолодан ривоят қилиб айтган ҳадиси Қудсийда, Одам боласидан мингтадан тўққиз юз тўқсон тўққизи жаҳаннамга киради биттаси жаннатга киради дейилган.

Эй Одам», дейди. Аллоҳу таоло. Лаббай, амрингга мунтазирман! Яхшилик Сенинг қўлингда», дейди Одам ато. У Зот: «Дўзахга юбориладиганларни чиқар», дейди. У: «Дўзахга юбориладиганлар қанча?» дейди. У Зот: «Ҳар мингтадан тўққиз юз тўқсон тўққизтаси», дейди.

Ана шунда гўдакнинг сочи оқариб кетади, «ҳар бир ҳомиладор ҳомиласини ташлайди ва одамларни маст ҳолатда кўрасан, ҳолбуки, улар маст эмаслар. Лекин Аллоҳнинг азоби қаттиқдир». Саҳобалар, Эй Аллоҳнинг Расули, ўша бир киши қайси биримиз?» дейишди. У зот: «Хурсанд бўлинг, чунки Яъжуж ва Маъжуждан эса мингта», сизлардан бир киши, дедилар.

Сўнг айтдиларки, «Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, мен жаннат аҳлининг тўртдан бири сизлар бўласиз деб умид қиламан», дедилар. Биз такбир айтдик. «Жаннат аҳлининг учдан бири сизлар бўласиз деб умид қиламан», дедилар. Биз такбир айтдик. «Жаннат аҳлининг ярми сизлар бўласизлар деб умид қиламан», дедилар. Биз такбир айтдик. Шунда у зот: «Сизлар одамлар орасида оқ ҳўкизнинг терисидаги бир дона қора тук ёки қора ҳўкизнинг терисидаги бир дона оқ тукка ўхшайсизлар, дедилар

29 Савол:

Мен гуноҳим кўп одамман. Лекин, яхши ишларим ҳам бор деб ўйлайман. Бу иккаласи ҳам, доимий давом этаяпди. Нима қилса, одам фақат яхши амаллар қилиб, гуноҳларни тарк эта олади?!

Ўзи аслида, бу саволга жавоб топсангиз менга ҳам етказинг. Чунки, мен айти шу сифатлаган шахсман. Ёки, шунга яқинман. Хуллас, бу савол жавобини мен билмайман. Баъзи фикрларни баён қилсам.

Аллоҳу таоло қуръони қаримда шундай дейди:

وَأَخْرُونَ اعْتَرَفُوا بِذُنُوبِهِمْ خَلَطُوا عَمَلًا صَالِحًا وَآخَرَ سَيِّئًا عَسَى اللَّهُ أَنْ يَتُوبَ عَلَيْهِمْ ۚ إِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَحِيمٌ
Тавба сураси 102 оят

Бошқалари ўз қилган гуноҳларини эътироқ этдилар. Улар яхши амаллар билан ёмон, гуноҳ амалларни аралаштириб юборган эдилар. Шояд Аллоҳ уларни авф этса?! Албатта Аллоҳ кечирувчи ва Раҳмлидир!

Бу бизни, инсон деган махлуқни йўқдан бор қилган ва бизни табиатимизни яратган Зотнинг баёнидир. Биз шунақа фитратдаги махлуқлармиз. Бу фитратни, бизга берган Зот, ўзи яхши билади. Шундай бўлсада, гуноҳдан тийилишга ва яхши амаллар қилишга буюрилдик. Буни эплаёлмай қолсақда, шуни қилишлиқда давом этаверамиз. Ва умид қиламиз, мағфират ва жаннат бўлишини. Бунда нбошқа йўли йўқ!

Гуноҳдан тийилиш учун тақво керак. Тақво эса, ҳосил бўлиши кўп нарсаларга боғлиқдир. Асосийси, Аллоҳдан келадиган тавфиқ! Тақво ҳосил бўлса, гуноҳдан тийилиш осон бўлади. Ибодатларни бажариш осон бўлади. Тақвони пайдо бўлиши асосий ишдир. Бунга сали қалб керак. Қалб қотиб қолса, унда тақво бўлмайди. Мен шундай деб, тушунаман. Валлоҳу аълам! Аллоҳ бизларга раҳм қилсин!

II қисм

Сўз боши:

Бу қисмда, турли даврларда ёзилган мақолаларим жой олган. Бу мақолалар турли хил саволларга жавоб сифатида ёзилган бўлиб, улар диний ва сиёсий саволлардан иборатдир. Булар ичида куни кеча Қозоғистондаги воқеъага тегишли саволга жавоб ҳам бор. Шунингдек, ўн йиллар олдинги саволларга берилган жавоблар ҳам бор. Буларни ҳажми каттароқ бўлганлиги учун, иккинчи қисмга киритдим.

30 Савол:

Қозоғистондаги намоёишчиларни чиқишларига қандай қарайсиз? Улар тўғри иш қилишдими?

Қозоғистон ислом ҳукми юриб турган давлат эмас. Унинг раҳбарига қарши чиқиш масаласи, шариат нуқта назаридан қараб, эмас, ўша давлатнинг мавжуд қонунлари нуқтаи назаридан ва халқаро қонунчилик нуқта назаридан қараб кўрилиши керак.

Бу ерда саволни икки хил давлат тузумига қараб, жавоб бериш мумкин? Бири Ислом ҳукми юриб турган диёрдаги Амирга қарши чиқиш шартлари ва бири, сиёсий жиҳатдан, шу бугунги вазият ва мавжуд қонунларда, давлат раҳбарига қарши чиқиш шартлари. Мен шу иккала давлат тузумига ва улардаги жорий қонунлар жиҳатидан, муносабатимни билдираман.

1 қисм:

Ислом давлати Ҳукмдорига қарши чиқиш мумкинми? деган мавзуда, диний жиҳатдан рухсат берувчи қатор ҳужжатлар бор. Уламоларнинг сўзлари бор. Ислом ҳукми юриб турган диёрдаги ҳокимга, қарши чиқиш мумкин дейишган қатор шартлар топилса.

عن عبادة بن الصامت رضي الله عنه قال: قال رسول الله ﷺ: سيلكم أمراء من بعدي يعرفونكم ما تنكرون، وينكرون عليكم ما تعرفون، فمن أدرك ذلك منكم فلا طاعة لمن عصى الله.

Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Мендан сўнг сизларга шундай амирлар келадики, мункар деб билган нарсаларингизни маъруф, маъруф деб билган нарсаларингизни мункар дейишади. Сизлардан қай бирингиз ўша ҳолатга етишса, Аллоҳга осий бўлган кимсага итоат йўқдир!» (Ҳоким ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 590).

وعن عبد الله ابن مسعود رضي الله عنه قال: قال رسول الله ﷺ: سيكون عليكم أمراء يؤخرون الصلاة عن مواقيتها ويحدثون البدع. قلت: فكيف أصنع؟ قال: تسألني يابن أم عبد كيف تصنع؟ لا طاعة لمن عصى الله.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Мендан сўнг келажақда ишларингизни шундай кишилар бошқарадики, суннатни ўчиришади, бидъатга амал қилишади, намозларни вақтидан кечиктиришади».

Мен: «Ё Расулуллоҳ, агар ўшалар замонага етсам нима қилишим керак?» деб сўрадим.

«Нима қилай деб сўрайсан-а, эй Ибн умми Абд?! Аллоҳга осий бўлган кимсага итоат қилиш йўқ!», дедилар. (Аҳмад, Ибн Можа, Табароний ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 590).

وعن أبي سعيد الخدري وأبي هريرة رضي الله عنهما قالا: قال رسول الله ﷺ: لياتين عليكم أمراء يقربون شرار الناس، ويؤخرون الصلاة عن مواقيتها، فمن أدرك ذلك منهم فلا يكون عريفا، ولا شرطيا، ولا جابيا، ولا خازنا.

Абу Саид ва Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Устингизга шундай амирлар келадики, ёмон одамларни яқинларига олишади, намозни вақтидан кечиктиришади. Кимда-ким улардан шу нарсани билса, асло ирриф (жамоат ё маҳалла раиси) ҳам, шуртий (миршаб, полициячи) ҳам, солиқчи ҳам, хазинабон ҳам бўлмасин» (Ибн Ҳиббон ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 360).

وعن أبي سعيد الخدري رضي الله عنه قال: قام فينا رسول الله ﷺ خطيبا فكان من خطبته أن قال: ألا إني أوشك أن أدعى فأجيب. فليكن عمال من بعدي يقولون ما يعملون ويعملون بما يعرفون، وطاعة أولئك طاعة، فتلبثون كذلك دهرًا ثم يليكم عمال من بعدهم يقولون ما لا يعلمون ويعملون ما لا يعرفون، فمن ناصحهم ووازرهم وشد على أعضادهم فأولئك قد هلكوا وأهلكوا، خالطوهم بأجسادكم وزايلوهم بأعمالكم، واشهدوا على المحسن بأنه محسن وعلى المسيء بأنه مسيء.

Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Мендан сўнг сизларга билган нарсаларини гапирадиган ва билганларига амал қиладиган омиллар (амалдорлар) волий бўлади. Уларга итоат қилиш тоатдир. Бир замон шу ҳолда турасизлар. Сўнг улардан кейин билмаган нарсаларини гапирадиган ва билмаган нарсаларини қиладиган омиллар волий бўлади. Кимда-ким уларга дўстона муносабатда бўлса ва ёрдам берса, уларни қўллаб-қувватласа, ўшалар ўзлари ҳам ҳалок бўлади, бошқаларни ҳам ҳалокатга етаклашади. Уларга танларингиз билан аралашинглар, бироқ амалларингиз билан улардан ажралинглар! Яхшига яхши деб, ёмонга ёмон деб гувоҳлик беринглар!» (Табароний ривояти, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 457).

عن جنادة بن أبي أمية قال: «دخلنا على عبادة بن الصامت وهو مريض، فقلنا: أصلحك الله، حدث بحديث ينفك الله به سمعته من رسول الله صلى الله عليه وآله وسلم، قال: دعانا النبي صلى الله عليه وآله وسلم فبايعنا، فكان فيما أخذ علينا: " أن بايعنا على السمع والطاعة في منشطنا ومكرهنا وعسرنا ويسرنا وأثرة علينا، وأن لا ننازع الأمر أهله، إلا أن تروا كفرا بواحا عندكم من الله فيه برهان

Жанода ибн Абу Умайя ривоят қилади. Биз Абода ибн Сомит олдида кирдик. У касал ётган эди. Биз унга Аллоҳ сизга шифо берсин. Бизга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитган ҳадислардан айтиб, беринг Аллоҳ сизга уни манфаатлик қилсин дедик.

У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизни, байъат қилишга чақирдилар, деди. Биз яхшиликда ҳам ва қийинчиликда ҳам, оғирликда ҳам, енгилликда ҳам, иш эгаларига қарни низо қилмасликка, эшитиш ва итоат қилишга байъат қилдик. Магар Аллоҳ ҳузуридан, унинг очиқ кофир бўлганига бурҳон, ҳужжат кўрсак, унда бўйсунилик йўқ. Деди.

(Имоми Муслим саҳиҳ тўпламида ривоят қилган)

Булардан умумий хулоса қилиб, Ибн Усаймин, Амирга қарши чиқишда, бешта шарт бор дейди:

1. Уни куфрга кетганлигини, очиқ ойдин, ўз кўзинг билан кўрган бўлишинг керак. Эшитишликмас. Шахсан кўришлик шарт, деган.
2. Куфрга кетганлигини кўришлик ва гуноҳи кабира қилганлигини эмас. Чунки, кабира гуноҳ қилиши, унга қарши чиқишга ҳужжат бўлмайди, деган.
3. Бу ишни таъвилга ўрин қолдирмайдиган очиқ куфр бўлиши шарт қилган. Яъни, ўша амир қилган иш. Шак шубҳасиз куфр иш деб, тан олинган бўлсин! Шубҳалик иш эмас, деган.
4. Шу ишга қуръондан очиқ далил бўлиши керак. Куфр эканлигига, деган.
5. Унга қарши чиқишга етадиган қудратга эга бўлишлик шарт деган. Унга кучи етмаса, қарши чиқишлиқдан нима манфаат?! У золим ҳаммани қириб ташлайди ва аҳвол баттар бўлади, деган.

Бу ислом ҳукми юриб турган диёрдаги Амирга қарши чиқишлик ҳақидаги ҳужжатлардир. Ислом тарихида, жуда кўплаб, халифаларга қарши исёнлар бўлган. Буларни бари тарихий ҳақиқатдир.

2 қисм:

Энди ислом ҳукми йўқ бўлган ва дунёвий Конституциявий тузумларда, ҳокимга қарши чиқишлик масаласига тўхталамиз. Бу давлатда, ислом ҳукм йўқ. Уларда ўзини қонуни бор. Ислом нуқта назаридан, бу давлатлар, таг туги билан супуриб ташланадиган ва шариат ҳукми ўрнатилиши лозим бўлган жойлар деб, қаралади. Тамом! Аммо, буни, қиладиган Давлат йўқ. Бу масала, кун тартибига келмаган. Ва токи, келмагунча, шу вазият туради.

Бу давлатлардаги фуқаролар, шу қонунларга кўра, амал қиладилар.

Давлат раҳбарлари ҳам, шу қонунларга амал қилишлари керак. Лекин, улар амал қилмайдилар. Конституциясига бир шахс икки марта Президент бўлишга ҳақли деб, ёзиб, ўттиз қирқ йилгача ўтирадилар. Каримов ўлгунга қадар, беш марта Президент бўлди. Булар ўзларини қонунга тупурган шахслардир. Конституциясида диндорларга кўп ҳуқуқлар ваъда қилинган. Амалда ҳеч нарса йўқдир.

31-модда.

Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.

Бу моддани Ўзбекитонда мал қилмаслигини ҳаммамиз биламиз. Мутаассиб сарой муллаларидан бошқа, кўз қарашдаги мусулмонлар қатағон қилинган ва қилинмоқда. Фуқаролар ўз ҳаққини талаб қилиб, намоийўгша чиқишга ҳақлидирлар.

33-модда.

Фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуқтаи назаридангина бундай тадбирлар ўтказилишини тўхтатиш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга.

Лекин, намойишга чиқишга ҳам, имкон беришмайди. Андижонда 2005 йилда, халқ намойишга чиққанида, Каримов отишга буйруқ берди. Худди, шундай Қозоғистондаги вазиятни кўринг. Уларда ҳам, шу қонунлар бор. Бир киши ўттиз йилдан бери ўтирибди. Унинг оиласи бойиб кетган. Халқ қашшоқ. Бизда ҳам худди, шу аҳвол.

2011 йилда қозоқлар Жанаозенда намойишга чиққанда, уларни отиб ташлашди. Бугун эса, халқ яна чиқди. Яна отишди. Булар бари, ўзларининг қонунларида бор бўлган нарсалардир.

Халқ зулмга қраши чиқишга ҳақлидир! Бу шаръий жиҳатдан ҳам, ва мавжуд қонунларга кўра ҳам, мумкиндир! Валлоҳу аълам!

Қуйида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси матнини ҳавола қиламан. Бу ердаги ҳуқуқлар, Аллоҳу таоло бизга Одам Атодан бошлаб берган фундаментал ҳақ ҳуқуқлардир. БМТ бунди, 1948 йил 10 декабрда қабул қилган. Бухужжат дунёдаги барча давлат учун, мажбурийдир. Бизда бу қонунларга қанчалик амал қилинади? Бу ёғи ўзингизга ҳавола!

БМТ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Резолюция 217 А (III) билан ва эълон қилинган

МУҚАДДИМА

Инсоният оиласининг ҳамма аъзоларига хос қадр-қиммат ва уларнинг тенг, ажралмас ҳуқуқларини тан олиш эркинлик, адолат ва ялпи тинчлик асоси эканлигини эътиборга олиб;

инсон ҳуқуқларини менсимаслик ва уни поймол этиш инсоният виждони қийналадиган ваҳшиёна ишлар содир этилишига олиб келганини, кишилар сўз эркинлиги ва эътиқод эркинлигига эга бўладиган ҳамда қўрқув ва муҳтожликдан ҳоли шароитда яшайдиган дунёни яратиш инсонларнинг эзгу интилишидир деб эълон қилинганлигини эътиборга олиб;

инсон охириги чора сифатида зулм ва истибдодга қарши исён кўтаришга мажбур бўлишининг олдини олиш мақсадида инсон ҳуқуқлари қонун кучи билан ҳимоя этилиши зарур эканлигини эътиборга олиб;

халқлар ўртасида дўстона муносабатларни ривожлантиришга кўмаклашиш зарурлигини эътиборга олиб;

Бирлашган Миллатлар халқлари инсоннинг асосий ҳуқуқларига, шахснинг қадр-қиммати, эркак ва аёлнинг тенг ҳуқуқлилигига, ўз эътиқодларини Низомда тасдиқлаганликлари ҳамда

янада кенгроқ эркинликда ижтимоий тараққиёт ва турмуш шароитларини яхшилашга кўмаклашишга аҳд қилганликларини эътиборга олиб;

аъзо бўлган давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ялпи ҳурмат қилиш ва унга риоя қилишга кўмаклашиш мажбуриятини олганлигини эътиборга олиб;

мазкур ҳуқуқлар ва эркинликларнинг характерини ялпи тушуниш ушбу мажбуриятларнинг тўлиқ адо этилиши учун катта аҳамиятга эга бўлишини эътиборга олиб;

Бош Ассамблея

мазкур Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини барча халқлар ва барча давлатлар бажаришга интилиши лозим бўлган вазифа сифатида эълон қилар экан, бундан муддао шуки, ҳар бир инсон ва жамиятнинг ҳар бир ташкилоти доимо ушбу Декларацияни назарда тутган ҳолда маърифат ва таълим йўли билан бу ҳуқуқ ва эркинликларнинг ҳурмат қилинишига кўмаклашиши, миллий ва халқаро тараққийпарвар тадбирлар орқали ҳам унинг бажарилиши таъминланишига, Ташкилотга аъзо бўлган давлатлар халқлари ўртасида ва ушбу давлатларнинг юрисдикциясидаги ҳудудларда яшаётган халқлар ўртасида ялписига ва самарали тан олинисига интилишлари зарур.

1-МОДДА

Ҳамма одамлар ўз қадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғиладилар. Уларга ақл ва виждон ато қилинган, бинобарин бир-бирларига нисбатан биродарлик руҳида муносабатда бўлишлари керак.

2-МОДДА

Ҳар бир инсон ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодларидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мол-мулки, табақаси ёки бошқа ҳолатидан қатъи назар ушбу Декларацияда эълон қилинган барча ҳуқуқ ва барча эркинликка эга бўлиши зарур.

Бундан ташқари, инсон мансуб бўлган мамлакат ёки ҳудуднинг сиёсий, ҳуқуқий ёки халқаро мақомидан, ушбу ҳудуд мустақилми, васийми, ўз-ўзини идора қиладими ёки бошқача тарзда чекланганлигидан қатъи назар бирор бир айирмачилик бўлмаслиги керак.

3-МОДДА

Ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгадир.

4-МОДДА

Ҳеч ким қулликда ёки эрксиз ҳолатда сақланиши мумкин эмас; қуллик ва қул савдосининг барча кўринишлари тақиқланади.

5-МОДДА

Ҳеч ким қийноққа ёки шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни хўрловчи муомала ва жазога дучор этилмаслиги керак.

6-МОДДА

Ҳар бир инсон қаерда бўлишидан қатъи назар, ўзининг ҳуқуқ субъекти сифатида тан олинishiга ҳақли.

7-МОДДА

Барча одамлар қонун олдида тенгдир ва ҳеч бир тафовутсиз қонун билан тенг ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадир. Барча одамлар ушбу Декларацияга зид бўлган ҳар қандай камситишдан ва шундай камситишга ундайдиган ҳар қандай гиж-гижлашдан тенг ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадир.

8-МОДДА

Ҳар бир инсон унга конституция ёки қонун орқали берилган асосий ҳуқуқлари бузилган ҳолларда нуфузли миллий судлар томонидан бу ҳуқуқларнинг самарали тикланиши ҳуқуқига эга.

9-МОДДА

Ҳеч ким асоссиз қамалиши, ушланиши ёки қувғин қилиниши мумкин эмас.

10-МОДДА

Ҳар бир инсон ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиноий айбнинг қанчалик даражада асосли эканлигини аниқлаши учун тўлиқ тенглик асосида унинг иши ошкора ва адолат талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга.

11-МОДДА

1. Жиноят содир этганликда айбланган ҳар бир инсон ҳимоя учун барча имкониятлар таъминланган ҳолда, очиқ суд мажлиси йўли билан унинг айби қонуний тартибда аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланишга ҳақлидир.

2. Ҳеч ким, содир этилган вақтда миллий қонунлар ёки халқаро ҳуқуқларга кўра жиноят деб топилмаган хатти-ҳаракати ёки фаолиятсизлиги учун жазога ҳукм қилиниши мумкин эмас. Шунингдек, жиноят содир этилган вақтда қўлланиши мумкин бўлган жазога нисбатан оғирроқ жазо берилиши мумкин эмас.

12-МОДДА

Ҳеч кимнинг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашиш, уй-жойи дахлсизлигига, унинг ёзишмаларидаги сирларга ёки унинг номус ва шаънига ўзбошимчалик билан тажовуз қилиниши мумкин эмас. Ҳар бир инсон худди шундай аралашув ёки тажовуздан қонун орқали ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга.

13-МОДДА

1. Ҳар бир инсон ҳар бир давлат доирасида эркин юриш ва яшаш жойи танлаш ҳуқуқига эга.
2. Ҳар бир инсон ҳар қандай мамлакатдан, хусусан ўз мамлакатидан чиқиб кетиш ва ўз мамлакатига қайтиб келиш ҳуқуқига эга.

14-МОДДА

1. Ҳар бир инсон таъқиб туфайли бошқа мамлакатлардан бошпана излаш ва ўша бошпанадан фойдаланиш ҳуқуқига эга.
2. Бу ҳуқуқдан носийосий жиноят содир этиш учун ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсад ва принципларига зид хатти-ҳаракат туфайли таъқиб пайтида фойдаланиш мумкин.

15-МОДДА

1. Ҳар бир инсоннинг фуқаро бўлиш ҳуқуқи бор.
2. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан ўз фуқаролигидан ёки ўз фуқаролигини ўзгартириш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас.

16-МОДДА

1. Балоғат ёшига етган эркаклар ва аёллар ирқи, миллати ёки диний белгилари бўйича ҳеч қандай чеклашларсиз никоҳдан ўтишга ва оила қуришга ҳақли. Улар никоҳдан ўтишда, никоҳда турган вақтларида ва уни бекор қилиш вақтида бир хил ҳуқуқдан фойдаланади.
2. Никоҳдан ўтаётган ҳар икки томоннинг эркин ва тўлиқ розилиги асосидагина никоҳ тузилиши мумкин.
3. Оила жамиятнинг табиий ва асосий ҳужайраси саналади ва жамият ҳамда давлат томонидан ҳимоя қилинишга ҳақли.

17-МОДДА

1. Ҳар бир инсон якка ҳолда, шунингдек, бошқалар билан биргаликда мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эга.
2. Ҳеч ким зўравонлик билан ўз мулкидан маҳрум этилиши мумкин эмас.

18-МОДДА

Ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ўз дини ёки эътиқодини ўзгартириш эркинлигини ва таълимотда, тоат-ибодат қилишда ва диний расм-русм ҳамда маросимларни оммавий ёки хусусий тартибда адо этиш, ўз дини ёки эътиқодига якка ўзи, шунингдек, бошқалар билан бирга амал қилиш эркинлигини ўз ичига олади.

19-МОДДА

Ҳар бир инсон эътиқод эркинлиги ва уни эркин ифода қилиш ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ҳеч бир тусқсиз ўз эътиқодига амал қилиш эркинлигини ҳамда ахборот ва ғояларни ҳар қандай восита билан, давлат чегараларидан қатъи назар, излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади.

20-МОДДА

1. Ҳар бир инсон тинч йиғинлар ўтказиш ва уюшмалар тузиш ҳуқуқига эга.
2. Ҳеч ким бирор бир уюшмага киришга мажбур қилиниши мумкин эмас.

21-МОДДА

1. Ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллар воситаси орқали ўз мамлакатини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эга.
2. Ҳар бир инсон ўз мамлакатада давлат хизматида киришда тенг ҳуқуққа эга.
3. Халқ иродаси ҳукумат ҳокимиятининг асоси бўлиши лозим; бу ирода даврий ва сохталаштирилмаган, ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқидан, яширин овоз бериш йўли билан ёки овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа тенг қийматли шакллар воситасида ўтказиладиган сайловларда ўз аксини топиши лозим.

22-МОДДА

Ҳар бир инсон жамият аъзоси сифатида миллий куч-ҳаракатлар ҳамда халқаро ҳамкорлик воситасида ва ҳар бир давлатнинг тузилиши, шунингдек, ресурсларига мувофиқ ижтимоий таъминотга ва ўзининг қадр-қимматини сақлаш, шахсининг эркин ривожланиши учун зарур бўлган иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳалардаги ҳуқуқини амалга оширишга ҳақли.

23-МОДДА

1. Ҳар бир инсон меҳнат қилиш, ишни эркин танлаш, адолатли ва қулай иш шароитига эга бўлиш ва ишсизликдан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга.
2. Ҳар бир инсон ҳеч бир камситишсиз тенг меҳнат учун тенг ҳақ олиш ҳуқуқига эга.
3. Ҳар бир ишловчи киши ўзи ва оиласи учун инсонга муносиб яшашни таъминлайдиган адолатли ва қониқарли даромад олишга, зарур бўлганда ижтимоий таъминотнинг бошқа воситалари билан тўлдирилиувчи даромад олиш ҳуқуқига эга.
4. Ҳар бир инсон касаба уюшмалари тузиш ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун касаба уюшмаларига кириш ҳуқуқига эга.

24-МОДДА

Ҳар бир инсон дам олиш ва бўш вақтга эга бўлиш, шу жумладан иш кунини оқилона чеклаш ҳуқуқи ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътили олиш ҳуқуқига эга.

25-МОДДА

1. Ҳар бир инсон ўзининг ҳамда оиласининг саломатлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган турмуш даражасига эга бўлиш, жумладан кийим-кечак, озиқ-овқат, тиббий хизмат ва зарур ижтимоий хизматга эга бўлишга ҳамда ишсизлик, касаллик, ногиронлик, бевалик, қарилик ёки унга борлиқ бўлмаган шароитларга кўра тирикчилик учун маблағ бўлмай қолган бошқа ҳолларда таъминланиш ҳуқуқига эга.

2. Оналик ва болалик алоҳида ғамхурлик ва ёрдам ҳуқуқини беради. Барча болалар, никоҳда ёки никоҳсиз туғилишидан қатъи назар, бир хил ижтимоий ҳимоядан фойдаланиши керак.

26-МОДДА

1. Ҳар бир инсон таълим олиш ҳуқуқига эга. Таълим олишда ҳеч бўлмаганда бошланғич ва умумий таълим текин бўлиши лозим. Бошланғич таълим мажбурий бўлиши керак. Техник ва ҳунар таълими ҳамманинг қурби етадиган даражада бўлиши, олий таълим эса ҳар кимнинг қобилиятига асосан ҳамма учун етарли имконият доирасида бўлмоғи керак.

2. Таълим инсон шахсини тўла баркамол қилишга ва инсон ҳуқуқлари ҳамда асосий эркинликларига нисбатан ҳурматни кучайтиришга қаратилмоғи лозим. Таълим барча халқлар, ирқий ва диний гуруҳлар ўртасида бир-бирини тушуниш, хайрихоҳлик ва дўстликка хизмат қилиши ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни сақлаш борасидаги фаолиятига ёрдам бериши керак.

3. Кичик ёшдаги болалари учун ота-оналар таълим турини танлашда имтиёзли ҳуқуққа эгадир.

27-МОДДА

Ҳар бир инсон жамиятнинг маданий ҳаётида эркин иштирок этишга, санъатдан баҳраманд бўлишга, илмий тараққиётда иштирок этиш ва унинг самараларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

28-МОДДА

Ҳар бир инсон ушбу Декларацияда баён этилган ҳуқуқ ва эркинликлар тўлиқ амалга оширилиши мумкин бўлган ижтимоий ва халқаро тартиб бўлиши ҳуқуқига эгадир.

29-МОДДА

1. Ҳар бир инсон жамият олдида бурчлидир, фақат шу ҳолатдагина унинг шахси эркин ва тўлиқ камол топиши мумкин.

2. Ҳар бир инсон ўз ҳуқуқи ва эркинликларидан фойдаланишда ўзгаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини демократик жамиятда етарли даражада бўлишини ҳамда ҳурмат қилинишини таъминлаш, ахлоқ, жамоат тартиби, умум фаровонлигининг одилона талабларини қондириш мақсадидагина қонунда белгиланган чекланишларга риоя этиши керак.

3. Ушбу ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсад ва принципларига ҳеч зид бўлмаслиги керак.

30-МОДДА

Ушбу Декларациядаги ҳеч бир нарса бирор бир давлат, кишилар гуруҳи ёки алоҳида шахслар мазкур Декларацияда баён этилган ҳуқуқ ва эркинликларни йўқ, қилишга йўналтирилган фаолият билан шуғулланиши ёки ҳаракат қилиши мумкин деб талқин этилмаслиги керак.

.....

Саҳвий

31 Савол:

Инсон ҳуқуқини масаласида Ислом динида бирор гап сўз айтилганми?! Мен шахсан инсон ҳуқуқи деган тушунчани, БМТнинг инсон ҳуқуқлари Декларацияси қабул қилинганидан кейин, одамлар тушуна бошлади деган, фикрдаман. Шунгача, инсоният, бу ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган. Яъни, динларда, инсон ҳуқуқлари кўрсатилинмаган. Мени саволимдан хафа бўлмангу, лекин, бу гапларим асоссиз эмас. Мусулмонлар инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун круашмайди. Улар билмайди. Қуръонда бўлганида, қилишарди, балким?!

Саҳвий радиоблогидаги бир суҳбатда берилган савол эди.

Унга жавобан ва умумий шаклда, шу каби, тушунчадаги кишиларга жавобан, ёзилган мақола.

Исломдаги Инсон ҳуқуқлари муаммолари

Маълумки, 1948 йили БМТ ташкил этилди. Ва ўша йили Бутун Жаҳон Инсон ҳуқуқлари декларацияси қабул қилинди. Ҳозирги кунда дунёда БМТ ва уни таркибидаги қатор инсон ҳуқуқини ҳимоя қилувчи Қўмиталар бор. Ва дунёдаги барча мамлакатлар БМТга аъзо бўлиши баробарида БМТнинг инсон ҳуқуқи ҳимояси билан шуғулланувчи қўмиталари томонидан чиқарилган маълум юридик мажбуриятни ўз зиммаларига оладилар. Ва ҳар уч тўрт йилда Қўмиталар олдида ўша мажбуриятларни амалда бажарилишига доир ҳисобот бериб турадилар. Шу йилнинг март ойида Ўзбекистон ҳукумати вакиллари ҳам БМТнинг қийноқларга қарши қўмитаси мажлисида ҳисобот берди.

Давлат расмий органларидан ташқари инсон ҳуқуқини ҳимоя қилувчи нодавлат ташкилотлар ҳам ташкил қилинган. Нодавлат Ташкилотлар ҳам БМТ мажлисига таклиф қилиниб улардан ҳам муқобил ҳисоботлар тингланади. Бу билан Қозилик лавозимидаги БМТ қўмитаси у ёки бу мамлакатдаги Инсон ҳуқуқи қанчалик бузидлишини аниқлаб олади. Ва тартиб бузарлик кузатилаётган мамлакатларга ўша ердаги вазиятни ўнглаш учун амалий таклифлар беради. Бу бугунги мавжуд аҳвол. Ва бу ишларни Мусулмонлар қилаётгани йўқ. Аслида эса инсон қадри ёки табиатга эътибор каби умумий масалалар ҳақида динимиз Исломда нималар дейилган?! Ислом дини таълимотида бугунги кунда тараққий топган инсоният жамияти тан олган инсонларга ва ҳайвонот оламига ва набототга тегишли ҳақ ҳуқуқлар мажмуаси тўла шаклда мавжуддир.

Мен ҳуқуқбонлик соҳасига доир қатор халқаро ҳужжатлар ҳақида маълумот берувчи китобларни ўқиб чиқиб шундай хулосага келдимки, бугунги мусулмон олами Исломнинг бу каби, талабларини амалда бажармаяпдилар. Мен кенг қамровли Ислом таълимотини яъни баъзи оят ва ҳадисларни бугунги халқаро ҳуқуқ нормативлари билан қиёслаб бугунги мусулмонлар ўз зиммаларидаги Ислом талаб қилаётган улкан вазифаларни амалда бажармаётганларига гувоҳ бўлдим.

Масалан қуръон ва суннат асосида Европа Мусулмонлари Шўроси томонидан 19 сентябрь 1981 йил эълон қилинган Унверсал Исломий инсон ҳуқуқлари Декларациясида ҳам инсон ҳақ ҳуқуқлари кўрсатилган. Декларацияни муқаддимасида Мусулмонлар Шўроси Бош котиби Салам Ассам шундай дейди. “Мен бу декларация мусулмон халқларга уларга Аллоҳ томонидан берилган ҳақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва талаб қилишларида катта бир журъат шижоат бағишлайди чин дилдан умид қиламан.»

Аммо, Амалда бундай бўлмади. Бирорта қонун қабул қилинар экан, уни ижросини таъминловчи механизмлар бўлмаса, у фақат қоғозда қолиб кетаверади ҳалос. Мана мисол юқоридаги Исломий декларация бор. Аммо уни дунё миқёсида амалда татбиқ қилувчи механизмлари йўқ. Шунингдек, Бирорта Ислом нуқтаи назаридан инсон ҳуқуқини ҳимоя қилувчи Халқаро ташкилот йўқ. Ва ҳаказо. Диндорларнинг кўпчилиги инсон ҳуқуқи ҳимояси Исломда ҳам буюрилган бир вожиб амал деб тушунишмайди. Исломда инсонлар маълум категорияга ажратилиб ҳар бирини алоҳида ўз ҳақ ҳуқуқи ва мажбуриятлари кўрсатилган. 1. Умумий Тенглик ва адолат 2. Инсон ҳуқуқлари 3. .Озчиликини ҳуқуқлари 4. Сиёсий ҳуқуқлар 5 .Инсон қадр қиммати 6. Оила ҳуқуқи. 7. Мулкга эгалик ҳуқуқи. 8. Йўқсуллар ҳуқуқи 9. Жамоат ишларида маслаҳат 10 .Болалар ҳуқуқи 11. Ота оналар ҳуқуқи. 12. Мехмонлар ҳаққи 13.. Қўшнилари ҳаққи 14. Табиат ҳаққи 15. Ҳайвонлар ҳаққи. Ва ҳаказо. Булар жуда кўп.

Жамиятнинг барча қатламини ва табиатни муҳофазасини ҳам ўз ичига олади. Булар тўғрисида қатор оят ва ҳадислар бор. Буларни барчасини шахсий тартибда амалда бажарилиши учун Исломда руҳий асос бор. Аллоҳга имон келтириш ана ўша асосдир. Бу билан юқоридаги ҳақларга риоя қилиш шахсий тартибда нисбатан таъминлангандир. Энди бу ҳақларга жамоавий тарзда амал қилиш механизмлари эса йўқ. Шунингдек, халқаро шаклда амал қилиш ҳам ҳали бирорта шаклда намоён бўлмади. Ислом Конференцияси Ташкилоти ёки Араб давлатлари Лигаси доирасида бўлсада бу борада бирор амалий иш қилинмади. Мусулмонларни фақат мусулмончилик жиҳатидан ҳимоя қилувчи давлат эса, мавжуд эмас. ИКТ шу йўналишда фаолиятини кенгайтириши ва БМТни муқобилидаги мусулмонларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилувчи Халқаро ташкилотга асос солиши лозим эди. Ёки қатор мусулмон давлатларида айнан мусулмонларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилувчи нодавлат ташкилотлар тузилиши лозим эди. Бу ташкилотларда юристлар билан бирга таниқли дин олимлари ишлашлари мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки. Баъзи диндан узоқ одамлар, Исломда инсон ҳуқуқлари йўқ деган, хато фикрга бориб қолишган.

Чунки, мавжуд муаммоларни кўра оладиган ва оммани фикрини, уларга қарата оладиган кишилар бўлиши керак. Шу йўналишда фаолият қилиш, айти муддаодир. Ҳозирги кунда Ислом оламида, деярли барча мусулмонлар яшайдиган давлатларда кўплаб халқларнинг ҳақ ҳуқуқлари бузилаяпти..Улар ўз фикри, дини, ва сиёсий қарашлари учун тазйиққа учраяпти. Уларни ҳимояси билан бирорта исломий ташкилотлар шуғулланмайди. Аммо, БМТ ташкилотлари воситасида дунё бўйлаб миллионлаб инсонларга ва шу жумладан мусулмонларга ҳам ёрдам кўрсатилаяпти. Худди шу ишни Исломий Ташкилотлар аъзолари мусулмонлардан ташкил топган ташкилотлар қилмаяптилар.

Бу муаммо эса, ёрдамга муҳтож, барча мусулмонларнинг, қочоқларни, муҳожирларни, мусофирларни, етимларни, беваларни, қашшоқлару талабаларни, хуллас турли шаклда ҳақ ҳуқуқлари камситилаётган қадрли қиммати ерга урилаётган ер сувлари тортиб олиниб қамал қилинаётган, ўз юртида зулмга учраган мусулмонларни бошқа бир имкони бор бўлган қисми томонидан ҳеч бир ёрдамсиз қолдирди. БМТ ва уни таркибидаги Ташкилотлар фаолиятига 60 йилдан ошсада, бу йўналишда Ислом оламидаги мусулмонлар, Ислом кўрсатган инсоний ҳуқуқларни ҳимоя қилишда, ҳали бирор амалий фаолиятга ўтолмаяпти ва дин ва давр талабига мувофиқ қадам қўёлмаяпти.

Саҳвий

2012 йил

32 Савол:

Байъат Ҳақида сўрамоқчиман. Мусулмон киши, амирга байъат бермасдан яшаши ҳаромми?! Бугун биз кимга байъат берамиз?

Байъат ҳақида билганим шуки, аввалги байъат Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ўзларига берилган. Ва бу ҳақида қуръон ва ҳадисда, кўп маълумотлар бор. Байъатни Наби саллаллоҳу алайҳи васаллам даврларида бир неча турлари мавжуд бўлиб, янги Имонга кирган кишилардан асосан, Аллоҳга ширк келтирмаслик, намоз ўқиш, закот бериш ва ҳаказо масалаларда, байъат олинган. (Байъат, аҳду паймон, ваъда, келишув, маъносидадир.)

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳу айтади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизни чақирдилар, биз у зотга байъат бердик. Биздан байъат олган ишлар ичида яхши кўрган ишларимизда ҳам, ёмон кўрган ишларимизда ҳам, қийинчилик пайтларда ҳам, фаровонлик пайтларда ҳам, ҳақ-ҳуқуқларимизни ман қилганида ҳам (амирларга) қулоқ солиб, итоат қилиш, иш эгалари (амирлар) билан низолашмаслик бор эди, «Фақат сизларда Аллоҳ тарафидан далил-ҳужжат бўлган очиқ куфрни ундан содир бўлганини кўрсангизлар (уларга итоат қилмаслик мумкин)», дедилар.

Кейинчалик имон келтирган мўмина аёллардан ҳам, байъат олишга Аллоҳдан буйруқ бўлди.

“Эй Набий! Агар мўминалар сенга Аллоҳга ҳеч нарсани ширк келтирмаслик, ўғрилиқ қилмаслик, зино қилмаслик, болаларини ўлдирмаслик, қўллари ва оёқлари орасидан бўҳтон тўқиб келтирмаслик ва сенга яхшилик ишда исён қилмасликка байъат қилиб келсалар, уларнинг байъатини қабул қил. Ва Аллоҳдан уларнинг гуноҳини кечишни сўра. Албатта, Аллоҳ гуноҳларни кечирувчи ва меҳрибондир.

Мумтаҳана сураси 12 оят.

Баъзида, дин йўлидаги бўладиган урушлар олдидан, баъзан яна такроран, қайтадан байъат олганлар. Қуйидаги оят ана шунақа байъатни Аллоҳ наздида маъқул бўлганига далилдир.

“Албатта, сенга байъат қилаётганлар фақат Аллоҳнинг Ўзига байъат қилмоқдалар. Аллоҳнинг қўли уларнинг қўллари устидадир. Ким (аҳдни) бузса, ўзига қарши бузади, холос. Ва ким Аллоҳга қилган аҳдига вафо қилса, унга тезда улкан ажр берилур. Фатҳ 10 оят.

Кейинчалик Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг халифаларига, яъни ўринбосарларига байъат берилган. Бу каби байъат бериш, шаръан жорий бўлгандир. Ва байъатни олувчиларни ваколати ҳам, шариат томонидан белгилангандир. Кейинчалик тарихдан маълумки, байъат тартиби кўп ҳолларда бузилган. Кўпгина одамлар зўравонлик билан ҳокимиятни эгаллаб, бошқаларни ўзига байъат беришга, мажбурлашган. Язид ибни Муовия Ҳусайн ибни Алини байъатга мажбурлагани, бунга бир мисолдир.

Байъат бериш масаласи, умуман олганда шариат нуқтаи назаридан ҳақдор, Амирга берилиши керак. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг “Кимки, бўйнида байъати бўлмаган ҳолда вафот этса, жоҳилият ўлимида ўлибди” деган ҳадислари мазмуни шунга дахлдордир. Яъни, Ислом ҳукми юриб турган диёрдаги мусулмонлар, шу ерни амирига байъат бермасдан ўлсалар, жоҳилиятдаги каби, ўлим топибдилар. Чунки, улар у амирга итоат қилишлари ва у билан бирга, ислом талаб қилган ишларда, жамоавий бўлиб, фаолият қилишлари лозим эди. Шулардан четланган кимса, Исломдан четганган кабидир, гўё.

Байъат масаласи аввалги даврларда диний ва сиёсий барча масалада пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламга таслим бўлганини ифодалаган бўлса, кейинги даврда кўпроқ сиёсий ҳокимиятни тан олишдан иборат бўлган. Илмий фикҳий ихтилофлар жуда кўп бўлгани учун, асрлар давомида турли хил фикҳий мазҳаблар вужудга келди. Ва диндаги асл қоида бунга йўл беради. Яъни ҳар бир мужтаҳид олим ўз фикри раъйини тўғри дейишга ҳақлидир.

Шу ўринда Имоми Моликга тегишлилиги айтиладиган машҳур калимани келтириб ўтиш жоиздир.” Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламдан бошқа ҳар қандай инсоннинг гапи олинади ҳам, тарк қилинади ҳам. Бу диндаги тўғри аслдир. Яъни, диндаги итоат ва эргашиш Аллоҳга бўлиши керак. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам эса Аллоҳнинг ҳукмини иродасини етказувчи зотдир. Шу маънода Расулга эргашиш Аллоҳга эргашиш ҳисобланади. Бунга қуръонда қатор далиллар бор.

“Қайси бир Пайғамбарни юборган бўлсак, Аллоҳнинг изни ила фақат итоат қилиниши учун юборганмиз.” Нисо 64 оят.

Бошқа оятда шундай дейилади; “Ким Пайғамбарга итоат қилса, Аллоҳга итоат қилган бўлади. Ким юз ўгирса, Биз сени уларга қўриқчи қилиб юборганимиз йўқ.”

Нисо сураси 80 оят.

Умуман олганда Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламга итоат қилиш асоси шундай.

У зот 40 ёшларигача пайғамбар эмас эдилар. Бу даврдаги ҳаётлари шариат учун, далил бўлмади. Кейинги 23 йил пайғамбарлик бўлдилар. Бу даврда у кишига ваҳй тушиб турди. Кейин тўпланиб, қуръони карим ҳозирги ҳолига келди. Энди қуръонга итоат қилиш, Аллоҳга итоатдир. Бу Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламга итоатдан алоҳида нарса. Ўша 23 йил давомида у кишига, Аллоҳ тарафидан баъзи илҳом берилиб, айтган гаплари, ҳадис дейилади. Баъзилар ҳикмат деб, ҳам номлашган. Мана шу ҳадислар шаръий ҳужжат бўла олади. Ва эргашиш савоб бўлади. Бу Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламга итоат бўлади.

Бундан ташқари у киши шу 23 йил давомида оддий инсонлик хусусиятларида яшадилар. Ва ҳар хил мавзуларда, фикр билдирдилар. Булар ҳам эргашишга буюрилган нарсалар эмасдир. Бунга хурмо воқеъаси далилдир. Бадр жангидаги воқеъа ҳам бунга далил бўла олади. Хаббоб ибн Арат Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам қўшинни туширамиз деган жойдан, бошқа жойга туширишни таклиф этади. Ва уни таклифи инобатга олинади. Демак, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламга итоат қилиш, дин ишида вожибдир. Ва Аллоҳга итоат қилиш расулга итоат қилиш билан, амалга ошади. Амирларга итоат қилиш фақат бир шарт билан, вожибдир. Яъни уларни буйруғи китобу суннатга мувофиқ бўлсагина, итоат қилинади.

Қуръонда келади; Эй иймон келтирганлар! Аллоҳга итоат қилинг, Пайғамбарга ва ўзингиздан бўлган ишбошиларга итоат қилинг. Бирор нарса ҳақида тортишиб қолсангиз, агар Аллоҳ ва охират кунига иймон келтирган бўлсангиз, уни Аллоҳга ва Пайғамбарга қайтаринг. Ана шундай қилиш хайрли ва оқибати яхшидир.

Нисо сураси 59 оят.

Амирга итоат, ихтилофли масалада бўлмас экан. Амир чиқарган фатвоси кимнидир раъйида хато бўлса, унга итоат қилмасликка, ҳақли бўлади. Бу мавзуда кўп далиллар бор. Ислом тарихидаги кўп мужтаҳидлар Амирларга бўйсунмаганликлари зикр қилинган.

"Холиқга осий бўладиган пайтда махлуқга итоат қилинмайди" деган ҳадис ҳам, фикримизга далилдир. Агар фақат Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламгина Аллоҳ тарафидан бизлар бўйсунишга ваколатланган ва хатолардан маъсум бўлсалар, бошқаларда бу сифат бўлмаса, бўйсунишда эҳтиёткорлик зарур бўлади. Аслида амирга қачон бўйсуниш керак ва қачон қарши чиқилади бу нарсалар, қатор ҳадисларда кўрсатиб ўтилган.

Имом Муслим Умму Салама розияллоҳу анҳодан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизларга амирлар таъйин қилинади. Сизлар улардан яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам кўрасизлар. Ким (уларнинг ёмонликларини) ёмон кўрса, улардан пок бўлибди ва гуноҳларига шерик бўлмабди. Ким (уларнинг ёмонликларини) инкор этса, (бу гуноҳ уқубатидан) қутулибди. Бироқ, уларнинг ёмонликларига рози бўлган ва эргашган киши (ундай эмасдир)», дедилар.

Саҳобалар: «Ё Расулulloҳ, улар билан уруш қилайликми?», деб сўрадилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Модомики, намоз ўқир эканлар, йўқ», деб жавоб бердилар.

Бугунги кунда эса, Уммат томонидан тан олинган ваколатланган Амирни ўзи йўқ. Турли жамоатлар ўзлари Амир сайлаб, унга байъат беришади. Ҳизбут Таҳрир жамоаси ва Жиходчи гуруҳларда ва Таблиғ гуруҳида ва баъзи, тариқатчи сўфиларда байъат вожиб ҳисобланади. Аммо, бу амирлар бирортаси уммат томонидан ваколатланган эмаслар. Яъни улар умматни бир қисми ёки, бир гуруҳи томонидан ваколатланганлар ҳалос. Ва ўзаро манҳажларда тариқатларда ихтилофдадирлар. Ҳар бири ўзларига итоатни, вожиб дейишади. Ва юқоридаги оят ва ҳадисларни далил сифатида келтиришади.

Ҳизбут Таҳрир байъатида “Ўз раъйимга қарши бўлсада, Ҳизбни раъйига амал қиламан” деган жумла бор. Бу жумла мўмин кишини, Аллоҳ берган фундаментал ҳаққини олиб қўяяпти. Ваҳолонки, ҳар қандай одам ўз фикрига тўғри келмаган ишни, қилиши диндаги мантиқсизлик ва айни хатодир. Бу мунофиқликдан бошқа нарсамас. Агар кимдир Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам даврида яшаб, унга нисбатан шу мақомда бўлса, мунофиқ бўларди. Бошқа одамга нисбатан, бундай позицияда бўлишга ҳақлимиз.

Ҳеч ким мени раъйимни хато деб билсанг ҳам, бажарасан!” дейишга ҳаққи йўқдир. Менимча бу амирларга байъат беришлик, бошқалар учун вожиб бўлмайди. Бўлиб ҳам бу амирларни манҳажларига, ақидаларига ва ҳаказо, қўшилмасангиз. Ва агар уларни жамоатида бўлган тақдирда ҳам итоат мажбурий қилиши, менимча ғайришаръий ва ноқонунийдир.

Қуйидаги матн ЎИХдагиларнинг Амирига берадиган байъати, матнидир.

“Мен Аллоҳ йўлидаги шариатга мувофиқ ҳар қандай буйруғингизни бажараман.. Мен Аллоҳ йўлида шаҳидлик етгунча курашишга онт ичаман. Мен сизга қасамёд қиламанки, сиз рухсат берган кун, мен фидоийлик амалиётини амалга ошираман. Сиз рухсат берсангиз мен фидоилик қиламан. Сизга қасамёд қиламанки, сиз рухсат берсангиз шу онда мен фидоилик амалиётини ўтказаман.” Бу матн «Кабоилда нима гап 2” номли видеофильмдан олинган,

Юқоридаги байъат матнини шариат тарозисига солиб кўрайлик. “Мен Аллоҳ йўлидаги шариатга мувофиқ ҳар қандай буйруғингизни бажараман”. Бу ибора зоҳиран саҳиҳ. Энди буйруқларни шариатга мувофиқми йўқми ўшанисини аниқлаш керак ҳалос. “Мен Аллоҳ йўлида шаҳидлик етгунча курашишга онт ичаман.” Бу иборада ноаниқлик бор. Инсон шаҳидлик етиш етмаслигини билмайди. Балки ғолиб бўлиб чиқиши мумкин. Ва ёки касаллик ё, бошқа турли сабабларга биноан жиходни тўхтатиши мумкин. Бу иборада бунга йўл қолмаган. Ва ниҳоят жиход ҳам Аллоҳ учун қилинадиган бир ибодатдир. Уни қилишда кимгадир онт ичиб қилишга ҳожат йўқ! Амирга итоатга байъат бўлади.

“Мен сизга қасамёд қиламанки, сиз рухсат берган кун мен фидоийлик амалиётини амалга ошираман. Агар рухсат берсангиз мен фидоилик қиламан. Сизга қасамёд қиламанки, сиз рухсат берсангиз шу онда, мен фидоилик амалиётини ўтказаман.” Бу ерда уч марта бир мазмунли ибора такрорланган. Фидоийлик масаласи ҳали, жоизми йўқми бу бир ихтилофли масала?! Яна, уни амир рухсат берсагина амалга оширишга, онт ичилмоқда?! Бу ерда инсон ўз ҳаётини, амир айтса қурбон қилишини билдираяпти.

Қайси амир инсон ҳаёти билан савдо қилаолади?! Шаҳодат маълум неъмат. Аммо, буни ким ўз шахсига боғлаб қўя олади. Ким бировга бир жойга ўзингни портлатиб ўлсанг шаҳид бўласан ва жаннатга кирасан дея олади?!

Шундай ваколат дунёдаги мавжуд, бирорта одамда борми?! Фидоийлик масаласида ноаниқлик ва ихтилофлар кўп. Аллоҳ йўлида жиҳод қилиб жон бериш билан, ўз ичига яширинган бомбани, бир жойга бориб портлатиб, ўзи ҳам бошқаларни ҳам ўлдириш фидоийликдан бошқа нарса. Бунинг мисли, аввал бўлмаган ва аниқ суннатдан далилларга суянмаган ишдир. Аммо, Бу мавзу алоҳида мақола мавзусидир.

Бу мақола байъат мавзусида бўлиб, хулоса шуки байъат фактори, бугунги кунда ўз шаръий жоиз мақомга, эга бўлган эмасдир. Бунинг учун шариат талаб қилган, шартлар етишмайди. Алоҳида жамоаларнинг ўз амирларига байъат беришлиги, бутун уммат устида вожиб бўлган амал, дейилмайди. Ва байъатларни матни уни шариат тарозусига солиб, ўйлаб кўришни тақозо этади. Ислом уммати парчаланиб, юзлаб алоҳида давлатларга бўлиниб яшаётган бир даврда, оммани қамраб оладиган, манҳажларга эҳтиёж сезилади.

Турли хил тор йўналишдаги гуруҳлар ва уларнинг ажабтовур байъатлари, умматни бирлигига менимча фақат путур етказди, халос. Бу албатта менинг фикрларим ва мен уни тўғри деб, ўйлайман. Хато бўлиши ҳам мумкин. Албатта биз ихтилоф қилган нарсаларнинг барчаси ким тўғри ё, нотўғрилиги, қиёмат кунида аён бўлади. Аллоҳу Таъоло барча мўминларни мағфиратига олсин. Омин!

Сўзимнинг охирида Аллоҳу Роббил Оламиндан Ислом умматини ҳақ устида бирлаштиришини дуо қилиб қоламан.

2012 йил

33 Савол:

Мен Нақшбандийлик тариқатида таълим берадиган мадрасада ўқийман. Бу ерда ўқишим ўзимга ёқади. Лекин, у бу ўртоқларим, ҳар хил гаплар айтишади. Бу йўл тўғримас дегандек. Мен катта шайхларни кўрдим истамбулда шу тариқат Пирларини, улар шу йўлда юришибди. Нотўғри бўлса юрармиди?! Сизни таниганим учун, шу масалада фикрингизни билмоқчи эдим.

Сўфи талаб Истамбулдан

Шу савол сабаб бўлиб, бир замонлар бу мақолани ёзгандим.

«Тасаввуф» Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олиб келган йўл эмас

Муқаддима;

21 асрда яшаяпмиз. Фан ва техника ривожланган бир давр. Дунё халқлари тараққиётда биздан анча илгарилаб кетган. Бугунги ўзбек халқи муаммоларига назар солсак, ҳар соҳада инқирозга кетаётганимиз манзараси намоён бўлади. Давлат ва халқ олдида улкан муаммолар мавжуддир. Халқимиз бошқа халқлар каби тараққиётга эришиши ва ҳар жиҳатдан равнақ топиши учун бизга қандай ғоялар зарур?! Нима қилсак бу халқ қарамликдан хору зорликдан қутулиб рўшноликга чиқаолади?! Сонсиз муаммолар ечими қаерда?! Бу муаммолар ечими асосийси мавжуд режимни ўзгартириш ва халқни иқтисодий ночор аҳволдан олиб чиқиш ва фаровон яшашни таъминлаш учун зарур бўлган ғоя ва мафкурани аниқлашдир. Бусиз келажақда қай тарафга кетишимиз даргумон бўлиб қолаверади.

Бу йўналишда бугун турли тоифалар, турли хил мафкуралар, тақдим этишаяпди. Мухолифат демократия қуришни иддао қилади. Диний гуруҳлар ичида ҳам сиёсий ҳаракатлар йўқ эмас. Хусусан, Халифат қуриш ғоясини кўтарган гуруҳлар бор. Бошқа баъзи маърифий гуруҳлар сиёсатга аралашмайдилар. Ўз манҳажлари бўйича фаолиятдалар. Бугунги ўзбек халқи 70 йиллик дахрийлик тузумидан қутулиб ИАК зулмига учраган ва диний тушунчалари ўта саёз бир халқдир. Асосан 70% 80% фуқаролар ўзларини мусулмонман деб айтсада, диний илми умуман йўқ.

Бугунги ўзбек режими фаолиятига рухсат бериб қўйган диний жамоалар Ханафий мазҳабига амал қилувчи расмий имомлар ва сўфийлик тариқатларидир. Бу сўфилар ва расмий имомларни бу каби муаммолар қизиқтираётгани йўқ. Улар аксинча, халқни бугунги давр учун мутлақ зарарли бўлган ва халқни сиёсий фаоллигини тўсадиган минг йиллик ғояларни кўтариб юришибди. Бугунги Ўзбекистондаги сўфий жамоалар ҳам аслида тасаввуфнинг чуқур мафкура ва ғояларидан беҳабар назр олиш учун мурид овлаб юрадиган фирибгар кимсалардир.

Лекин тарихда юртимизда ҳам бошқа мусулмон диёрларида бўлгани каби, тасаввуфнинг йирик пешволари бўлган. Хусусан Темур, Навоий, Бобур, Машраб каби Саркарда, шоир ва адибларимиз тасаввуф пирларига қўл берган кимсалардир. Улар тушунган тасаввуф албатта бугунги Пирлик Муршидлик иддао қиладиганлардан кўра анча кенгроқ бўлган. Тасаввуф ҳақида қисқача гапиришни асло иложи йўқ. Ҳақиқат аралашган ёлғонни моҳиятини очишлик учун бир бошидан анча нарса ёзишга тўғри келади. Бу мавзунини ҳақиқатига етишни истаганлар сабр қилиб ўқиб оладилар деган умиддаман.

Тасаввуф ғоялари тарихига қисқа бир назар; Ваҳдатул Вужуд Аллоҳу Таоло ўзи танлаган охирги Пайғамбари Муҳаммад А. С. га ваҳй нозил қилиш билан муқаддас динимиз Ислом ер юзида пайдо бўла бошлади. Бу ваҳй ўша пайтдаги энг саводсиз ва энг жоҳил одамларни ҳидоятига сабаб бўлди. Ўша одамлар саҳобалар деб, аталдилар. Ўша одамлар ҳақида Қуръонда

«Муҳожир ва ансорларнинг биринчи пешқадамлари ва уларга чиройли амаллар билан эргашган зотлар — Аллоҳ улардан рози бўлди ва улар ҳам Ундан рози бўлдилар. Яна (Аллоҳ) улар учун остидан дарёлар оқиб турадиган, улар абадий қоладиган жаннатларни тайёрлаб қўйди. Мана шу буюк бахтдир» Тавба сураси 100 оят. дейилган.

Бу ва бунга ўхшаган кўплаб оятлар бизга Саҳобаларнинг Аллоҳ ризосини олган ва аҳли жаннат Зотлар бўлганини исботлайди. Саҳоба –дегани мўмин ҳолда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан кўришиб, мўмин ҳолида ўлган кишидир. Уларни Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга ҳамсуҳбат бўлганлик, бирга жиҳод қилганлик, у зотдан шариатни қабул қилиб, ўзларидан кейингиларга етказганлиги билан умматнинг энг афзали, деб эътиқод қилиш вожиб бўлади. Ана шу саҳобалар даврида қуръон нозил бўлди.

Улар бу динга биринчи бўлиб амал қилган кишилар эдилар. Фазилатларида бир биридан устун эди. Лекин ҳаммаси умумла умматнинг афзали эдилар. Бу ерда тушуниш лозим бўлган асосий нарса, улар тасаввуфдан узоқ зотлар эканлигидир. Ва улар Аллоҳнинг раҳматиға, тасаввуфсиз ҳам эришган Зотлардир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тасаввуфни олиб келмаганиға, ана ўша саҳобалар ҳаёти яққол далилдир. Буни рад қилиш имконсиздир.

АСЛИДА МАНА ШУНИНГ ЎЗИ БИЗНИНГ ФИКРИМИЗНИ ИСБОТЛАШГА ЕТАРЛИ ЕТАРЛИ ЖИДДИЙ ДАЛИЛДИР.

Мажмуъул фатово асарида, Ибн Таймия айтади; «Билинги, илмлар ва ибодатларга тааллуқли бўлган аксари бидъатлар уммат ичида хулафои рошидийнларнинг охири давларида содир бўлди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам хабар берганларидек: «Мендан кейин яшаганларингиз тез орада кўп ихтилофларни кўради. Шунда сизлар менинг суннатимни ҳамда хулафои рошидийн ва маҳдийин (ҳидоят ва тўғри йўл устидаги халифалар) суннاتини маҳкам ушланглар» (Абу Довуд, Термизий ривоятлари). Бу бидъатлар иккинчи асрда пайдо бўлди, у даврда саҳобалар бор эди, улар бидъат аҳлиға қарши наҳий мункар қилдилар. Асри муфаззаладан сўнг иътизол бидъати пайдо бўлди, мусулмонлар орасида фитналар юз берди, фикрларнинг хилма-хиллиги, бидъат ва хошишҳавоға мойиллик кучайди, сўфийлик бидъати, қабрларға сағана қуриш бидъати вужудға келди. Шундай қилиб вақт ўтган сари бидъатлар кўпайиб, хилма-хил тус олди.» Иқтибос тугади. Хусусан Ислом диёрлари кенгайиб дин бошқа халқлар орасида ҳам тарқала бошлагач, ўша халқларнинг шуурини эгаллаган насоролик, бутпарастлик, оташпарастлик, қадимги юнон файласуфларининг фикрлари ва бошқа турли туман ботил ақидалар ва тушунчалар улар янги ўрганган Ислом ақидасиға ҳам таъсир қилди.

Кўп нарсаларни аралаштириб тушуниш бошланди. Ва Ўз ўзидан Соф Ислом Ақидасиға зид мафкуралар пайдо бўлди. Бидъатларнинг пайдо бўлиши жиҳатидан исломий диёрлар фарқли бўлган. 48 Ибн Таймия айтади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг асҳоблари яшаган ва улардан илм ва иймон тарқалган катта шаҳарлар бешта: икки ҳарам (Макка ва Мадина), икки ироқ (Куфа ва Басра) ва Шом. Қуръон, ҳадис, фикҳ, ибодат ва улар ортидан келувчи исломий ишлар барчаси шу диёрлардан чиққан. Асосий бидъатлар ҳам Мадинаи Набавиядан ташқари шу тўрт шаҳардан чиқди. Куфадан ташайюъ (шиалик) ва иржоъ (муржиалик) чиқди, кейин бошқа жойларға тарқалди. Басрадан қадар (қадарийлик), иътизол (муътазилалик), бузуқ носиклик-таркидунёлик чиқди, кейин бошқаларға тарқалди. Шомда носибийлик ва қадарийлик тарқалди. Бидъатларнинг энг ёмони бўлмиш тажаҳҳум (жаҳмиялик) Хуросон томонда пайдо бўлди. Бидъатларнинг пайдо бўлиши набавий диёрдан (Мадинадан) узоқлик микдорига қараб бўлди.

Усмон розияллоҳу анҳу ўлдирилгандан сўнг бўлиниш пайдо бўлгач, ҳарурия бидъати пайдо бўлди. Аммо Мадинаи Набавия гарчи унда бидъатни дилларида сақловчи кимсалар бўлган эса-да, бундай бидъатлар тарқалишидан саломат эди. Иқтибос тугади. Ўтмишдаги тасаввуф ривожланган даврнинг энг машҳур сўфилик ақидаси Ваҳдатул Вужуд эътиқодига асосланганди. Ва бу тушунча очиқ қуръон ва ҳадисдаги далиллар асосида рад қила оламиз. Лекин узоқ тарих давомида бу каби ботил тушунчалар ҳам яшаган. Ваҳдатул вужуд назариясини асосан Муҳйиддийн ибн Арабий ўзининг «Ал-футуҳоту ал-Маккия» ва «Фусусул ҳикам» номли китобларида баён қилган. Қисқача айтганда; Ваҳдатул Вужуд дегани ягона Мавжудлик деганидир. Яъни, уни фикрича бутун борлиқ ягона Худодан иборатдир. Осмонлар ва ер ундаги барча нарсалар Худонинг нуридан пайдо бўлгандир. Ва барча нарса яна ўша аслиға қайтади. (Қўшилади).

Демак, ердаги барча мавжудот хусусан инсонлар ҳам ўша нурдан яралганлар. Ва Худонинг бир парчасидир. Ва улар Унга қайтиб қўшиладилар. Худди қуёшдан чиққан нурлар қуёшга қайтса қуёш бўлгани каби, инсонлар ҳам аслида Худонинг бир заррасидир. Ва Ўз аслига қайтса, Худо бўлади. Ва ҳаказо... Навоийнинг тили билан айтганда Фано бўлиш дегани шудир. Фано бўлиб ўзлигидан йўқ бўлиш, Ҳаққа етишиш яъни, Худога қўшилиб кетишни англатади. Ваҳдатул вужуд назарияси соҳибларининг фикрича, бу дунёда Аллоҳдан бошқа вужуд бор, деб эътиқод қилган одам мушрик бўлади. Аммо, уларнинг назарида, «Бу дунёда Аллоҳдан бошқа вужуд йўқдир. Собиқ муфти Муҳаммад Содиқ ёзади; “Ваҳдатул вужуд назариясининг дунёдаги таъсири кенгайиб борди. Суфийлар, файласуфлар ва ёзувчию шоирларнинг тўқсон тўққиз фоизи бу назарияни ўзларининг мазҳаби қилиб олдилар.

Ўша вақтларнинг муҳаддислари, фақиҳлари ва катта уламолари бу назарияга қарши чиқдилар. Буларнинг ичида ҳофиз Ибн Ҳажар ал-Асқалоний, Аллома ас-Саховий, муфасссир Абу Ҳайён, Иззуддин ибн Абдуссалом, ҳофиз Абу Заръа, Мулло Али қори номи ила машҳур бўлган аллома Нуруддин Али ибн Султон Муҳаммад Ҳиравий, аллома Саъдуддин Тафтазоний ва бошқалар бор эдилар.” Буларга қўшимча қилиб айтиш мумкинки, ўрта асрлардаги Ислом оламидаги шу жумладан Мавороуннаҳр ва Хуросон диёридаги ўтган машҳур кишилар Фариуддин Аттор, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, ва ҳаказолар ҳам шу тушунчада бўлганлар.

Навоийнинг Лисонут Тойр асарида Шайхи Санъон қиссаси келтирилади. Қисса мазмуни шуки, Шайх майхоначи насоро динидаги кишининг қизига ошиқ бўлади. Муридлари ундан юз ўгиради. Ёнида ити қолади. Хуллас, қисса мазмунидан ўша шайх қизга ошиқ бўлгани тўғри бўлиб чиқади. Чунки, у қиз ҳам Аллоҳнинг нуридан яралган ва унда ўша нурнинг бир парчаси мавжуд бўлиб, Шайх унга ўша нурга ошиқ бўлган деган хулоса чиқарилади.

Шунингдек, Навоийнинг Лисонут Тойр асарида Симурғ қушини излаб сафарга чиққан 30 та қуш воқеъасини келтиради. Ўша қушлар Симурғга етишиш учун турли хил водийлардан ўтиб боришади. Бу рамзий маънодаги водийлар Навоий фикрича “Инсоннинг комил” бўлишига олиб келадиган йўлдир. Ва бу йўлдан юриб ўта олган кишилар шунақа мукаммал инсон бўлиши ва “Худога Қўшилиши” мумкин деган туб ғоя бор. Ўша Симурғ қушлар охири бориб қарашса у ерда Симурғ қуш йўқ ва ўзлари Си Мурғ яъни, 30 та қуш эканлар. Улар шунинг англашлари ва ўзлари ўша айтган Симурғ қуши эканликлари мазмуни “ўзлари худо” эканликларига далил қилинади. Жалолоддин Румийни форсча бир байтини мазмуни шундай.

Эй одамлар, сизлар оввора бўлиб Илоҳни излайсиз,
Билмайсизки, ахир чунким Илоҳий сиз, Илоҳий сиз.

Яъни, ўзингиз Илоҳсизку, нега оввора бўлиб Худони излайсиз?, дейди. Бу фикрлар Ваҳдатул Вужудга ёрқин мисолдир. Абдурахмон Жомий бир асарида, ўзини аксини сувда кўриб қолиб, ўзига ошиқ бўлган бир йигит қиссаси, келтирилади. Бу ерда ҳам туб мазмун моҳият, ўша Ваҳдатул Вужуд таълимотига асосланади. Ўша нарсаларга мисолларни шайх Абул Ҳасан Надавий раҳматуллоҳи алайҳининг имом Сарҳандийнинг ҳаётлари ҳақида ёзган китобларидан таржима ҳолида келтирамиз.

«Тилмисоний вужудий мазҳабни амалда татбиқ қилар эди. У барча ҳаром нарсаларни ҳалол ҳисобларди. У: «Мавжуд битта бўлганидан кейин, ҳалол билан ҳаромнинг орасини фарқлашнинг нима ҳождати бор», дер эди». Бир киши бошқа бировдан Ибн Арабийнинг «Фусусул ҳикам»ини ўқир эди. У ўз устозини Аллоҳнинг валий ва ориф бандаларидан деб билар эди. У китобни ўқиб туриб, унинг Қуръонга хилофлигини билиб қолди ва устозига: «Бу

гап Қуръонга хилоф-ку», деди. Шунда ҳалиги устози: «Қуръоннинг ҳаммаси ширқдир. Тавҳид бизнинг каломимизда, холос», деди. Бир киши ваҳдатул вужуд назариясига амал қилувчи шахс билан юриб бораётиб, сасиб ётган ўлик итни кўрди ва: «Бу ҳам Аллоҳнинг зотими», деди. Ваҳдатул вужудчи: «Ундан ташқарига чиқадиган нарса бормиди? Ҳа, ҳамма нарса Унинг зотидир!» деди. Ваҳдатул вужуд назарияси тарафдорига: «Агар вужуд битта бўлса, нима учун хотин ҳалол бўлиб, она ҳаром бўлган», дейилди. Шунда у саволга: «Бизнинг наздимизда ҳамма нарса битта. Аммо анави сўқирлар «ҳаром» дедилар ва биз сизларга «ҳаром» дедик», деб жавоб берди.

Шунингдек, улар Фиравни «Мен сизларни олий Худойингизман» деган сўзини, (Нозиёт сураси 24 оят) тўғри айтган ва у айна тавҳид аҳлидандир деб, эътиқод қилишади. Яъни, тавҳид улар наздида бутун борлиқни бирлигидир. Ваҳдатул вужуд тушунчаси шудир. Мана шу каби ақидага олиб келган ботил таълимот, ҳақли равишда Ислоҳ олимлари томонидан рад қилинди.

Ва «анал ҳаққ» Мен Ҳақман яъни Худоман дегани учун ва бу сўздан тавба қилмагани учун Мансур Ҳаллож каби машҳур сўфи шайхлари ўлим жазосига ҳукм қилинган. Сохта кароматлар Қуръони карим таълимотига қарасангиз Расулulloҳ САВ ҳаётларига назар солсангиз инсонга хос бўлган оддийликни кўрасиз. Пайғамбар АС ўзларини бошқалардан устун алоҳида хусусиятга эга бир зот демаганлар. Тасаввуф таълимотида Пирлар ва Авлиёларни «Мўъжиза»ларини ўқисангиз эртақлардаги қаҳрамонларни ҳам ордда қолдиришади. Аллоҳу Таъоло ўз расулига қуйидаги оятни нозил қилиб айтишга буюради;

«(Эй Муҳаммад, уларга) айтинг: «Ҳеч шак-шубҳа йўқки, мен ҳам сизлар каби бир одамдирман. Менга Тангрингиз ёлғиз Аллоҳнинг Ўзи экани ваҳий этилмоқда. Бас, ким Роббисига рўбарў бўлишидан умидвор бўлса, у ҳолда яхши амал қилсин ва Роббига бандалик қилишда бирон кимсани (унга) шерик қилмасин! (Каҳф 110).

Мазкур оят мазмуни дан ваҳй соҳиби бўлмиш Пайғамбар алайҳиссаломни, оддий бошқалар каби, одам эканликлари ўқтирилмоқда. Гарчи у киши томонидан мўъжизалар содир бўлсада, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Пирлар каби сувда юрадиган ҳавога учадиган кимса бўлмаганлар. Ва ҳеч қачон буни, иддао қилмаганлар.

Бу уммат эса етмиш уч гуруҳга бўлинади.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ушбу ҳадис ривоят қилинган:

«Яҳудийлар етмиш бир гуруҳга бўлиндилар – ва улардан биттасигина жаннатга киради. Улар – Мусо алайҳиссаломга издош бўлганлардир –, насоролар етмиш икки гуруҳга бўлиндилар – ва улардан бир гуруҳгина жаннатга киради. Улар – Ийсо алайҳиссалом издошларидир –, бу уммат эса етмиш уч гуруҳга бўлинади ва улардан биттасигина жаҳаннамдан нажот топган гуруҳдир» (Ибн Можжа 3992). Саҳобалар: «Ё Расулulloҳ, жаҳаннамдан қутулган тоифа кимлар?», – деб савол берганларида: «Жамоат» ёки бошқа бир ривоятда: «Мен ва саҳобаларим юрган йўлда юрганлар» – деб жавоб бердилар (Термизий 2641).

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматнинг етмиш уч фирқага бўлиниб кетиши ва ҳаммаси дўзахда бўлиб, фақат биттаси нажот топишини айтганларида саҳобалар бу қайси фирқа эканини сўрадилар. «Мен ва саҳобаларим юрган йўлда юрганлар» деб жавоб бердилар Саҳобалар эса тасаввуф йўлида бўлмаганликларини аниқ биламиз. Асҳоби киром даврида бунақа тариқатлар умуман бўлмаганлиги кундек равшандир. Демак, тасаввуф тариқатлари нафақат бугунги замонавий дунё талабидан, балки, шариат тарафидан ҳам талаб қилинмайдиган йўлдир.

Диндаги ҳар бир бидъат ҳаром ва залолатдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Янги пайдо қилинган ишлардан сақланинглар! Чунки (динда) янги пайдо қилинган ҳар бир нарса бидъат ва ҳар бидъат залолатдир». (Муслим ривояти).

Бир ривоятда: «Ким у тўғрида бизнинг амримиз бўлмаган бир ишни қилса, у рад этилади» деганлар (Муслим ривояти).

Мазкур икки ҳадис шунга далолат қиладики, динда пайдо қилинган ҳар бир янгилик бидъат, ҳар бир бидъат рад этилажак залолатдир. Бунинг маъноси шуки, ибодат ва эътиқодлардаги бидъатлар ҳаром қилинган.

Бироқ, ҳаромлик бидъатнинг навига қараб фарқли бўлади. Улардан очиқ куфр бўлганлари ҳам бор, қабрларни уларда ётганларга қурбат ҳосил қилиш мақсадида тавоф қилиш, уларга жонлиқ ва назрлар келтириш, қабрдагиларга дуо қилиш ва улардан мадад сўраш каби, ёки жаҳмия ва муътазилаларнинг ғулув кетганлари айтадиган сўзлар каби. Улардан ширкка восита бўладиганлари бор, қабрлар устига бино қуриш, улар олдида намоз ўқиш ва дуо қилиш каби.

Улардан эътиқодий фисқ бўлганлари бор, хавориж, қадария ва муржиъаларнинг шаръий далилларга зид сўз ва эътиқодларидаги бидъатлари каби. Улардан маъсият бўлганлари бор, тарки дунёчилик, рўзасини офтоб тўғрида туриб ўтказиш, жимоъ шаҳватини кесиш мақсадида ўзини бичиш каби.

Тасаввуфда икки хил қараш мавжуд Бири биз юқорида зикр қилган Ваҳдатул Вужуд асосидаги тушунча бўлса, иккинчиси нисбатан шариатга мувофиқлаштирилган туридир. Юртимизда бу каби тариқатлардан Кубравийя, Яссавийя, Нақшбандийя каби сулуклар пайдо бўлган. Сулук ўша сўфиларнинг руҳий илмини биридан бирига ўтишидир. Сўфи лар иддаосича сулуклари гўё, Пайғамбар алайҳиссаломдан бошланган. Сулук ёки Силсила деб, улар Пайғамбар алайҳиссаломдан то, занжир каби, бир бирига ўтиб келаётган, рухоний меросга айтилади.

Нажмиддин Кубро Кубравийя тариқати асосчиси ҳисобланади. Аҳмад Яссавий яссавийя тариқати асосчиси. Бухоролик Бҳоуддин Нақшбандий Нақшбандийя тариқатига асос солгандир.

Булардан Шайх Нажмиддини Кубронинг мўғуллар томонидан урушда шаҳид бўлганлиги тарихдан маълумдир. Уни ўзи ёзган асарлари бор йўқлиги маълум эмас. Аҳмад Яссавийга нисбат бериладиган Ҳикматлар деган шеърини тўплам бор. Аммо, мутахассислар уни тилини бизга жуда яқинлигига қараб, бу шеърлар минг йил олдин яшаган шайхга тегишли эмас деган фикрни илгари сурганлар. Бу китоб ҳали бугунгача сўфилар тарафида севиб ўқиладиган китобдир. Шеърларидаги тўғриқили йўқ олди қочди гапларни мазмуни умуман қуръон ва суннатга зиддир. Мен бу китобни шахсан ўқиганим учун бунини аниқ ва ишонч билан айта оламан. Шайх Нақшбандийга тегишли бирорта асар борлигини билмайман.

Аммо, унинг вафотидан сўнг сўфилар тарафидан ёзилган “Баҳоуддин Балогардон” китобини ўқиганман. Бу китоб ичи тўла сохта эртақлардан иборатдир. Унда шайхнинг ўлган одами тирилтиргани, сувда юргани, ўтда куймагани, ва ҳаказо... турли хил уйдирмалар келтирилади. Бу албатта бир жиддий китоб эмаслиги аниқ. Ўрта асрларда ўтмишдаги ваҳдатул вужуд тоифасига қарши ўлароқ бошқа турдаги тасаввуф жамоалари пайдо бўлган. Ва моҳиятан улар ўзларини Ибн Арабий ақидасига зид ўлароқ қуръон ва ҳадисга амал қилувчи сўфилар деб ҳисоблашган.

Буларнинг аввалгиларидан бири Имоми Ғаззолий Тусий бўлса, охири вакилларида Сўфи Оллоёни айтиш мумкин. Машраб билан бир вақтда яшасада, Сўфи Оллоёр ўз тариқатида унга қарши бўлган. Машраб сулуки Мансур Ҳаллож каби исёнкорлик ва тарки дунёлик руҳида бўлган. Сўфи Оллоёр ўзининг саботул ожизин китобида ўз тариқатини муфассал баён қилган. Бу кишини тасаввуфни тушуниши Ваҳдатул Вужуд тушунчасидан йироқ ва нисбатан суннатга яқин бўлган.

Имоми Ғаззолий тасаввуфда энг суннатга чқин турганлиги билан алоғида ажралиб туради. Аммо, унинг асарларида фалсафий тушунчалар тасаввуф билан аралашиб кетган. У бир оятни шарҳласа, унга тегишли турли хил фалсафий фикрларни ҳам келтиради. Аммо, аксарият ҳолларда уни китоблари саҳиҳ деб тан олинади. Бу жиҳатдан уни ислом файласуфи дейиш мумкин.

Баъзилар уни тасаввуф шайхи дейишади. Лекин, у ҳақиқатда жиддий олим бўлган ва турли хил бидъатчи хурофотчи сохта пир муршидлардан мутлақ ажралиб туради. Навоийнинг асарларида ваҳдатул вужуд таъсири сезилиб турса, Сўфи оллоёрда бунинг аксини кўрамиз. Сўфи Оллоёр тасаввуфни мутлақо шаръий ақида, асосида баён этган. Лекин жаҳрий зикр тушиш каби амалларни шаръий нуқтаи назардан исботлаш мумкин бўлмаган ишдир. Сўфиларда зикр тушишга доир, антиқа бидъатлар мавжуддир. Навоий учун тасаввуфдаги асосий ғоя комил инсон бўлиш ва Аллоҳни муҳаббатига эришиш ғоясидир.

Мана шу масалани у ўз давридаги тасаввуф тушунчалари билан аралаштириб, жуда чуқур ва тушуниш мажхул бўлган ва шариатга хилоф бир тушунчага айлантиради. Комил инсон бўлиш масаласи аслида шаръий нуқтаи назардан оддий ҳал қилинган.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир ҳадисларида “Одам болалари хато қилувчидирлар. Хато қилувчиларнинг яхшироғи тавба қилувчилардир” деганлар.

Яъни, умуман хато қилмайдиган инсон бўлмайди ва бўлиши мумкин ҳам эмас.

Мўмин киши махлуқотнинг яхшисидир. Бунга қуръони карим ояти далолат қилади.

Албатта, иймон келтирганлар ва солиҳ амалларни қилганлар, ана ўшалар, ҳалойиқнинг энг яхшилари дур.

Баййина сураси 7 оят.

Мана шу махлуқотнинг яхшиси бўлмиш мўминлар, фарз қилинган ибодатларини бажариб, ҳаромлардан сақланиб юрсалар мана шу камолотнинг чўққисидир. Шаръий нуқтаи назардан дунё ҳаётидаги инсоннинг чиқиши мумкин бўлган ахлоқий ва руҳий юксаклик мана шудир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олиб келган йўл мана шудир. Навоий тушунчасида инсон 7 та водийдан ўта олса камолотга эришади. Ризо водийси. Истиғно водийси. Ва ҳаказо. Навоий ўзининг замондошларидан икки кишини мана шу камолот чўққисига эришган киши сифатида зикр этади. Бу каби мезонларни шайъий жиҳатдан асоси йўқдир. Аллоҳга муҳаббат қилиш масаласи шариатда мана шундай ҳал қилинган.

«Агар Аллоҳга муҳаббат қилсангиз, бас, менга эргашинг. Аллоҳ сизга муҳаббат қилади ва сизларни гуноҳларингизни мағфират қилади», деб айт.

Оли Имрон сураси 31 оят.

Демак, Аллоҳга муҳаббат шарти Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашишдир. Суннатларга амал қилишликдир. Бу оддий ва тушунарли йўлдир. Тасаввуфчилар мана шу шаръий ўлчовларни ўзларига нисбатан кам ҳисоблашган. Ва улар Аллоҳга муҳаббат шарти жаннат учун, ёки дўзахдан нажот топиш учун эмас, фақат Аллоҳга муҳаббат қилгани учун ибодат қилишдир.

Баъзи сўфилар жаннат учун ибодат қилиш муҳаббатга зид деб тушунишган. Баъзилари мана бундай деб дуо қилардилар; Эй Аллоҳим! Агар жаннат истаб ибодат қилсам мени жаннатингдан мосиво қил! Агар дўзахдан нажот истаб ибодат қилсам мени дўзахинга туширгил! Агар фақат сени муҳаббатинг учун ибодат қилсам, унда Ўзинг биласанг мени қаерга юборишни” Бу каби сўфиёна муҳаббат шариатга зиддир. Аллоҳу Таъоло бизга қуръони каримда қандай деб дуо қилишимизни таълим берган.

Ва улардан баъзилари: «Роббимиз, бизга бу дунёда ҳам яхшилиқни, охирада ҳам яхшилиқни бергин ва бизни дўзах олови азобидан сақлагин», дейди.»

Бақара 201 оят.

Бу мавзуда жуда кўп нарсалар ёзиш мумкин. Соф ақидага ва суннатга зид иш ва амаллар сўфиларда етиб ортади. Мен шу билан кифояланишни маъқул кўрдим. Мен Роббимдан истагим мени ва зурриётимни, мана шунақа адашган тоифалардан қилмасин! Ва адашган бандаларини Ўзи ҳидоятласин! Барча оламлар Роббиси Аллоҳга ҳамд бўлсин!

Сўфи уккамизга шулар менинг жавобларимдир.

2012 йил октябр

34 Савол:

Аноранинг мактубига жавобан ёзилган мақола. Мен у аёлни мактубини имло хатоларини тузатмасдан, қандай бўлса, шундайлигича ёзганман. Чунки, у бировнинг мактуби эди. Мактуб бўларларга бўлиниб, жавоблар берилган.

Кириш

Бугун мен, Анора исмли бир ҳизбий синглизмининг, хатига жавоб беришга, ният қилдим. Аввало кириш сўзи ўрнида шуни маълум қилмоқчи эдимки, бизнинг ўзбек диндорлари орасида мана шунақа мунозара маданияти шаклланмагани учун ҳам турли тоифалар ўзларини фикрига қўшилмаган одамни, Кофир, мунофиқ, демократ, зиндиқ, илмоний, ва албатта МХХ айғоқчиси ва ҳаказо айблар билан айблашадилар. Ва бу барча тоифа вакилларига тегишли иллатдир. Мунозара майдониға ярамай қолгани эса, сохта номлар билан турли хил таҳдид хатлари ёзишади ёки ҳақоратлар қилишади.

Бир мутаассиб сўфидан шунақа ҳақоратли хатлар келганди менга. Бу бугунги ўзбек халқининг маданияти даражасининг аҳволи. Мен ўзимга нисбатан бугунги мавжуд мазҳаблардан бирортасини ушлаганман ва битта мазҳабнинг тарафдориман демайман. Бу мазҳабпарастларни ҳақорат қилиш дегани эмас асло. Ким ушласа ушласин. Бошқага ушлашни шарт қилиб қўймасин. Шу билан бирга мен мазҳаблардаги баъзи ҳукмларга амал ҳам қиламан ҳаётда. Шунингдек, мавжуд диний гуруҳларнинг бирортасига мансуб эмасман.

Сўфилар, Нурчилар, Жиходчилар, Ҳизбутлар, Акрамийлар, Таблиғчилар, ва бошқалар. Лекин динга муносабатда мен салафлар мавқеъсидаман. Бу мадҳалийя тоифасига мансуб салафийлардан эмас, балки мутлақо салафларга эргашувчи маъносидаги салафийликдир. Яна алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, мен демократмасман. Бунақа партияга ҳаётимда аъзо бўлмаганман. Ва демократияни Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам олиб келган йўл, демайман. Бу сўз куфрдир! Бу мен учун аниқ масала.

Лекин, мен демократияни ақида деб, билмайман. Бу кўпчиликнинг хоҳиши билан, ишлаш принципи халос. Мен буни амалда қўллашни айни муддао деб биламан. Ва бундан фойдаланишни эпласак, бугунги мусулмон халқларига кўп манфаатлар бўлган бўларди, деб ҳисоблайман. Валлоҳу аълам. Демократияга эмас, мусулмонларга манфаатлар бор! Мен шу манфаатларни мусулмонларга бўлишини истайман.

Мактубдан Иқтибос; Ассаламу алейкум! Мен хизбий эмасман, холис кузатувчи сифатида уз фикрими билдирмоқчидим. Мен сизни дин учун килаётган ҳаракатларизни ҳурматлаб, сизни диндор сифатида, жуда ҳурмат қилардим. Сиз ёзган бу мақолаларга қарши деса ҳам булади, уз раддиямни бермоқчи эдим.

Ваалакум Ассалом! Аввало Анора сизга катта раҳмат. Чунки, фақат сизгина бу масалада одоб доирасида ўз фикрларингизни билдиргансиз. Агар ҳизбларнинг ҳам мени мақолаларимга фикри бўлса уларни ҳам шу ерга чиқарардик. Улар ҳозирча жим туришибди. Албатта, нима қилишни ўзлари яхши биладилар. Энди сизни “сизни диндор сифатида жуда ҳурмат қилардим” деган сўзингизга келсак, демак энди ҳурмат қилмаслигингизни маълум қилибсиз. Жуда яхши

Ақидада сиз Аллоҳни, Расулини ва албатта ота онани яхши кўришга ҳурмат қилишга буюрилгансиз. Бошқани яхши кўришингиз ҳурмат қилишингиз талаб қилинмайди. Лекин ҳақорат ҳам қилманг. Шуниси муҳим.

Иқтибос; Мен Ўзбекистон ҳукумати динга нисбатан килаётган таъкиблари хақида ёки хизбийларни ишларига тўхталиб ўтмоқчимасман.»

Нега энди тўхталиб ўтмайсиз? Ахир муаммони асосийси шуларку?! Мени Ҳизбларга раддиям мана, шу масалалар хусусида бўлганку?! Сиз раддия беришни ният қилибсизу, асосий масалага тўхталмабсиз?!

Иқтибос; Хаттоинки Ўзбекистонда сиз хохлагандек адолатли демократик давлат бўлганда ҳам ,мен ва динни асл моҳиятини тушинган ҳар бир мусулмон, бунга рози бўлмайди деб биламан. Чунки инсон чиқарган ҳеч бир тузумда адолат йук!

Мана шу ерда батафсил тўхтаб ўтамиз. Мен “сиз хохлагандек адолатли демократик давлат” деган иборани тушунтириб беришингизни, истардим.

Чунки, “демократик давлат, адолатли давлат” бўлади деган иборани, мен қачон ва қаерда айтганман?! Бу сизнинг шахсий фикрингиз бўлса керак?! Аввало, шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, демократик давлатларда адолат йўқ деган фикр ҳам нотўғри. Умуман адолат сўзини кенг маънода тушунсангиз, бу ерларда қисман “адолат” бор. Бунга шубҳа қилманг. Лекин, адолатсизлик ҳам бор. Аммо, Халифат келса адолат юз фоиз бўлади деган, хом хаёлга ҳам бориб юрманг. Зулмга тўла тарихимиз бунга далилдир.

Аммо, бу билан Халифат деган давлат умуман керакмас деяпди деб ўйламанг. Мен Ҳизб вариантыни рад қилаяпман. Аммо, умуман барибир қачонлардир Ислом ер юзига ҳукмронлик қилишини ва адолатли Халифалар бўлишини ҳам ақидадан биламан. Бу бошқа масала. Биз бугунги реалликини устида гаплашаяпмиз.

Иқтибос; Ҳизб ут таҳрир йигитлари бу фикрлардан фаркли Аллох чиқарган ҳукм билан ҳукм қиладиган адолатли тузумни таклиф қилишаяпти. Бу тузумдан эса Аллох рози бўлади. Чунки бу ер Аллохникидир ва ҳукм қилишга ҳақли зот ягона Аллох Таолодир.»

Халифат қуриш ғояси Ҳизбут Таҳрирдан анча олдин Ихвонул Муслимин тарафидан ҳам кўтариб чиқилганини унутманг синглим. Шунингдек, бу ғоя глобал Жиходчи гуруҳларда ҳам борлигини сиз билмасангиз на чора?! Бу ғоя албатта Ҳизбутлардаям бор. Ва бошқа кичик гуруҳлардаям мавжуд. Аллоҳнинг рози бўладиган нарсаларга келсак, бу анча кенг мавзу. Бу масалада шахсга доир, ишлар бор. Ва умум мусулмонларга доир, ҳукмлар бор. Умуман олганда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳнинг китоби билан, ҳукм қилганлар. Ва демак, мана шу мўмин киши учун энг адолатли ҳукмдир. Акс ҳолда Расулulloҳ алайҳиссалом олиб келган йўлдан бошқа яхши йўл бор, деган, иддао келиб чиқади. Бу эса куфрдир.

Аллоҳга қасамки, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган йўл ҳақ йўлдир. Бундан бошқа, яхши йўл бўлиши мумкинмас. Ва бўлмайди ҳам! Бу ақидаимиздир. Лекин, бугунги кунда тарқоқ умматни ҳар гуруҳи ўз йўлини ҳақ деб турганда, ва ўзини мусулмонман деяётганлар, Ислом ҳукми билан яшаш мумкинмас деб, турганда, бу масалани кун тартибига чиқаришга на ҳожат?! Хусусан Ўзбекистонда халқ 80 % диндан мутлақо беҳабар бир пайтда уларга Халифат қуриш ҳақида гапириш қанчалик ўринли?! Мана шу жиҳатига ҳеч эътибор берганмисиз?!

Иқтибос; Сиз бугунги кундаги воқеликка реал караш билан баҳо бердингиз ваҳоланки Мусо алайҳиссаломга эргашган уммат, денгизни нариги тарафида уларга нажот борлигини билишмасди. Куръони каримда келган ўтмиш уммати воқелиги ақл эгалари учун ибратлилигини Аллох таоло бизга кўп маротаба такидлади. Шунинг учун Фиръавн узининг катл булишидан қўрқиб ўша пайит тугилган угил чакалоқларни улдиришга буюрди ,лекин Аллох Таолони ихтиёри билан ўша фарзанд уни хонадонидида катта бўлди. Бундан ортик хорлик борми?»

Бу гап сизни қуръонни қанчалик тушунишингизни кўрсатиб турибди. Мусо алайҳиссалом пайғамбар эдилар. Ва у кишига эргашган яҳудлар Фиравннинг қуллари эди. Улар пайғамбарига эргашмадилар. Ҳатто, Фиравндан мўъжиза юз бериб қутулиб қолганларидан сўнг ҳам, Фаластинга қарши ҳужумга буюрилганда, эргашмадилар. 40 йил хорликда қолиб, кейин ватанларига қайтганлар. Сиз келтирган мисол бу кунги Ҳизбларни ишларига далил бўла оладими?! Динимиз воқеълик динидир. Бунга кўп мисоллар бор. Таҳорат қилишга имкон бўлмаганда таяммум қилишлик ҳукми, нимага тушган?!

Қурол яроғи ва йўлга харажати бўлмаганларни ва кўр, чўлоқ ва касалларни жиҳодга чиқмаслигида хараж йўқ деган, оятлар нимага тушган?! Умуман қодирликга қараб у бу, ҳукм у бу шахсга, фарз бўлишини ёки, бўлмаслигини, билмайсизми?! Ҳаж ва закот нимага бойларгагина фарз қилинди?! Бугунги кундаги умматни турли гуруҳлари бор. Ҳар бири ўз йўлини тўғри деб, тушунтиради. Нимага сиз Халифат қурамиз деяётган, Ҳизбларни ҳақ дейсизу, худди шу даъводаги жиҳодчиларни гапирмайсиз! Агар халифат қуришлик иддао қилган гуруҳ тўғри бўлса, унда Хизбут Таҳрирдан бошқа ҳам, тўғри йўлдагилар борлигини нега айтмайсиз? Бўлиб ҳам, улар, хизбутга қарши бўлган гуруҳлардир! Ўз даъвоингизни қанчалик асосли эканини, инсоф билан бир ўйлаб кўринг!

Иқтибос; БИР ФИРЪАВИНГА БИР МУСО КИФОЯ КИЛАДИ! ИНШАЛЛОХ БУ УММАТ СИЗЛАР АЙТАЁТГАН ДЕМОКРАТИЯДА ЭМАС ХАЛИФАЛИК ДАВЛАТИДА ЎЗ АЗИЗЛИГИНИ ТОПАДИ!

Анора Яхши, топсин! Мен уммат ўз азизлигини топишига қаршимасман. Лекин, бу уммат шу каби гуруҳлар таъсирида, хали яна қанча минглаб қурбонлар беради?! Қанча минглаб аёлларни тул, болаларни етим қолдиради? Мана шуниси номаълум?! Сиз эса, масалани бу томонини ўйламаяпсиз?! Ўйлашни ҳам истамаяпсиз. Начора?!

Албатта Аллоҳнинг Ўзигина биз ихтилоф қилаётган нарсаларни ҳақиқатини билгувчидир!

2 декабр. 2012 йил.

35 Савол:

Ассалому алайкум вароҳматуллоҳи ва баракот. САВОЛ. Каримовга Қарши чиқишни ҳукми нима?! Баъзи Мисрда таълим олаётган ўзбек Талабалар Уни имонли одам ва Унга қарши чиқиш, ҳаромдир»! деб, фатво беришяпти.Шу тўғрими?! Шунини жавобини сайтингизга чиқарсангиз. Жамшид. АҚШ.

ЖАВОБ. Бисмиллоҳирроҳманирроҳим. Савол иккита экан. Ҳар бирини алоҳида ўрганамиз.

1. Савол. Уни «Имонли» эканлиги.
2. Савол. Унга қарши чиқиш.

Аввал биринчи саволни атрофлича ўрганиб чиқамиз.Аллоҳу Таъоло ҳақни ҳақ қилиб, ботилни ботил қилиб кўрсатсин! Омин! Мазкур масалада Уни мусулмон деб ҳисоблашларини ҳам, мен кўп одамлардан эшитиб келаяпман.

Бунга энди Ўзбекистон Диний Бошқармасининг уламолари, кирмайди.Улар уни энг олий махлуқ ҳисоблаб, ҳаққиға кеча кундуз дуо қилиб юришади. Уларнинг ўзларини ҳам, гапларини ҳам пашшанинг қанотича қадри йўқ. Шунинг учун уларни гапларига эътибор ҳам беришга арзимайди. Аммо, энди хорижда юриб, кўп одамларнинг шунга яқин гапларини ҳам эшитдим. Уларнинг нима эътирозлари борлигига тушунолмай юрардим. Энди шу савол билан менга АҚШда яшайдиган бир биродар мурожаат қилиб қолди. Шунда мен энди бу саволга жавоб тариқасида, шу мавзуда жиддийроқ бир нарсга ёзиш лозимлигини англаб етдим. Лекин баъзи илм аҳллари бу мавзуга киришишни хоҳламаяпдилар. Шунинг учун бу масалада ўзим билган ҳужжатлар асосида, ёзишга қарор қилдим.

Афсуски бу мавзу учун лозим бўлган кўплаб адабиётлар, ҳозир қўлимда мавжуд эмас. Аммо имкон доирасида бу масалани кўриб чиқамиз.

Аввало биз у кимсани Даҳрий коммунист бўлганлигига эътибор қаратайлик. Чунки бу маълум бўлган аслдир. Даҳрийлик ақидаси яратувчини инкор қилувчи ақида эканлигини ва у ақида эгаси, исломий имон мезонидан ташқарида, кофир бўлишига шак шубҳа йўқдир. Энди шу кофир кимсани имонга келиши учун лозим бўлган шартларга эътибор беринг.

1. Ашҳаду ан ла Илоҳа иллоллоҳу Ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва Расулуҳ! калимасини тили билан айтмоғи.
2. Ўша калимани мазмунига яъни Аллоҳу Таъолонинг яккаю ягоналигига ва Муҳаммад алайҳиссаломни У Зотнинг жўнатган ҳақ пайғамбари эканлигига қалбдан ишониш лозим.
3. Ўша калимани талаб қилган амалларни бажармоқлиги лозим.

Яъни, Ислоннинг беш арконини бажариши лозим. Бу учунчи шарт, Ҳанафий мазҳаб уламолар наздида, имоннинг шarti ҳисобланмаган. Агар биз ҳанафий мазҳаби шартларига асосланган ҳолда, кофирлиги аниқ бўлган кимсани «имонли» дейиш учун, уни аввал, шу калимани айтганини эшитган бўлишимиз керак. Бу нарсани шартлиги шундаки, аввалги ҳукми ўзгартириш учун, кейинги ҳукм шартлари топилган бўлиши керак. Гумон аввалги ҳукми бекор қилмайди. Бу машҳур фикрий қоида. Энди бу калимани фақат айтиб қўйишни ўзи имонли бўлишга, кифоя қилмайди. Чунки мунофиқлар бу калимани жаҳрий суратда айтишган ва намоз ўқиб, закот беришган ва Пайғамбар алайҳиссалом билан жуда кўп жиҳодларда, иштирок ҳам этишган, эдилар. Аммо уларни имонсиз кофир эканликларига, қатор оятлар нозил бўлди. Ўша калимани қалби тасдиқ қилиб, айтган бўлиши лозим эди.

Энди қалби исломни ҳақлигини тасдиқ қилиб лекин тили билан бу калимани жаҳрий суратда айтмаса, дилидаги тасдиқ ҳам фойда бермас экан. Пайғамбар алайҳиссаломнинг амакилари Абу Толиб мана шунга, мисол бўла олади. Чунки у киши «Эй Жияним сенинг дининг ҳақ! Лекин мен Абдулмутталибнинг динидаман» дея, вафот этган. Унинг кофир ҳолда кетганлигини Пайғамбар алайҳиссаломнинг ўзлари баён этдилар. Демак, қалб тасдиғи ва тил иқрори бирга бўлиши шартдир!

Энди мақсадга қайтсак, уни даҳрийлиги аввалдан маълум бўлган аниқ ҳукмдир. (Яъни, у даҳрийлар партияси каттаси бўлганди) Энди ўша Даҳрийнинг шу юқоридаги шартлар асосида имон келтирганига, ким шоҳид бўлган?! Уни «кофир» дейишдан қўрқаётган кимсалар, уни аввал «мусулмон» дейишга, қўрқишлари зарурроқ эди. Чунки, уни қандай имон келтирганини биров билмайди. Умуман имон келтирмаган бўлиши ҳам, мумкин. Кофирлиги аниқ бир кимса, то ошкора имон келтирмагунча, уни кофир деб, ҳисобланиши шарт. Шунингдек мўмин кишини ҳам то, кофирлиги аниқ бўлмагунча мўмин деб, ҳисоблаш керак.

Аммо мазкур шартлар мусулмонларни орасида туғилиб катта бўлган одамларга нисбатан шарт қилинмаган. Улар зоҳирига биноан мусулмон ҳисобланадилар. Яна, гап шундаки, кофир киши ўзича имон келтирса ёки, Худони борлигини тасдиқ қилиши билан имонли дея, ҳисобланиб қолмайди. Чунки Ислон динини Қуръони Карим ва саҳиҳ ҳадислар асосида бировни «имонли» ёки «кофир» дея, аталиши учун зарур бўлган муайян шартлар мажмуаси ҳозирги атамада айтсак, «шаблон» бор. Ислондаги бу «Шаблон» ҳозирги одамлар тасаввур қилган «имонлик одам» тушунчасидан мутлақо бошқа нарсадир. Бундай муайян «шаблон» бошқа дин вакилларида йўқ. Уларда битта, ҳамма учун баробар, «Стандарт» шаблон бор. «Кимки Худога ишонса бўлди, демак у «имонли» одам. Ислонда эса бунақа эмас.

«Кофир» сўзини ҳам аниқлаб олиш керак.

Бу сўз мазмуни «инкор қилувчи» деган, маънони англатади. Бунда «Худони инкор қилса кофир бўлади» деб, тушуниш бошқа дин вакилларининг «шаблонидир» Исломда эса Имон учун шарт деб, ҳисобланган нарсалардан бирини қабул қилмаслиги билан, кофир ҳисобланади. Имон учун шарт бўлган нарсалар эса, юқорида баён этилган, икки асос шартни ичидадир. Масалан. Ла илоҳа иллоллоҳу Муҳаммадан Расулуллоҳ дея, гувоҳлик бериш ўз ичига қуйидаги инкор ва тасдиқ каби, шартларни олади.

1. Яъни, Ибодатга лойиқ илоҳ йўқ, магар Аллоҳ яккаю ягона ибодатга лойиқ Илоҳдир. (Ибодатлар У Зотгагина қилинади. Дунёнинг ва охиратнинг Молики У Зотдир!)
2. Муҳаммад алайҳиссалом У Зотнинг ҳақ пайғамбаридир. Энди шу икки калимани замирида яна қуйидаги нарсаларга имон келтириш лозимлиги англашилади.

1. Муҳаммад алайҳиссалом нозил бўлган Қуръони Карим Аллоҳнинг каломидир.
2. Демак қуръон олиб келган барча хабарларни ҳам, тасдиқлаш лозим.

Мана энди буларнинг ҳар бирини замирида яна, қанчадан қанча имон учун зарур бўлган, шартлар бор. Мана шуларни тасдиқ қилиб, имон келтирган кофир одам куфрдан чиқиб, имонга киради. Исломий имон мезони шудир. Бу юқорида айтиб ўтганларимиз Имон шартлари эди. Энди имонли одамни имондан чиқариб куфрга қайтарувчи нарсаларни ўрганиб чиқамиз.

Куфрга қайтарувчи омиллар қуйидаги қисмларга ажралади.

1. Қалбий ёки фикрий.
2. Лафзий.
3. Амалий.

Қалбий омиллар энг асосийси бўлиб куфр аввал қалбда пайдо бўлади. Кейин тилга зоҳир бўлиб, кейин амалга кўчади. Агар қалбда зоҳир бўлмасаю, тилида ёки амалида куфр содир бўлса, киши кофирга ҳукм қилинмайди. Шунинг учун ҳам, аввалда мусулмонлиги билан зоҳир бўлган киши, бирор амалида ёки, сўзида куфр зоҳир бўлса, кофир дейилмайди. Қалбдаги нарсани кишининг сўзи ва амали зоҳир қилиши маълум нарса. Ўзбек халқини мусулмонлиги учун, ҳамма ўзбеклар мусулмон дея, ҳисоблайдиганлар кўп. Каримовни ўзбеклиги учун, мусулмон дейишади. Баъзилар эса уни «Яҳудий» деб чиқишди. Бу билан кофирлигини тасдиқламоқчи бўлдилар шекилли. Бу асли шарт эмас эди. Чунки киши этник миллати яҳуд бўлсада, мусулмон бўлиши мумкин. Ёки аксинча, ўзбек бўлсада, кофир бўлиши мумкин. Бўлиб ҳам аввалда даҳрий ақидаси билан танилган бўлса.

Кўпчилик уни «Аллоий Таоло»сўзини ишлатиб туриши билан, мусулмон деб биладилар. Золимлиги эса, куфрга ҳукм қилиш учун кифоя эмас, дейишади. Шунинг учун ҳам «баъзилар Каримовни куфрга ҳукм қилиш мумкинмас» дейишади. Булар ҳаммаси довдираган кимсаларнинг гумонларидир. Сарой уламолари эътиқоди шунга асосланган. Саудияда мадхалийлар ва Мисрдаги ўзбек талабалар ҳам, Азҳарда шундай таълим олиб, улар Хусни Муборакни мусулмон деб, билгани каби, ўша ерда ўқиган Марказий Осиёлик «уламолар» ҳозир Каримовни ёки Назарбоевни, Имомалини мусулмонлигига далиллар излашяпти. Араб диёрларидаги мустабидларни гарчи золимлиги аниқ бўлсада, кофир дейишдан тийиламиз. Сабаби, улар собиқ совет Республикаларидаги диктаторлар каби, аввал даҳрий бўлганликлари маълум эмас. Бугун уларнинг таърифидаги «Мўътадил Ислом Уламолари» ҳозирги Марказий Осиё ҳукуматларига зарур бўлиб қолгани, ҳеч кимга сир эмас. Бу аслида Исломга қилинаётган навбатдаги ҳийла, фирибгарликдан бошқа нарса эмас.

Исломда бунақа мўътадил ё радикал, каби айирмалар йўқ. Бу дин асли, асоси бирдир. Диннинг аҳкомлари ҳам, бир манбага асосланади. Куфр ва имон мавзусида ҳам, бошқача ечим бўлиши мумкинмас. Мўътадиллик ва радикаллик ўша аҳкомларни амалда жорий қилишдаги ҳикматда, намоён бўлади ҳалос. Энди эса, Каримовни қилган амали, сўзи, ёзган китобларидаги фикри, билан танишинг. Шунда булар асосида унинг имон даъвосини қилиши «ислом мезонига» қанчалик тўғри келиши, ёки келмаслиги, маълум бўлади. Кўпгина ислом уламоларининг Такфир бобидаги асарлари бор. Уларда муайян шахсни куфрга ҳукм қилиш учун лозим ҳисоблаган шартлар билан танишиб чиқамиз.

Аввалда мусулмонлиги маълум бўлган одамга нисбатан куфр исмини беришда талаб қилинадиган шартлар бор. Абдурахмон ибн Жавод «Шурутут такфир» китобида қуйидагиларни шарт қилган.

1. Ўша Одамни Оқил ва болиғ бўлиши. Яъни ақли жойида ва балоғатга етган бўлиши керак.
2. Ўзини қилаётган ишини ва гапираётган гапини Исломга зидлигини билиши лозим. Яъни билмай қилиб қўйишлик билан куфрга ҳукм қилинмайди.
3. Шу қилаётган ишини ўз ихтиёри билан қилиши шартлиги. Яъни биров мажбурлаб бир куфр ишини қилдирса куфрга ҳукм қилинмайди.
4. Ўша қилинган иш, ёки айтилаётган сўз, имондан чиқариши шубҳали бўлган амаллардан бўлмаслиги керак. Яъни, ақидада шундай масалалар борки, уларда ихтилоф бўлиши мумкин. Шунинг учун ақоиддаги қатъий далилга суянган, асос масалаларни юқоридаги шартлар асосида, яъни онгли равишда, билиб туриб, ўз ихтиёри билан қилса, ўша одамга куфр исми берилади.

Энди Каримовни шахсига келсак, шуниси аниқки у одам, ҳар замонда телевизордан гапириб қолганда «Аллоҳ» калимасини ишлатиб туради. Бу эса уни Аллоҳни борлигига имон келтирган деган, фикрга далил бўлади. Аммо Ислом динида Аллоҳни борлигини тан олишликни ўзи, имон учун кифоя қилмайди. Чунки Макка мушриклари Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам Пайғамбар бўлиб келганларида, Аллоҳни борлигига имон келтирадиган қавм эдилар. Бу ҳақда Аллоҳу Таъоло шундай хабар беради.

Айтинг...»Ким сизларга осмонлар ва ердан ризқлантиради?, Эшитадиган қулоқлар ва кўрадиган кўзларни Молики ким?, Ким ўликдан тирикни чиқаради?, Ва ким тирикдан, ўликни чиқаради? Ва ким ишларни тадаббур қилиб туради?! Бас, улар тезда «Аллоҳ» дейдилар. Айтинг «Бас қўрқмайсизларми?!

Юнус сураси 31 оят.

Бу оятдан маълум бўладикки, ўша пайтдаги мушриклар, Аллоҳни таниган ва У Зотни Яратувчи ва Оламни бошқариб турувчи Зотлигини, тан олишган. Аммо бу билан улар Ислом мезонидаги «Имонлик» одамлар жумласидан, ҳисобланмади. Худди шунингдек, ҳозир ҳам биров Худони борлигига ишониши, уни Ислом мезонидаги имонли мўъмин эканини билдирмайди. Энди юқоридаги шартлар асосида Каримовни қилган ишлари ва айтган сўзларини текшириб кўрамиз.

1. Каримов давлат тепасига келганда Ўзбекистон Рес.Компартиясини биринчи секратари эди. Яъни даҳрий эди. Шу пайтдаги СССРни қулаши уни ҳам Партиясини номини Ўзгартиришга олиб келди. Агар СССР парчаланмаганда нима бўларди? У СССР таркибидаги Республикани Компартиясини халқ Демократик Партияга айлантираолармиди?! Мажбурлаб куфр калимасини айтишлик билан одам кофир бўлиб қолмайди. Худди шунингдек ноилождан «имон келтириш»билан кофир мусулмон ҳам бўлмайди. Имон учун қалб тасдиғи шарт.

2. Ислон дини Инсон яшайдиган жамиятини тўла қамраб олган ва уларни дунёю охират муаммоларига Илоҳий ечим сифатида нозил бўлган диндир. Ислонни Ўзбек жамиятидаги ҳозирдаги тутган ўрни ва ҳаётдаги татбиқи Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам олиб келган сурат ва шаклда намоён эмас. Буни ҳар бир имону ислондан хабари бор одам яхши билади.

Аллоҳ берган имкониятдан фойдаланиб Ислондан хабари бор, холис инсонлар одамларни имону ислонга тарғиб қила бошладилар. Бу жараён мусулмон қалбида имони бор одамни, фақат хурсанд қилиши керак эди. Аммо воқеъа буни аксини кўрсатди. Каримов бошлиқ ҳукумат бутун кучи билан мусулмонларга қарши жанга отланди. Минглаб мусулмонлар ноҳақ қамоққа олиндилар. Қанча олимлар ному нишонсиз йўқ қилинди. Қанча одамлар юртларидан қочиб бутун дунёга сочилиб кетдилар. Бу билан у одам Ислон динига ва мусулмонларга нисбатан қалбидаги нафратини намоён қилди. Энди баъзилар унга қарши чиқиш мумкин эмас»деб,» фатво» беришяпди. Зулмига қарши чиқишликга қуръони Карим рухсат берган.

Сизга уруш қилаётганларга қарши Аллоҳнинг йўлида уруш қилинг. Ва тажовузкор бўлманг. Албатта, Аллоҳ тажовузкор бўлганларни хуш кўрмас.

Бақара сураси 190 оят

Ҳадиси шарифда Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васаллам айтадилар. Холиқга осий бўладиган ишда махлуққа итоат қилинмайди. Абу Довуд ва Термизий ривояти.

Бошқа бир ҳадисда «Жиҳоднинг афзали золим подшоҳ олдида ҳақ сўзни айтишдир» дейилади.

3. Шунингдек Каримов жуда кўп маротаба Халқаро минбарлардан туриб Жаҳон Ҳамжамиятига қарата «терроризмга ва экстремизмга қарши биргаликда кураш»олиб бориш шиорини кўтариб чиқди. Ва бу билан дунё мусулмонларига қарши Яҳуд (Исроил) Насроний (Ақш) Мушрик Даҳрий, Хитой каби давлатлар билан ҳамкорлик қилиб, мусулмонларга нисбатан қилинган зулмга ўз ҳиссасини қўшди. Аллоҳу Таоло бундай тажовузкор кофир қавмларни дўст тутувчиларни, имон келтирган эмаслигини, очиқ ойдин баён этиб қўйибди.

Агар Аллоҳга, Пайғамбарга ва унга нозил қилинган нарсага иймон келтирганларида эди, уларни, валий дўст тутмас эдилар.

Моида сураси 81 оят.

4. Ўз ички сиёсатида Ислом динини давлатдан ажратиб, Динни фақат тоат ибодатга чеклаб қўйди. Аслида Ислом фақат шундан иборат бўлган дин эмасдир. Шу билан бирга фақат намоз ўқигани учун ва соқол қўйгани учун, бошқа ҳеч айби бўлмасада, кўп мусулмонларни жазолади. Қамоқхонага ташлаб, уларга у ерда, яна ўз қонунига хилоф равишда, намоз ўқишни маън қилди. Ва муслима аёлларга Аллоҳ фарз қилиб қўйган ҳижоб ўрашни маън қилди. Бундай кимсаларни кимлигини Аллоҳу Таолони ўзи айтиб қўйибди.

Куфр келтирганлар ва оятларимизни ёлғонга чиқарганлар ана ўшалар дўзах эгаларидир!

Аъроф сураси 10 оят.

Бошқа бир оятда,

Куфр келтирганларга бу дунё ҳаёти зийнатланди ва улар иймон келтирганларни масхара қиладилар.

Бақара сураси 212 оят.

Таврот китоби яҳудийларга, ҳаётда дастурил амал сифатида, нозил қилинган китобдир. Унга амал қилмаганлари учун уларни Аллоҳу Таъоло кофир деб, баён қилди.

Биз Тавротни нозил қилдик. Унда ҳидоят ва нур бор. У билан У зотга таслим бўлган Пайғамбарлар, Аллоҳнинг китобини муҳофаза қилишга мукаллаф бўлган роббонийлар ва аҳборлар яҳудий бўлганларга ҳукм юритарлар. Улар бу китобга гувоҳ қилинганлар. Одамлардан қўрқманглар, Мендан қўрқинглар. Менинг оятларимни арзон баҳога сотманглар. Ким Аллоҳ нозил қилган нарса ила, ҳукм юритмаса, бас, ана ўшалар кофирлардир.

Моида сураси 44 оят.

Худди шунингдек Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга ҳам қуръон билан ҳукм қилиш буюрилди.

Биз сенга китобни ҳақ ила, ўзидан олдинги китобни тасдиқловчи ва унинг устидан назорат этувчи қилиб нозил қилдик. Бас, улар орасида Аллоҳ нозил этган нарса ила ҳукм юрит. Ўзинга келган ҳақни қўйиб, уларнинг хоҳишларига эргашма!

Моида сураси 48 оят

Қуръон ҳукмини ҳаётда жорий қилишни лозимлигини инкор қилиш ҳам куфрдир.

5. Мусулмонларга нисбатан Аллоҳни ҳукмини рад қилган ҳолда ўз ҳаволаридан чиқарган ҳукм асосида Ва аксар ҳолларда унга ҳам хилоф равишда, судсиз, терговсиз йўқ қилиш каби жазоларни қўллади. Аллоҳу Таъоло Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилиб айтади.

Албатта, Биз сенга китобни ҳақ ила одамлар орасида сенга Аллоҳ кўрсатганига ҳукм қилишинг учун туширдик.

Нисо сураси 105 оят

6. 2001 йилда Буш бошчилигидаги Иттифоқчилар Қўшини Ироққа ҳужум қилишда, Жаҳон Ҳамжамиятини фикрини сўраганда, ИАК Ўзбекистон номидан, урушга розилигини билдирди. Кофирлиги аниқ бўлган давлатни мусулмонлар устига қилган босқинчилик урушига рози бўлди. Шунингдек АҚШ бизга қўшни Афғонистон халқига қарши уруш бошлаганда, уларга Аэродромни фойдаланишга бериб қўйди. Бу билан ўзини куфрга мусулмонларга қарши қилинаётган фитнага розилигини билдирди. Андижонда шунча халқни қонини тўккач, АҚШ билан муносабати бузилгач, уларни яна ҳайдаб чиқарди. Энди эса, яна қайтиб бермоқчи бўлиб, музокара қилиб юрибди. Бу сиёсий иккиюзламачилик ва мунофиқликдир.

Аллоҳу Таоло айтади: Улар мўминларни қўйиб, кофирларни дўст тутадиганлардир. Уларнинг олдида иззат куч, қудрат излайдиларми? Албатта, иззат куч қудратнинг барчаси, Аллоҳнинг ҳузуридадир.

Нисо сураси 139 оят

Аллоҳу Таоло айтади: Ким бир мўминни қасддан ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннамдир. Унда абадий қолур. Унга Аллоҳнинг ғазаби ва лаънати ёғилур. Ва Аллоҳ унга улкан азобни тайёрлагандир.

Нисо сураси 93 оят

7. Юқоридаги далиллар уни қилган ишларидан Ислом динига мусулмонлар манфаатига қарши олиб борган сиёсатидан баъзилари эди, ҳалос. Бу амаллар эса шунини кўрсатадики у ва жуда кўп унга ўхшаганлар «Қуръон ҳукмлари ҳозирги ҳаётда қўлланишга ярамайди» деб ўйлашади. Каримовни ўзи ҳам минбардан туриб» улар бизни, ўрта асрдаги феодал тузимга қайтармоқчи» деган, эди. Аллоҳни китобини ёмон кўришлик эса куфрдир. Бу эса Қуръонни ҳукмини то қиёматгача амалда жорий бўлиши лозимлигини инкор қилишликдир. Қуръон билан ҳукм қилишни инкор қилиш куфрлигини Аллоҳу Таоло Ўз каломидан баён этган.

Йўқ, Роббингга қасамки, сени ўз ораларида чиққан келишмовчиликларга ҳакам қилмагунларича, кейин, чиқарган ҳукмингга дилларида танглик топмасдан, бутунлай таслим бўлмагунларича, зинҳор мўмин бўла олмаслар!

Нисо сураси 65 оят

Демак киши дин ҳукмига рози бўлмас экан мўмин бўлолмайди.

8. Ҳозирда дунё бўйлаб амалда бўлган Банкларни судхўрлик тизимини у ҳам ўзининг китобида тасдиқлаб ўтади. Бу эса, Аллоҳ ҳаром қилган нарсани ҳалол қилишдир.

У ўзи СССР даврининг иқтисодчиси бўлган учун, рибога асосланган тизимдан бошқани билмаслиги аниқ. Ўзбекистонда ҳам банк тизими рибохўрликга асосланган. Исломдаги ҳалол нарсани ҳаром қилиш ёки ҳаром нарсани ҳалол қилиши инсон зоти учун мумкинмасдир. Бу Аллоҳни ҳаққи бўлиб, буни ҳеч ким ҳеч қачон ўзгартиролмайди.

Аллоҳу Таоло айтади. Рибони ейдиганлар (қабрларидан) фақат шайтон уриб жинни бўлган кишидек довдираб турарлар. Бундай бўлиши уларнинг, тижорат ҳам рибога ўхшаш-да, деганлари учундир. Ва ҳолбуки, Аллоҳ тижоратни ҳалол, рибони ҳаром қилган.

Кимки Роббидан мавъиза келганда тўхтаса, аввал ўтгани ўзига ва унинг иши Аллоҳнинг ўзига ҳавола. Кимки яна (рибога) қайтса, ана ўшалар дўзах эгаларидир. Улар унда абадий қолурлар.

Бақара сураси 275 оят

9. Унинг минбардан туриб «Бизни Ота боболаримизни руҳлари қўллаиди» каби, сўзларини эшитганман. Шунингдек ўзлари тошдан ясаб олган ҳайкаллар олдида бош эгиб таъзим қилаётганини ҳам, телевизордан кўп кўрсатишган. Бу ақида ботил ва бекордир. Агар киши шу гапни билмай айтса, ёки қилса, аввал уни тавбага чақирилади. Агар шу эътиқоддан қайтмаса бу куфрдир. Бу каби гап урфга кириб қолган. Бу гапни омма орасида ҳам, кўп ишлатилади. Бундай одамлар аввалда ҳам бўлганлигини қуръони каримда хабари берилган.

Уларга: «Аллоҳ нозил қилган нарсага эргашингиз», дейилса, улар: «Йўк, биз оталаримизни нимада топсак, шунга эргашамиз», дейдилар. Оталари ҳеч нарсага ақли етмаган ва ҳидоят топмаган бўлсалар ҳам-а?!

Бақара сураси 170 оят

Мўмин киши қуръонга имон келтирган бўлса шуни билиши керакки, яккаю ягона Аллоҳдан ўзгадан, мадад сўралмайди.

Фақат сенгагина ибодат қиламиз ва фақат сендангина ёрдам сўраймиз.

Фотиҳа сураси 5 оят

Ҳеч нарсани ярата олмайдиган, ўзлари яратиладиган нарсаларни, ширк келтирадиларми?

Аъроф сураси 191 оят

Тошга бош эгиб, уни гўёки, боболар тимсоли деб, ундан ёрдам кутиш, ширкдир. Бу тошлар эса уларга ҳам, ўзларига ҳам, бирор ёрдам бера олмаслигини Аллоҳу Таъоло қуръонда баён этади.

Ва уларга ёрдам беришга қодир эмаслар, ҳамда ўзларига ҳам, ёрдам бера олмаслар.

Аъроф сураси 192 оят

Ширк эса, тириклигида тавба қилмай ўлса, Аллоҳ кечирмайдиган амалдир.

Албатта, Аллоҳ ўзига ширк келтирилишини кечирмас. Ундан бошқа гуноҳни, кимни хоҳласа, кечирур. Ким Аллоҳга ширк келтирса, шубҳасиз, катта гуноҳни тўқибдир.

Нисо сураси 48 оят

10. Унинг мусулмонларга қилган зулму зўравонлиги яъни, Золимлиги шак шубҳасиздир. Золиmlарга Аллоҳу Таъолонинг ўзи лаънат эълон қилди. Маълумки тавқи лаънат эгаси Аллоҳнинг раҳматидан маҳрум кимса, ҳисобланади.

Аллоҳу Таоло айтади. «Золиmlарга Аллоҳнинг лаънати бўлсин!

Аъроф сураси 44 оят

Бошқа оятда, «Албатта, Биз золиmlарни ҳалок қилурмиз. дейилган.

Иброҳим сураси 13 оят

Бу мавзуда жуда кўп, далил келтириш мумкин эди. Мен шу билан чекландим. Аслида ҳақни тан олишни истаган одамларга, ҳаётда етарлича далиллар топилади. Ақлий далил ҳам, шаръий далил ҳам, етарлидир. Лекин буларни барчасига кўз юмиб туриб оладиган одамларга эса, ҳеч қандай далилни ҳожати йўқ. Мен ундайларга Аллоҳу Таолонинг мана шу ояти билан, бу мавзуга яқун ясайман.

Зулм қилганларга мойил бўлманглр. Яна сизни дўзах олови тутмасин. Сиз учун Аллоҳдан ўзга дўстлар йўқ. Сўнгра ёрдам берилмайсизлар.

Ҳуд сураси 113 оят

2011 йил

36 Савол:

Демократияни исломга нима алоқаси бор? Мусулмон одам демократ бўлиши мумкинми? Менимча, мумкинмас. Мусулмон ё мусулмон бўлади, ё кофир. Бошқаси бўлмайди. Шундаймасми?!

Шу мавзудаги саволга жавобан «Ислом нимани талаб қилса, у халқ учун манфаатдир» деган мақолани ёзгандим.

Ҳозирги кунда бутун дунё мусулмон халқлари ва ҳукуматлари олдида, Демократик қадриятлар билан Ислом аҳкомлари бир бирига қанчалик зид ёки, мувофиқлик масаласи муҳокамада турибди. Янада очикроқ айтсак бу мавзудаги баҳс ва мунозаралар дунё сахнасидан социализм системаси бутунлай чиқиб кетганидан кейин, жиддийроқ авж олди. Чунки дунё халқлари олдида ҳар томонлама яхши ҳаётни таъминлайдиган тузим бу демократия деган, тушунча пайдо бўлди. Аммо бу масалада бошқа дин вакилларида фарқли ўлароқ, мусулмон халқлари орасида, жумладан Ўзбеклар орасида ҳам анча мунозаралар, қарама қарши фикрлар мавжуд. Бу каби фикрларни ўрганиш жараёнида уларни шартли равишда шундай гуруҳларга ажратиш мумкин.

1. Ислом динини демократия умуман алоқаси йўқ. Ва бу бир бирига мутлақо қарама қарши бўлган икки тузим деб билувчилар.

2. Демократия Ислом динига мувофиқ ва демократик тузимда яшашлик исломга мувофиқ деб ҳисоблагувчилар. Аввалги тоифага кирувчилар Ҳизбут таҳрир партияси вакиллари, ва салафийлик йўналиши вакиллари дир. Кейинги тоифага, исломга эътиқод қилувчи авом халқ вакилларининг, ҳаммаси киради. Шу икки тоифа орасида кўп йилдан бери, оилада, маҳаллада, баъзан давлат телевиденияларида ва турли доирасида ўзаро жанжаллар давом этмоқда. Давлат режими эса, шу фактдан усталлик билан фойдаланиб, ўзини репрессив сиёсатини оқламоқда. Диктаторни ўлиmidан кейин ҳам, бу икки тараф орасидаги адоват ва нафрат, тўхташига ишониш қийин.

Ҳали кейинги ҳукумат ҳам, бу масала билан, рўбарў келмаслигини иложи йўқ. Энди шу икки тараф вакиллари дан ҳам, Ўзбекистондан қочиб чет элларда яшаётганлар бор. Ва ҳозир булар орасида, ҳозирча фақат сўз билан бўлаётган курашга, гувоҳ бўлиб турибмиз. Хўш, аҳвол шу экан, бу адоватни олдини олиш учун, нима қилиш мумкин?! Нима қилганда ўзаро уруш жанжалларга барҳам бериб, тинч яшаш мумкин?!

Бу масала Ўзбекистон халқи ва мусулмонлари учун ҳам жуда муҳимдир. Ҳали бу масалада ҳаммани қониқтирадиган ечим топиб, яшаётган жамият йўқ.

Демократик тамоиллар ривожланган мусулмонлар яшайдиган давлатлар ҳам, ҳали бу мавзунини кун тартибидан чиқарган эмаслар. Бу масалада менинг позициям қандайлигини ва нима қилса, ўзаро адоватсиз яшайдиган жамият кура олиш мумкинлиги тўғрисида фикрларимни, айтмоқчи эдим.

Ва бу масалада ватандошларни, биродарларнинг мулоҳазаларини ҳам, билишни истардим. Шу савол сабаб бўлиб, бу мавзуга кенгроқ киришсак ва муҳокама қилсак.

Авалло шуни яхши тушуниш керакки, ҳозирги Демократик тузимлар бошқа тузимлардан ўзини афзал деб, кўз кўз қилаётган, инсонга тегишли ҳақ ҳуқуқлар, эркинликлар, Исломда борми йўқми, шунга эътиборни қаратсак. Агар динимиз бу каби ҳақ ҳуқуқларни, бизга берган бўлса, демак биз ўша демократ деб, номланган жамиятни ислом асосида кура оламиз. У ҳолда бунинг номини демократия дейсизми, ёки Исломийми? Бундан қатъий назар, бир нарсасари, интилаётган бўламиз. Агар шу муаммони ўзаро муҳокама қилиб, тўғри тушуна олсак, ўзаро адоватга ўрин ҳам, қолмасди. Демак, қиёслаб кўриб мулоҳаза қилсак, демократик жамиятлар бири иккинчисидан ўзаро фарқлансада, ҳаммасига хос бўлган шахсга тегишли асосий қадриятлар қуйидагилардир.

1. Сўз эркинлиги.
2. Эътиқод эркинлиги.
3. Мулкга эгалик ҳуқуқи.
4. Шахс эркинлиги.

Демократик Жамиятларга тегишли тамоиллар.

1. Давлат Конституция асосида бошқарилиши.
2. Давлатда фуқаролар ўзаро тенг ҳуқуқли бўлиши.
3. Ҳукумат раҳбари халқ томонидан сайланиши.
4. Ҳукумат шўро парламент асосида бошқарилиши.
5. Суд тизими мустақил бўлиши. Ва ҳаказо.

Энди шу қадриятларни Ислом динида бор йўқлигини ўрганиб чиқамиз.

1. Сўз эркинлиги масаласида Ислом дини мусулмонларга, мисли кўрилмаган эркинликларни 14 аср олдин берган. Бунга жуда кўп далиллар бордир. Ислом эътиқодича ҳар қандай одамни сўзи олиними ҳам ,рад қилиниши ҳам мумкин. Фақат Расулуллоҳ алайҳиссалом бундан мустаснодирлар. Бу дегани ҳар қандай одамни сўзини, фикрини қабул қилмаслигини мумкин. У одамни ким бўлишини фарқи йўқ. Шунингдек бир ҳадисда Пайғамбар алайҳиссалом "Жиходни афзали золим подшоҳ олдида айтилган ҳақ сўздир" деганлар . Бу масалада Исломда жуда кўп ҳужжатлар бор.

2. Эътиқод эркинлиги масаласида эса, қуйидаги оят бизга кифоя қилса керак?!

Сен:«Бу ҳақ Роббингиз томонидандир. Бас, ким хоҳласа, иймон келтирсин, ким хоҳласа, куфр келтирсин», деган.

Каҳф сураси 28 оят.

Шунингдек Ислом фақиҳлари Ислом ҳукми юриб турган даврларда, бошқа диндагиларга тегишли, алоҳида Қуръону ҳадисга асосланган қонунлар, фикҳий аҳкомлар мажмуасини ишлаб чиқишган. Чунки, Исломда зўрлаб динга киритишлик йўқдир.

Бошқа оятда айтилади. «Динга мажбур қилиш йўқ. Батаҳқиқ, ҳақ ботилдан ажради. Ким тоғутга куфр келтириб, Аллоҳга иймон келтирса, батаҳқиқ, узилмайдиган мустаҳкам тутқични ушлаган бўлур. Ва Аллоҳ эшитувчи, билувчи зотдир».

Бақара сураси 256 оят.

Ақида, иймон масаласи, инсон қалбига боғлиқ, жуда ҳам нозик масаладир. Бу нарсани мажбур этиб, куч билан сингдириб бўлмайди. Балки ҳар бир инсон баён қилинган нарсаларга тушуниб, иймон келтиргандагина мақсад ҳосил бўлади. Исломда ушбу қоидага қаттиқ риоя қилинади.

Аллоҳ таоло Ўзи «Динга мажбур қилиш йўқ. Батаҳқиқ, ҳақ ботилдан ажради», деб қўйган. Яъни, Аллоҳ Таоло Ўз Пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломга Қуръони Каримни тушириб, Исломни жорий қилгандан сўнг, тўғри йўл нотўғрисида, ҳақ ботилдан ажради. Ҳамма нарса ўз ўрнини топди. Шундай бўлгандан кейин «Динга мажбур қилиш йўқ». Ҳар кимга Аллоҳ ақл берган, ўзига керак йўлни танлаб олсин.

3. Мулкга эгалик мавзуси жуда кенг бўлиб, бу тўғрида қисқача тўхталиб ўтамиз. Мулк яъни, Осмонлар ва ердаги барча нарса, динимиз таълимотида ягона Аллоҳгагина тегишлидир. Шу матолардан инсонларга шахсий мулк сифатида, эгалик қилишга рухсат берилган. Мулк солиғи сифатида, закот фарз қилинган ҳалос. Аммо ўрмонлар, сув дарёлар, олов,(нефть газ,) каби нарсалар умумий бойлик ҳисобланади Бировнинг шахсий мулки бўлиши мумкин эмас . Воқеъа сураси 63дан 73гача бўлган оятлар шунга далолат қилади. Аммо ҳаром қилинган нарсалар савдоси ва рибоъ мусулмонларга манъ қилинган. Лекин бошқа дин вакилларига ман қилинмаган.

Бурҳониддин Марғилонийни "Ҳидоя" асарида насоролар боқаётган чўқалардан закот олинмаслигини айтиб ўтган.

4. Шахсий эркинликлар масаласига келсак. Улар асосан қуйидагилардан иборат. Яъни, ҳар бир шахс ўзича эркин. Унинг ҳаёти дахлсиздир. Касал бўлса даволаниши, истаса илм олиши мумкин. Илм ҳатто фарз қилингандир. Шахсий ҳуқуқлари барчаси бор. Ва у аёл бўлса ўзи хоҳлаган кишига, эрга чиқиши, ёки эркак бўлса уйланиши мумкин.

(Бу ерда демократик жамиятлар эркак билан эркакни, ёки аёл билан аёлни, ўзаро никоҳини ҳам қонуний деб ҳисоблашарди. Ислом дини эса инсониятни табиатига, фитратига мос бўлган йўлни, инсониятни наслини, миллатини, ор номусини сақлашни талаб қилиб, буларни манъ қилади),

Шунингдек ҳар бир шахс миллати, ижтимоий мавқеъидан ташқари, Исломда ўзаро тенг ҳуқуқлидир. Айнан Ислом дини келганида, олий табақа билан қулликдан озод бўлган одамлар, ўзаро тенг ҳуқуқли биродар бўлдилар. У пайтларда ва то 18 асргача бўлган вақт мобайнида, дунёнинг барча мусулмон бўлмаган халқларида, оддий халқ вакили, зодагонлар билан тенг бўлмаган эди. Хуллас бу шахсий эркинликлар номини демократия дейиладими, ёки бошқами, Ислом динида мавжуд бўлган қадриятлардир. Аммо буларга тарихлар давомида доим амал қилинми йўқми, буниси энди бошқа масала?!.

Демократик Жамиятларга тегишли тамойилларни Исломдаги мавқеини ўрганиб чиқамиз.

1. Давлат Конституция асосида бошқарилиши. Яъни бу асос қонунни жорий қилинишидан кўзланган мақсад, жамиятда қонун устуворлигини, адолатни таъминлашлиқдир. Бошқа барча қонунлар, мана шу асос қонунга зид бўлмаслиги, шарт қилинади. Бундан мақсад ҳеч ким қонундан устун бўлмаслиги ва барча баробар масъул ва ҳақ ҳуқуқлари кафолатланган бўлишидир. Энди хоҳлаймизми йўқми, Қуръон карим нозил бўлганидан буён, ўтган 14 аср ичида, айнан шу вазифани бажариб келган. Яъни ислом жамиятида ҳеч ким, ўзини қонунлардан Шариат ҳукмидан, устун қўя олмайди. Қонун эса қуръондир. Пайғамбар алайҳиссалом ҳам қуръонга бўйсунганлар. Барча Ислом ҳукумати раҳбарлари, қуръонга бўйсунганлар. Қуръондан устун, бирор кимса бўлмаган.

Чунки Қуръон, бу Аллоҳу Таолонинг сўзидир. Унинг ҳукмини бузишга, ўзгартиришга, ҳеч кимнинг ҳаққи йўқдир. Энди бугунги давлатчилик шаклларида, унинг мисли сифатида конституция қабул қилиниб, шу асосда яшарди. Бу эса Ислом оламига ғарбдан (албатта кўп қон тўкишлар эвазига) келган нарсалар. Уни ҳозирги даврдаги мавқеъи, унга қанчалик амал қилиниши, булар алоҳида мавзудир.

2. Демократик давлатларда фуқароларни ҳақ ҳуқуқлари конституция асосида кафолатланган бўлса, ўзаро миллатлар ва халқларни тенглиги таъминланган бўлса, айна вазифани ислом жамиятида Қуръон бажарган. Яъни Инсонларни ўзаро тенглигини, ўзлари келишиб олиб эмас, балки уларни яратган Зот, Аллоҳ томонидан кафолатланиб қўйилган. Чунки, инсонларнинг яратилиши, бир Ота ва онадан эканлигини, қуръон хабарини берган. Ва бу билан ўзаро миллий ва қавмий низоларга, барҳам берган. Қуръони каримни тан олган ҳар бир мусулмон киши, ер юзидаги одамларни бир ота онадан тарқалган, ўзаро қариндош эканига имон келтиради. Бошқа одамни худди ўзи каби, эканини тан олишлик, уни ҳақ ҳуқуқини тан олишлиқдир. Бу нарсалар исломнинг, олий шиоридир. Бу мавзуда жуда кўп далил келтириш мумкин.

3. Давлат бошлиғи халқ томонидан сайланишига келсак, сайлов принциплари, Исломда ўн тўрт аср илгари бошланганини, кўпчилик яхши билишмайди. Умар ибн Хаттоб Ўзининг Шўро аҳлидан бўлган олти кишини номзодини кўрсатиб, шулардан биттасини, Халифа қилиб сайлашлиқни, умматга топшириб, вафот этганлар. Давлат отадан болага қоладиган, шахсий мулк эмаслигини ва давлатни халқ сайлаган одамлар бошқариши лозимлигини, бугунги аксар давлатлар ҳалиям тушунолмаётган нарсани, мусулмонлар анча илгари тушунишган эди, Афсус, узоқ тарих давомида, аксар Ислом диёрларида, бунга амал қилинмади. Бу энди бошқа мавзу.

4. Ҳозирги «парламент» ибораси, ёки қонунчилик олий органини, Исломдаги мисли, ўхшаши «Шўро» деб, аталган. Яъни, давлатни яқка шахс, ўзи истаганча бошқармаган. Шўро билан бамаслаҳат бошқариш шакли, бугунги кунда парламент шаклида намоён бўлди. Аммо исломдаги Шўронинг ҳозирги парламентлардан фарқи, қонунларни ўзлари чиқарган эмас, балки қонунларни ижросини назорат қилишдан иборат бўлган. Шунингдек ижроия органлари кўп жиҳатдан мустақил бўлиб, ҳамма нарса, тепадан бошқарилмаган. Бундай жамият ҳозирги энг ривожланган демократик давлатларни ҳам, кўпчилигида йўқ.

5. Суд тизими ва унинг мустақиллиги масаласи дунё ҳамжамияти бугунги кунга келиб, бош қотираётган масала бўлса, Исломда бу масала ҳам, ўша даврдан бери жорий бўлиб келган нарсадир. Қозилар ҳокимларни ҳам маҳкамага тортиб, суд қилишгани ҳақида, қатор саҳиҳ ривоятлар бор. Тарих буни тасдиқлайди. Халифа бўлиб турганида ҳазрат Алини, яҳудий билан жанжаллашиб, қозига арз қилганида, Қози уни судга чақирган ва шу масалада, яҳудий фойдасига ҳукм чиқаргани, Ислом жамиятидаги суд тизими қанчалик адолатли ва мустақил бўлганлигини кўрсатади. Бу каби далиллар ўнлаб, балки юзлаб топилсада, биз бугунги кунда ўзаро жанжаллашиб турган демократик ёки, Исломий жамият мавзуси, аслида одамларнинг, бири иккинчисини тушунолмаётгани туфайлидир ҳалос.

Агар биз Эркин ҳур жамият қурайлик десак, унда битта мақсад сари интилаётган эканмиз. Уни номини баъзилар «демократик» десалар, бизлар «Исломий» деб, атаяпмиз. Агар демократия адолат, эркинлик, тенглик бўлса, демак ўша нарсалар айна Исломни талабидир. Ёки, Ислом нимани талаб қилса у халқ учун манфаатдир. Нимадан қайтарса, ўша халқ учун зарардир. Агар шу мавзуда ўзаро бир биримизни тушуна олсак, бу фақат ўзимизгагина фойда бўларди. Ўзаро адоватни четга суриб, бир мақсад сари бирлашиб, ҳаракат қилардик. Энди демократия шиорини кўтариб олиб, бутун Ислом оламини, талон тарож қилиб юрган давлатлар, ёки ҳар хил йўллар билан бўлсада, бир миллатни ёки, бир гуруҳнигина манфаатини кўзлаб, иш қилаётган зўравонлар ҳам, ўзларини «демократман» деб, иддао қилишлари, бу бутунлай бошқа мавзудир.

Уларни демократик тамоилларга қанчалик амал қилаётганини, тадқиқ қилишлик, бу мақоланинг вазифасига кирмайди. Аллоҳу Таоло бу умматга нусрат ва нажот беришини дуо қилиб, сўзимизни охири Бутун Оламлар Парвардигори Аллоҳга, ҳамду санолар бўлсин дейман.

Саҳвий

19.08. 09.

37 Савол:

Мактубга жавобим

Ислом ҳақ дин

Бир йигит менга фаесбок орқали чиқиб баъзи саволларни берди. Пала партиш тушунтиришича, уни Ислом динини ҳақлигига шубҳаси бор экан. Ўзини мусулмон эканига ҳам, ўзи ишонмай қолаётган экан. У ўлим келиб қолишидан аввал, ўзини ўнглаб олишни истар экан. Аммо, тўғри йўлни тополмай ҳайрон экан. Унинг саволларини биринчиси қуйидагичадир;

1.nega u yoki bu shahs bir dinga mansub boladi,shunaqa tugilganigami yoki shi din hammasidan ustun boganigami ,haq boganigami nima asosda. bir dinsiz dindor bomoqchi qo tacha kotta dinlar yonida turibdi qaysi birini nima asosda tanlidi

Менинг жавобларим шундайдир.

Имон тақлидий бўлиши мумкин. Кейин инсон онгли суратда қабул қилган бўлиши мумкин. Ҳар иккаласи ҳам, мақбул ҳисобланади. Тақлидий имонга мисол шуки, кимнидир ота онаси ёки, бирор шахсни ўзи мансуб бўлган халқ, мусулмон бўлса, уларга эргашиб у киши ўзини мусулмон санаса, асосан шу кабилар тақлидий имон келтирган ҳисобланади. Бундайлар бугунги Ўзбекистон аҳолисини деярли ҳаммаси десак ҳам, бўлаверади.

Энди, кимки илм ўрганиб ўз имон эътиқодини ўзи илмий мантиқий жиҳатдан тасдиқлай олса бу одам илмий ёки ақлий имон келтирган бўлади. Баъзилар, кейингиси имон учун шарт деган иддаони қилишган. Лекин ислом оламини салафу халаф олимлари, тақлидий имонни ҳам дурустлигига иттифоқ қилишган. Энди бир динсиз, дин танламоқчи бўлса, албатта ақлга ва қалбига, қулоқ тутади. Ақли тан олиб қалби таскин топмаган нарсани, инсон қабул қилмаслиги мумкин. Аммо, Ақл ва қалб асосий омил ҳисобланмайди.

Аллоҳнинг тавфиқи, ҳидоят асосидир. Яъни Аллоҳ бир бандасини, шу Ўзи рози бўлган Ислом динига йўллаб қўймаса, демак фақат ақли борлигини, ўзи кифоя қилмайди. Ақлни ўзи кифоя қилмаслигига, кўп ақлий далиллар бор.

Атеистлар, Буддистлар, Яҳудийлар ва Христианлар ичида кўп ақлли, турли соҳаларда профессорлар бор. Улар аҳмоқ одамлар эмас. Ақли билан танлаб кирган, ўша динига. Лекин ақл уларни бирини Худосиз, бирини Худони учта деб, билувчи, бошқасини бутга сиғинувчи бўлишига олиб келган. Улар фақат ақлни ўзи билан, тўғри йўлни топа олмадилар. Ва ҳаказо. Хуллас, ўзбекистонда туғилган ўзбекнинг фарзанди, ақл билан Аллоҳни танимаган бўлсада, ҳатто шаҳодат калимасини кимнидир олдида бориб, гувоҳлар ҳузурида ошкора айтмаган бўлсада, урф бўйича мусулмонлар орасида туғилиб яшаётган бўлса, ва ўзини мусулмон ҳисобласа, уни мусулмон деб, таниймиз. Ва ундан алоҳида имон келтириш талаб қилинмайди.

2. adolat bormi bu dunyoda.

Адолат борлиги масаласи бу дунёда нисбийдир. Адолат бу дунёда икки хил кўринишда намоён бўлади. Умумий суратда Илоҳий адолат бор. Бу инсонларга боғлиқ бўлмаган воқеъа ҳодисаларга тегишлидир. Яна инсонлар орасидаги муомалаларда адолат меъёри бор. Бу меъёр, нисбатан ихтилофлидир. Баъзилар наздида адолат, бошқалар наздида адолат эмасдек туюлади. Лекин, умуминсоний адолат тушунчалари ҳам бор. Айни ўша, инсонлар аро муносабатларда, адолат қилишлик инсонларни ўз ихтиёридаги ишдир. Бу ишларга инсонлар ўзлари жавобгардир. Албатта, бу муносабатлардаги адолат, ер юзида тўла мавжуд эмас. Буни ҳамма кўриб билиб турибди. Менимча сиз ҳам буни билсангиз керак.

3. nega islomda etilgan kop oyat va suralar togrri kemayapti bismilloga qaytamis,man taqvodor bolib yurgan yillari hayorimdagi eng iflos yillar boldi,hor zor boldim,,namozni tashagach esa ish topdim,sal ishlar yurishdi ,ichishgayam majbur boldim,bir qarang

Яъни бу ерда сиз Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ номи билан, деган калимадаги Аллоҳнинг исми сифатларига Меҳрибон ва Раҳмли Зот эканига, ишонмаётган экансиз. Сабаби эса, тақводор пайтингиз хор зор бўлибсиз, намозни ташлагач, иш топибсиз. Бу ўлчов жуда соддалик деган, бўлар эдим.

Аллоҳ бизга Ўзининг Исм ва сифатларини қуръон орқали танитди. Улардан бири Раҳмон яъни, Меҳрибон Зот эканлигидир. Бу сифати оламдаги барча махлуқотга яхшилик қилувчи Зот деганидир. Яъни мўмину кофир барча инсонга ва ҳайвоноту наботот хуллас, бошқа барча махлуқотларга яхшилик қилувчи деганидир. Бу улуғ сифати туфайлидан бу олам мавжуддир. Ва унда ҳаёъ намоёндр. Шу сифат туфайлидан сиз дунёда мавжудсиз ва инсон бўлиб яралгансиз. Шу сифати туфайлидан сиз кўр, кар, соқов, шал, чўлоқ, мажруҳ эмас соғлом, ақлли ҳушли, инсонсиз.

Шу сифатидан сизга насиба етмаганда, сиз менга бу саволларни бермаган ва умуман беролмаган бўлардингиз. Бу сифатидан насибадор бўлмаган махлуқотни, ўзи йўқ. Раҳим сифати эса раҳм қилувчи ёки раҳмат қилувчи деганидир. Бу сифатидан насиба олиш, фақат Ўзи рози бўлган мўминларгагина насиб этажак. Аллоҳнинг раҳматидан кофирларга насиба йўқдир. Энди сиз ишсиз қолсангиз бу дегани, Аллоҳнинг Меҳрибон эмас, деганимас.

Сиз ҳаётда учраган турли хил синовларни, сабр билан ўтаб боришга буюрилгандингиз. Сиз тақводор бўлсам, ишларим юришиб пулим кўпайиб кетади деб, ўйлаган бўлсангиз аввал бошдаёқ, хато қилибсиз. Намоз ўқиган учун, бу дунёда мукофот ваъда қилинмаган. Ўқимаганлар ҳам юришибди бемалол. Намоз учун мукофот ёки, жазо охиратда бўлади. Агар охиратга ишонсангиз.

Дунёдаги ҳар хил оғирлик машаққатлар уч турда бўлиши мумкин.

1. Имон учун синов. 2. Умумий келган бало. 3. Қилган айбу жиноятга жазо.

Сиз ишсиз қолган учун тақводор бўлганингизни эмас, балки тепангизда ўтирган Золим режимни айбдор санасангиз анча тўғри бўларди. Чунки, халқни оч яланғоч ва ишсиз пулсиз қолишига иқтидордаги ҳукумат жавобгардир. Нимага сиз бу ҳақида ўйламадингиз? Тақводор бўлганим учун қийналиб кетдим, демак бу дин тўғримас экан, деган фикрга бориб қолдингиз. Пулингиз кўпайиб кетса, дин тўғрию, камайиб қолса хато бўладими?!

Сизни динга кириб, тақводор бўлганингизга менинг шубҳам бор.

Сиз менга савол бериб, астойдил жавоб сўраган учун, буларни ёздим. Аслида, бу каби саволларни жойи, кимдир ўтириб, вақт ажратиб жавоб берадиган савиядан, анча пастдадир. Мен сиз каби фикрловчиларга ҳам, бир насиҳат бўлсин деб, умид қилдим. Тўғри бўлса жавобим Аллоҳдан, хатолари бўлса мендандир. Аллоҳ сизни ва ҳаммамизни ҳам, ҳидоятга бошласин.

2012 03 09

38 Савол:

Кавний ва шаръий ирода, нима дегани?

Бир биродар Кавний ва шаръий ирода ҳақида савол берди. Бу саволга қисқача жавоб тариқасида шу мақолани ёзгандим.

Аллоҳнинг иродаси бизга зоҳир бўлиши жиҳатидан Кавний ирода ва шаръий ирода деб, икки қисмга ажратилади. Кавний ирода қуйидагиларда намоён бўлади.

Биз кўриб турган Ой. Қуёш, юлдузлар ва ер ва ундаги ҳайвонот, дарахтлар ва инсону жинлар ва фаришталар барчаси яратилишида ва шу ўзига хос хилқатида кавний иродага бўйсундилар. Кавний иродада махлуқотда ихтиёр йўқ. Инсон кўзи билан кўриб, бурни билан нафас олиши кавний иродадандир. Буни ўзгартириш имкони йўқ. Балиқлар сувда яшаши ва қушлар ҳавода учиши кавний иродадандир. Аксинча бўлмайди. Яратилишдаги ирода ўзгармасдир. Бунда махлуқотда ихтиёр йўқ. Ихтиёримиз билан яралмадик ва ихтиёримиз билан кетмаймиз. Аъзоларнинг ишлаш жараёни кавний иродадандир. Улар ўша аъзолар соҳибига бўйсунмайди. Қўл оёқ, жигар, буйрак ва ҳаказолар ўз вазифаларини бажаришда ўша аъзолар эгасига бўйсунмайди. Булар кавний иродадандир. Бунда ихтиёр йўқ.

Шу жиҳатдан ҳам хилқатдаги барча нарсалар дахлсиздир. У бу кимни хилқатидаги камчилик учун масхаралаш ҳаромдир. Чунки, бу ўша кимсанинг ихтиёридан ташқаридадир. Аллоҳнинг иродасидандир. Ориқлик ва семизлик ёки, узун ва қалталиқ ва ҳаказолар ҳам, шунга киради.

Шаръий ирода эса, шариат ҳукмларида намоён бўлган.

Аллоҳ инсону жинни синов учун яратди. Синов шарт қилиб ихтиёрни берди. Пайғамбарлар юбориб, улар орқалиқ инсу жинга ўз олий иродасини маълум қилди. Уларни Ўзигагина ибодат қилиб, Унга ҳеч нарсани шерик қилмасликка буюрди. Намоз ўқишга ва рўза тутишга ва қодир бўлганларга закот бериб ҳажга боришга буюрди. Никоҳ орқалиқ яқинлашишга ва яна қатор шаръий фарзларни билдирди. Буларни қилиш ёки қилмасликда уларга ихтиёр берди. Инсонлар истасалар Аллоҳни Ўзигагина ибодат қилиб, тавҳид аҳли бўлишади. Ва бошқа амалларни бажариб, уларга ваъда қилинган мукофотларга эришадилар.

Истасалар тошга, молга, дарахтга, мазорга ибодат қилиб, Аллоҳга ширк келтирадилар. Намоз ўқимайдилар, рўза тутмайдилар. Бу амалларни ихтиёран бажармайдилар. Булар хато ва керакмас деб тушунадилар. Ва ўзлари билганча яшаб ўтадилар. Булар ҳам ўзларига ваъда қилинган оқибатни кўрадилар. Демак, шаръий ирода бу шариат ҳукмларида намоёндир. Уларни қилишда ва қилмасликда банда ихтиёрлидир.

Кавний ирода эса, мўмину кофирнинг яратилишда, баданида намоёндир. Бунда уларда ихтиёр йўқ. Кўзи билан нафас олиб, оғзи билан кўролмайдилар. Жасадлари уларга итоат қилмайди. Бу жиҳатдан уларни ҳайвонлардан фарқи йўқ. Эшаклар ҳам кавний ирода остидадирлар. Чўчқалар ҳам. Улар ўша хилқатига мос яшаб ўтадилар. Улар синов дунёсида эмаслар. Улар шаръий иродага бўйсунмишга буюрилмаганлар. Улар ўша хилқатларида кавний жиҳатдан бўйсундилар.

Осмонлару ердаги барча нарса Аллоҳга тасбиҳ айтади деган, оят мазмуни ҳам шудир.

Дарахтлар, бошқа ҳайвонотлар ҳаммаси, хилқатида бўйсунадилар. Бу ихтиёриймас. Чунки, улар синов учун яратилмаганлар. Инсон ва жинлар синов учун яратилганлар. Шу иккала махлуқот, шаръий иродага ихтиёрий бўйсунишга буюрилган.

Тасдиқ қилиб бўйсунувчилар мўминлар дейилади. Инкор қилувчилар ва ширк келтирувчилар кофирлар дейилади. Тасдиқ қилиб, лекин амал қилмайдиганлар гуноҳкор мўминлар ҳисобланадилар. Валлоҳу аълам.

Бу ердаги ҳар бир жумлани тасдиқловчи оят ва ҳадислар бор. Мен сўзни мухтасар қилдим.

Саҳвий

03.10.2020

39 Савол:

Қуйидаги савол жавоблар 2009 йилда бўлиб ўтган эди. Буни ҳам тарихий ҳужжат сифатида шу китобга киритдим.

Би-би-си меҳмони - собиқ имом Муҳаммадсолиҳ Абутов

Бек, АҚШ: а) Нимага Ўзбекистон ўзидан ўзи сизни қамаб қўяди? Ростдан ҳам фанатизмга берилиб Ўзбекистонда Исломий жамият қуриш истагида бўлганмисиз?

Абутов: Мақсадингиз мени тарихимни, қилган хатоимни аниқлаб олишми ёки, Ўзбекистонда одамлар бекордан, ноҳақ қамалиши мумкинлигига ишонч ҳосил қилишми?, билмадим. Шунингдек, саволингизни "Ўзбекистонда Исломий жамият қуриш истагида бўлганмисиз?" каби, мужмал ибора билан берибсиз. Агар сиз "Халифат қурмоқчи бўлганмидингиз?" деган маънода сўрамоқчи бўлсангиз, йўқ, ҳали менда бундай нарсаларга ҳаракат бўлмаган ва ҳали, бу масала Ўзбекистон жамияти учун кун тартибидаги масала деб, ҳисобламайман. Аммо, айнан шундай айб билан, айбланганман.

Агар саволдан мурод мени фаолиятимда хатолар бўлганми? деган мазмунда бўлса, у ҳолда мен "ҳа", деган бўлардим. Чунки, Исломни ўта тор тушуниш, Ўзбекистон жамияти воқелигига нисбатан ўта зиддиятли бир йўналишда туриш ва ҳоказолар. Хуллас, бу мавзу изоҳи жуда узун бўлиб кетади. Мен ақоид масаласи куфр ва имон бобини, тўғри тушунишдаги деярли кўпчиликда бўлиб ўтган хатолардан, мен ҳам холи бўлмаганман, демоқчи эдим.

б) Ўзбекистонда ғайридин одамларга кўпчилик мусулмон биродарларимиз ҳурматсизлик билан қарашади. Мусулмон эмасми, демак унга "кофир" кўзи билан қарашади. Шу яхшими?

Абутов: Исломни бошқа дин вакилларига нисбатан тутган муносабати, уларни Исломга нисбатан тутган муносабатига асосланади. Қуръон ва ҳадисда бу мавзуда келган оят ва ҳадислар, мана шу ғоя устига қурилади. Мусулмонман, деган ҳар қандай одамни ҳам бошқа дин вакилларига муносабати, шу асос устига қурилиши керак.

Қисқача айтсак, улар уч тоифага ажралади:

1. Исломга дўстона муносабатда бўлиш ёки, зиммий келишув асосида яшайдиган "аҳлул аҳд" (бу тоифа ҳозир йўқ);
2. Исломга нисбатан дўст ҳам, душман ҳам бўлмаган муносабат;
3. Исломга душманлик позициясида турганлар.

Аввалги икки тоифа билан дунёвий муомала, адолатли ва тўғри муносабат қилиш мумкин ва лозимдир. Бунга кўп ҳужжатлар бор. Учунчи гуруҳни дўст тутишлиқдан динимиз қайтарган. Бу мавзуда ҳам кўп оят ва ҳадислар бор.

Энди "кофир" кўзи билан қарашади, деган ибора унчалик тўғри гап эмас. "Кофир" калимасининг мазмуни рад қилиш, инкор қилиш маъносида бўлиб, аслида бу сўз ўз ҳолича ҳақоратли гап эмас, балки "имон" калимаси муқобилидир. Масалан, кимки ягона Аллоҳга имон келтирса, бошқа маъбудларга кофир бўлиши керак, яъни рад қилган бўлади. Ёки аксинча, кимки Аллоҳдан ўзга Илоҳга имон келтирса, Аллоҳга кофир бўлган ҳисобланади.

"Нисо" сурасининг 60-чи ояти ҳам шунга бир мисолдир.

"Сенга нозил бўлган нарсага ва сендан олдин нозил бўлган нарсага имон келтирганларини даъво қилаётганларни кўрмайсанми?! Тоғутдан ҳукм сўраб беришни истайдилар. Ҳолбуки, унга куфр келтиришга буюрилгандир. Шайтон эса, уларни йўлдан бутунлай адаштиришни истайди."

Оятдаги "ҳолбуки, унга куфр келтиришга буюрилгандир," сўзларидан маълумки, мўъминлар тоғутга куфр келтиришга буюрилган эдилар. Энди бу калима айна истилоҳда тушунилмай қолди. Умуман, сиз айтмоқчи мусулмонларни ғайримусулмонларга муносабати борасида мувозанатни сақламаслик масаласидаги хатоликлар, яхши кўриш ёки ёмон кўриш томонга оғиб кетишлар бор нарса. Ва бу энди албатта, Исломни тўғри тушунишликка боғлиқдир. Қанчалик динимиз ғоясини тўғри тушунсак, шунчалик муносабатларни тўғри йўналишга сола оламиз, Иншааллоҳ!

Насаф, Ўзбекистон: Ассалому алайкум, ҳозир Фарғона водийсида ҳар-хил оқимлар, йўналишлар келиб чиқмоқда. Мана масалан, Ақромия оқимини давлатнинг ўзи тўқиб чиқарган деб ўйлардик. Аммо бу оқимнинг борлиги маълум бўлиб бормоқда. Мана шунга ўхшаган оқимларга нима дейсиз?

Абутов: Ваалайкум ассалом. Ўзбекистонда пайдо бўлган турли хил номдаги диний йўналишдаги жамоалар ҳақида гапирсак, мен буни сиз айтгандек “Фарғона водийсидан пайдо бўлган,” демаган бўлардим. Ўзбекистон Ислом йўналишида дунёнинг бошқа мамлакатларидан анча орқада. Аҳолининг диний билими, савияси жиҳатидан биз собиқ Совет республикалари ичидаги Қозоғистон ёки Қирғизистондан кам фарқ қиламиз. Бизда мавжуд барча оқимлар четдаги жамоаларнинг филиали ҳисобида гўё. Энди аҳолиси энг кўп бўлган Фарғона водийсидан аниқроғи Андижон ва Намангандан кўпроқ машҳур диний уламолар чиққани бор гап, ҳақиқат. Бошқа вилоятларга нисбатан Ислом водийда анча ривожланган. Бу албатта яхши. Энди турли оқимларни Ўзбекистонда тарқалиши ҳам табиий. Нафақат Ўзбекистонда халқининг аксариятини мусулмонлар ташкил этган барча собиқ Совет республикаларида тарқалган.

Чунки, “СССР” деган давлат йўқ бўлиб ёпиқ эшиклар жаҳонга очилган эди. Турли хил оқимларнинг келиб чиқишига қарасангиз, бу ҳам табиий нарсая эканини тушунасиз. Чунки, Ислом дунё бўйлаб тарқалар экан, турли мамлакатда турли хил ижтимоий-иқтисодий воқеликларга рўбарў келди. Ва ҳар бир вилоят, иқлимнинг уламолари ўз воқеликларига мос равишда иjtиҳод қилдилар. Аксарият омма эргашувчилардан ташкил топган учун, ўша ўзлари таниган билган олимга эргашиб, уни иjtиҳодини тарқатишга ҳаракат қилади. Тўртта фикҳий мазҳаб ҳам шу тарзда пайдо бўлган, бошқа турли оқимлар ҳам. Аммо, буларни ичида ҳақиқатда Ислом асосидан чиққан, мутлақо залолатга кетган тоифалар ҳам бор. Шуни билингки, ҳар қандай оқимни пайдо бўлиши ҳам табиий. Маълум бир даврни, жамоани, муҳитни эhtiёжи ва талабидандир. Турли хил ички ва ташқи сабаблари бордир. Бундай оқимлар Яҳудийлик динида ҳам, Насронийлик динида ҳам ва шунингдек Исломда ҳам бор. Бир саҳиҳ ҳадисда пайғамбаримиз (ас) айтдилар: “Яҳудлар 71 фирқага бўлиндилар. Насоролар 72 фирқага бўлиндилар. Ва бу уммат 73 фирқага бўлинади. Биттасидан бошқаси дўзахийдир”. “Кимлар ўшалар ё Расулulloҳ?” - деб сўралди. “Мен ва асҳобларим нимани устида бўлса, ҳудди шуни устида бўлганлар,” дедилар. Абу Довуд, Термизий, Ибн Можжа ва Ҳоким ривояти.

Аммо, бу ҳадисдаги бу умматни ичидаги дўзахий дейилган 72 тоифа “кофир” бўлган, деб тушунмаслик керак. Қатор муҳаддислар улар кофир бўлганлар эмас, балки адашиб кетгани учун дўзахий бўлган тоифалар, деб шарҳлашган.

“Ақромийлар” деган жамоага келсак, бугунги кунда бу жамоани аъзолари билан танишиб дўстлашиб, шуни билдимки, бу ном аслида ҳукумат томонидан қўйилган. Аммо, Ақром Йўлдошев деган андижонлик биродар ҳақиқатда бор. Ҳозирги кунда қамоқда ўтирибди. Аммо, у киши мужтаҳид олим эмас. Ва Ислом фикҳи йўналишида иjtиҳод қилган эмас. Лекин, мазкур жамоани асосчиси сифатида танилиб қолган. Маълумки, хориждаги ўша андижонлик биродарлар ҳозирги кунда “Андижон: Адолат ва Тикланиш” ташкилотини тузишган. Бу Ташкилот Олмонияда расмий рўйхатдан ўтган. Улар ҳозирги кунда “Эрк” партияси ва бизни “Таянч” жамияти билан биргаликда “13 май Иттифоқи” аъзоси ҳисобланади. Уларнинг ташкилоти Ўзбекистон ҳукумати таъкидлаганидек “экстремистик” ташкилот эмас. Мен бу ташкилот раҳбарларини деярли барчасини танийман. Улар ибодатли, интизомли, одоб ахлоқли, ажойиб инсонлардир. Бу ҳақиқатни, афсуски, кўпчилик ўзбекистонликлар ҳали билмайдилар.

Исмоил Саидов: а) Ислом динида ваҳобизмга қандай қарайсиз?

Абутов: Юқоридаги турли фирқаларнинг келиб чиқишига доир бир саволга берилган жавобда ҳам шу мазмунга ҳамоҳанг фикрлар бор эди. Яъни маълум бир шароит вазият тақозоси муаммони ечими сифатида қандайдир бир ҳаракат табиий юзага чиқади. Бу мусулмонми, бошқами жамиятларни барчасига тааллуқли жараёндир. Бу Исломий йўналишни ҳам юзага келтирган муайян шарт-шароитлар бўлган. Турк Халифасини заифлашиб, халқ диний ва дунёвий илмлардан анча узоқлашган бир даврда, бунга исён ўлароқ бу ҳаракат пайдо бўлган. Исломни асосий устуни Тавҳидни тиклашга даъват қилган. Ширкни барча турларига қарши чиққан. Шу ҳаракат Саудлар хонадони бошчилигида кучайиб охири Маккани кейинчалик Мадинани ва яна Ҳижоз шаҳарларини Халифаликдан алоҳида қилиб олишга эришган. Мана шу Хилофатни парчалашга сабаб бўлганини баъзилар катта ҳато эди, деб эътироф этишади.

Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб раҳимахуллох ўз эргашувчиларига "ваҳҳобий" деб ном берган эмас. Худди Ҳанафий, Моликий, Ҳанбалий, Шофеъий каби мужтаҳидларга одамлар эргашганлари учун ўшаларни номига мансуб мазҳабда эканини билдирувчи калима билан айтилгани каби. Шунингдек, шайхнинг даъватлари, бошқа ўтган мужтаҳидлар каби, Китобу суннатга асосланган эди. Шунинг учун "ваҳҳобийлик" деганда, у одам қандайдир Исломдан бошқа бир йўлни топиб одамларни шунга чақирган экан-да, деб тушунмаслик керак. Бу шайхнинг ҳозирги Саудияда ва, албатта, бутун мусулмон оламида ҳурмати баланд. Бу ҳақда марҳум муфтий ибн Боздан сўралганда шундай жавоб қайтарган: "Бу улўғ ва шарафли лақаб, билан ким лақабланган бўлса, уни Аллоҳ учун аҳли тавҳид ва аҳли ихлос эканлигига далолат қилади." Исломда мужтаҳидлар қиёматгача бўлиши мумкин. Демак, бунга ажабланидан жойи йўқ. Аммо, ҳар қандай йўналиш, ҳаракат ўзини юзага келтирган вазият талабигагина мувофиқ бўлишини ҳисобга олсак, демак уни бошқа давр ва маконга кўчириш, ҳар доим ҳам тўғри бўлавермайди. Хусусан, Ўзбекистон каби кўп йиллик даҳрийлик давридан кейин, имон, Ислом неъматига етишган диёрлар учун, айти йўналишни татбиқ этилиши, менимча, мақсадга мувофиқ бўлмади. Саудиядаги уламоларни фатволари, бизни ҳолатимизга номувофиқ эди. Бу эса ўз навбатида, кўп ноҳуш воқеаларга олиб келди. Бу, албатта халқимизнинг хатоси ҳам, эмасди. Балки бундай ҳолат бўлиши, кўп йиллик тазйиқдан кейин, Исломга кенг йўл очилган пайтда, ҳар қандай жамиятда бўлиши мумкин бўлган, табиий жараёндир, Валлоҳу Аълам!

Аммо, Ўзбекистон ҳукумати диндорларни "ваҳҳобийлик"да айблаб оммавий қамоққа олиши бошқа масала. Ўзбекистонда ҳали аниқ "ваҳҳобийлар" яъни шайх Муҳаммад ибни Абдулваҳҳоб ижтиҳодига эргашувчи одамлар йўқ. "Ваҳҳобийлик" тамғаси билан қамалаётганларни эса, ҳукумат даъво қилганидек, "экстремист ваҳҳобийлар" гуруҳи деб, тушунмаслик керак. Бундай даъволарни бекорлиги, энди кўпчиликка аён бўлган ҳақиқатдир.

б) Авлиёларнинг қабри йўқолиб кетмаслиги учун баланд-баланд қилиб қуриш керак, дейдилар. Шу сизнинг тўғрими?

Абутов: Исмоил дўстим бундай деб, кимлар айтишини кўрсатмабсиз. Менимча Исломдан илми бор одамлар бўлмаса керак?! Исломда бу масалада шундай далиллар бор: Имоми Муслим ривоят қилган саҳиҳ ҳадисда Жобир разияллоху анҳудан ривоят қилинади. У айтди: “Расулуллоҳ (сав) қабрлар устига гипс қилишдан, ўтиришдан ва бино қуришдан қайтардилар.”

Бу борада кўп ҳужжатлар бор. Нима учун бундан қайтарилгани сабабини, бугун тарихга боқиб билиб олиш мумкин. Эътибор беринг, Исломдан бошқа барча динларда, ҳатто даҳрийларда ҳам, қабрлар устига баланд бинолар қуриш, ёки ҳайкаллар қўйиш каби, одатлар бўлган ва бор. Мисрдаги пирамидалар ҳам Фиръавнлар қабри учун қурилган. Бобурни невараси Акбаршоҳни ўғли, Шоҳижаҳон хотини Мумтозмахалга атаб қурган Тожмахал мақбараси, мана тўрт аср бўлдики, ҳиндларга сайёҳатчиларни, жалб этишга сабаб бўлиб турибди. Бундай мақбараларни қуришга минглаб одамлар жалб қилиниб, йиллаб ишлаганлар. Аммо, бу ҳаммаси бекорга умр ва маблағ сарф қилиш эмасми?! Аммо, шундай узоқ тарихлар давомида бизнинг диёрларимизда бу мавзудаги ҳадисларга доим ҳам, тўла ва тўғри амал қилинмаган. Чунки, “ширк” деб аталган катта гуноҳни бошланиши, ана шу қабрларни ҳаддан зиёд ҳурматини қилиш эвазига, пайдо бўлгандир.

Кейин бизнинг жамиятимизда авлиёларни қабрини улуғлаш билан боғлиқ жуда кўп ҳатоликлар бор. Одамлар уларга ибодат қилишни, жонлик сўйишни, улардан фарзанд, ёрдам мадад кутишни Исломдан деб тушуниб қолганлар. Бу эса динимиз асосларига, Исломга зиддир! Буни авлиёларга ҳурматсизлик деб тушунмаслик керак. Ислом ўтганларга нисбатан ҳурмат кўрсатишга буюради. Аммо, ҳурматнинг нималиги очиқ-ойдин кўрсатиб берилган. Шунинг учун бизни авлиёларга бўлган хурофий “ҳурмат” чалғитиб қўймаслиги керак.

Абу Қусайд ибн Молик ибн Робиъа (ра) ривоят қиладилар: “Бизлар Расулуллоҳ (сав) олдиларида ўтирган эдик. Бани Салама қабиласидан бўлган бир киши келиб: “Ё Расулуллоҳ (сав)! Ота-онамга қила оладиган бирор яхшилик қолдимики, мен уларга вафотларидан кейин қилсам? – деб сўради. Расуллуллоҳ (сав): ҳа, уларни ҳақларига дуолар қиласан ва истиғфор айтасан, уларни зиммаларидаги аҳдларига вафо қиласан ва улар борлигида боғланиб турган қариндошлик алоқаларини боғлайсан ва икковлари дўстларига икромлар қиласан,” - дедилар. Бу Абу Довуд ва ибн Можжа ривояти. Хуллас, мазкур мавзуда жуда кўп оят ва ҳадислар бор. Мўмин кишиларга шу кўрсатмалар кифоя қилмоғи керак.

Мамат Муҳаммадов: а) Жаноб Абутов, ҳозирги кунда қочоқлар орасида интернет ғийбаткашлик кучайиб кетган. Баъзилар сизни ҳам ғийбаткашларга қўшади. Сиз бунга нима дея оласиз?

Абутов: "Интернет ғийбаткашлик" қизиқ ибора экан. Бу давримиз ихтиро қилган истилоҳлардандир. Энди ғийбат нима деган саволга пайғамбаримиз (ас) берган жавобни эшитайлик: “Ғийбат биродаринг эшитса ёқтирмайдиган нарсани зикр қилишингдир”. “Ўша айтилган нарсаларни биродаримизда кўрсакчи?” деб сўрашди.

“Агар ўша айтган нарса унда бор бўлса, демак ғийбат қилибсан! Агар унда ўша нарса бўлмаса, демак тўхмат қилибсан!” – дея жавоб қайтардилар. Имоми Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Нисоий ривояти.

Демак, мазкур ҳадисга мувофиқ, мендан қандайдир, ўзида мавжуд бўлган камчиликни бировлар воситасида эшитган одам бўлса, менинг ғийбат қилганим исбот бўлади. Сиз бирорта далил олиб келмабсиз. Сиз баъзилар айтгани учун, бировни ғийбатчи дейишингиз тўғримики?! Лекин бу ерда шуни айтишим керакки, мен ҳам "Бани Одам" жумласиданман. Демак, мени ҳам ҳато қилишим муқаррар. Шундай экан, агар сиз айтган гап тўғри бўлса, Аллоҳ мени кечирсин! Агар акси бўлса, Аллоҳ сизни кечирсин!

б) Сиз ҳозирги тузумни муҳолифат ўзгартира олишига ишонасизми?

Абутов Биласизми, мен ғайбни билмайман. Ва Аллоҳдан ўзга ғайбни билади, деб эътиқод қилмайман ҳам. Биз бандалар доим у ё бу, мақсад сари йўналар эканмиз, кутилган натижага эришишга аниқ ишониб, кейин ҳаракат қилмаймиз, албатта! Баҳорда ерга уруғ қадаган деҳқон, ўша уруғ ҳосилини олишини аниқ билмайдику, олдиндан. Чунки, азал қисмат қандай эканини, ёлғиз Аллоҳдан ўзга биров билмайди. Умид билан Аллоҳга таваккал қилиб, ҳаракат қилиш керак. Натижа эса Аллоҳдан! Шунингдек, Қуръони Каримда шундай бир оят бор:

“Албатта, то бир қавм ўзларини ўзгартирмагунларича, Аллоҳ уларнинг ҳолини ўзгартирмас”. “Раъд” сураси 11 оят.

Демак, бирор қавмни ўзгариши, ўша қавм ўзларини ўзгартириши билан бўлар экан. Ўзгариш эса ҳаётни диний дунёвий, ҳамма соҳасида бўлиши керак. Шунингдек, ҳаётни Аллоҳ яратиб қўйган, ўз қонун-қондаси бор. Ҳар қандай тузумни боши ва охири бор. Ҳаётда ҳеч бир нарса, яъни жамият ва муҳит ўзгармасдан қолмайди. Жумладан, Ўзбекистон тузуми ҳам. Аллоҳу Таъоло айтиди: “Бас, албатта, бир қийинчилик билан осончилик бордир. Албатта, бир қийинчилик билан осончилик бордир”. “Шарҳ” сураси. 5-6 оятлар.

Энди муҳолифат деган марказлашган кучли, интизомли бир сиёсий куч йўқ экан. Ҳозирги муҳолифат турли хил пароканда тоифалардан иборат. Муҳолифатни диний қисми эса деярли, сиёсий фаолият қилмайди. Режимдан энг кўп жабр кўрганлар ҳам, аслида шу Исломий жамоалардир. Йўналишлар ва мақсадларнинг номувофиқлиги сабаб, бир мақсад атрофида бирлаша олмаяптилар.

Шунинг учун муҳтарам олимларимиз, бугунги кундаги Ислом аҳли орасидаги мавжуд муаммоларга барҳам бериб, турли хил йўналишда фаолият юритаётган, ўзбек Исломий жамоаларини ҳозирги давримиз воқелигига мос ва мувофиқ бир йўналишда, яқдил фаолият қилишликка даъват қилишлари, мақсадга мувофиқ бўларди.

Саидакбар Ҳошимов, Торонто, Канада: а) Ҳурматли домла, Швецияда қандай меҳнат ҳисобига яшайсиз? Масалан мен фаррошман. Яшайдиган квартира ҳаққи ва даволаниш ҳақларини ўзимнинг қилаётган фаррошлик меҳнатим даромадидан тўлайман.

Абутов: Саидакбар, Швецияда тартиб шундай эканки, қочоқлик мақомини олиб келганлар икки йил давомида ўқиб, тил ўрганар эканлар. Кейин иш топиб, ишлар экансиз. Агар иш топилмаса, яна ишсизлик учун ижтимоий таъминот белгиланган экан. Мени олти ойдан ошди келганимга. Мактабга қатнаб юрибмиз. Келажақда “Таянч” жамияти фаолиятини ривожлантириб, жамият дастурида кўрсатилган мақсадлар асосида махсус лойиҳалар йўналишида, ишлаш ниятим бор, Иншааллоҳ! Аммо, бу ерларда узоқ қолиб кетиш ниятим йўқ. Мен доим Ватанни, соғиниб яшайман.

б) Ислом дини тарихидан яхши хабардор экансиз, кўриниб турибди. Яна ўзга динлар тарихи сизни қизиқтирадими? Масалан христиан дини?

Абутов: Биласизми Саидакбар, Исломий илмни ўргансангиз, сиз айтгандек Ислом тарихи алоҳида, Христиан тарихи алоҳида, Яҳудийлик тарихи алоҳида илм сифатида ўрганилмайди. Масалан, Қуръони Каримни ўқисангиз ёки, унинг тафсирини ўқисангиз, сиз беихтиёр Исо алайҳиссалом, Мусо алайҳиссалом тарихини, ўрганасиз. Динларни асоси нимада эканини англайсиз. Қуръон бизни барча пайғамбарларга имон келтиришга буюради. Насоролар Муҳаммад алайҳиссаломни тан олмайдилар. Яҳудийлар Исо алайҳиссаломнинг ҳам, Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳам, пайғамбарлигини тасдиқ этмайдилар. Биз бошқа динлар тарихини худди, Исломни ўрганган каби ўрганамиз. Бу жараён алоҳида эмас, ўзаро умумлашиб ўрганилади. Аммо, сиз айтаётганингиз балки уларнинг ўзлари ёзган сохта тарихий асарлар асосида ўрганганмисиз? – деб сўраган бўлсангиз, баъзи адиблар китобларини рус тилидаги таржимасини ўқиган эдим. Лекин у ердаги воқелик Исломий эътиқодга зид экани учун, тасдиқлашимиз мумкин эмас. Бу мавзуда қизикувчиларга Али Вячеслав Полосиннинг "Евангелие глазами мусульманина" китобини ўқишни тавсия қилардим.

Рашид Дўстназар, Париж: Салом, сиз 40 ёшга кирибсиз, лекин бирор марта бу дунёдан бирор маъно топдингизми? “Яшашдан ҳеч қандай маъно йўқ,” деган экан Лев Толстой. Балки сиз ҳам шундай деб ўйларсиз?

Абутов: Валайкум ассалом! Сизни саволингиз Навоий ҳазратлари ғазалидаги бир байтини эсга солди. Адашмасам, байт шундай эди:

Ваҳки умрим бўлди бори асру нодонликда ҳайф,
Қолғони сарф ўлди, андуҳу пушаймонликда ҳайф.

Мазкур байт, гўё менинг ҳаққимда айтилган кабидир. Байтни маҳзун оҳанги, менинг руҳиятимга жуда яқиндир. Аммо, Лев Толстойни фикрига қўшила олмайман. Балки, буюк мутафаккир бу гапни, Ислом билан танишишдан олдин айтгандир, Валлоҳу аълам! Нима бўлсаям, бу гап Исломга зидлиги аниқ. Яшашлик неъмат - улўғ неъмат. Ва айна дамда улўғ масъулиятдир. Чунки, инсон ҳаётга ўз ихтиёрича келмаган. Ва ўз ихтиёрича кетмайди. Уни яратган Буюк Зот бор. Ва У Зот бу дунёни ва барча махлуқотни, беҳуда яратмаган. Бу яратилишдан, улўғ мақсад бор.

Яратгувчининг Маъбуди Барҳақлиги (агарчи бу сифати Буюк Зотига хос ва мутлақдир) ва яна шу дунёда яралган “жин” ва “инсон,” дея, аталган махлуқотлар тарафидан онгли равишда ихтиёран ва Ўзининг тавфиқи тасдиқланишлиги керак эди.

“Зариёт” сурасидаги 56 ояти буни тасдиқлайди.

“Жин ва инсонни фақат Менга ибодат қилиш учунгина яратдим.”

Биз шунинг учун яралгандик. Шу ҳаётнинг асл мағзи мазмуни эди! Энди сизни саволга жавобим, кимки шу айтилгандек Роббисининг яккалигини таниб, ибодатига бошқа ҳеч нарсани шерик қилмай ўта олган бўлса, у одам дунё ва охиратда бахтлидир. Ва уни ҳаёти мақсадли ва мазмунлидир. Аксинча бўлса, аниқки, улар тезда ўз ҳаётини мазмуни мохияти йўқлигини беҳуда бекор ўтказганини биладилар, наузан биллоҳ!.

Асадбек Асадов, Лондон: Муҳтарам Муҳаммадсолиҳ ака! Демократия сизнингча нима ўзи? Аввал Исломми ёки демократия?

Абутов: Асадбек, ягона ҳақиқат шуки, Ислом Аллоҳ тарафидан туширилган ҳақ диндир. Демократия эса, одамлар тарафидан яшаш тузимининг нисбатан, яхши бир тури сифатида тақдим этилаётган бир йўлдир. Ҳар икковининг нималаридир бир-бирига яқин бўлиши мумкин. Бироқ улар орасида ер билан осмонча фарқ бор. Аммо, масалани нима учун бу тарзда кўндаланг қўйишингизни, тушуна олмаяпман. “Аввал Исломми ёки демократия?” - деганда, нимани назарда тутганингиз менга қоронғу. Шуни билингки, ҳозирда ер юзида, Ислом давлати йўқ. Бироқ сиз “Ўзбекистонда қандай тузум қилиш керак?” деган мақсадда савол берган бўлсангиз, билингки, биз ҳозирги аҳволда "идеал Исломий жамият" қурилиши эҳтимолидан анча йироқмиз. Ва ҳар қандай нарсани бино бўлиши ва емирилишини маълум қонуният асосига қурилганини тан олсангиз, бугунги Ўзбекистонда “Халифат” ёки бошқа шаклдаги Исломий давлат қурилишини, бугунги кун тартибига қўйиладиган масала эмаслигини, тушунишингиз керак!

Биз бугунги кунда жамиятда ўз инсоний ҳақ-ҳуқуқларимизни тўлалигича эғалик қилишга эриша олсак катта гап. Бизни ҳеч ким “террорист” ёки “экстремист” деб уриб сўкмаса, Аёлларимиз рўмолларини ечтирмаса, масжидларимизда эркин даъватлар қилолсак, бу ҳам улўғ неъмат, билсангиз.

Ҳали бунга эришишлик ҳам ўз-ўзидан бўлиб қоладиган нарса эмас аслида. Бунинг учун ҳам курашиш лозим. Лекин биз бирлашиб кураша олаяпмизми?! Биз "давлат фақат Исломий давлат бўлиши керак, бошқа ҳеч қандай тузумга рози эмасмиз," деб жимгина тургандекмиз назаримда. Шуни билингки, Исломий жамиятга йўл ана шундай имкониятга эга бўлишдан бошланади. Бирданига ҳамма ёппасига комил мўъмин бўлиб қолмаса керак?! Фикрлаб кўринг, Аллоҳ залолатга кетишдан ҳаммамизни асрасин!

Жамшид Содик Ўғли, Буюк Британия: Муҳолифатнинг бирлашиши учун қандай ишлар олиб бормоқдасизлар?

Абутов: Биласизми Содиқжон, мен ҳижрат диёрида энди 6 ой бўлди яшаяпман. Муҳолифатни бирлаштириш учун ташланган аввалги қадам “13 май Иттифоқи”ни тузганимиз бўлди, деб ўйлайман. Мазкур Иттифоқнинг тузилишига мен ҳам сабабчилардан бири бўлгандим. Хуллас яхши ниятлар билан бу иттифоққа асос солинди. Иншааллоҳ, бу иттифоқни биринчи амалий қадами сифатида 27- 28 октябрларда Брюсселда ўтказилиш режалаштирилаётган қурултойни айтишим мумкин. Умид қиламизки, муҳолифатни бошқа вакиллари ҳам мазкур иттифоқ сафига кириб, умум миллий бирликка эриша олсак, ажабмас. Ана шу эзгу мақсадда бу иттифоққа асос солинганди. Аллоҳу Таъоло амалларимизни манфаатли қилсин!

40 Савол:

Бир аёлни зинокорликда айблашлик учун, исломга кўра, одамда қандай далил исботлар бўлиши керак?

Мўътабар Тожибоева. Ҳуқуқшунос.

Кириш:

Сизнинг менга аталган саволларни ўқидим. Шунга умумий тарзда жавоб бермоқчиман. Саволларда конкрет шахслар номи ва турли можаролар бор экан. Мен воқеъалардан тўла хабардор эмасман. Сизни ёзганларингиздан хулоса қилган ҳолда имкон қадар қисқача жавоб бераман.

1. Андижондек дин уламолари билан машҳур диёрда шу каби нохуш воқеъалар бўлаётгани албатта афсусланарлидир. Туркий забон халқлар орасидан, охирги юз йил ичида чиққан энг буюк аллома, Абдували қори Мирзаев ҳам, Андижонлик эди. Бу киши каби, ёки ундан ўзиб кетган шахсият, ҳозирда мавжуд эмас. Афсуски, золим ИАК шу каби, инсонларни қадрламади. Оқибатини эса, кўриб турибмиз. Андижонда бугун шармандалик ҳодисалар содир бўлмоқда. Минг афсус.

2. Сиз саволингизда санаб ўтган таълим тизимида ишлайдиган шахсларга келсак, бу диктатор ИАКнинг чорак асрлик сиёсати таълим соҳасини ҳам, инқирозга олиб келиб қўйганига бир мисолдир. Бошқа юзлаб мисоллар бор. Маърифати, онги савияси ва одамгарчилиги шунақа тубан ўқитувчилар, ўқитган болалар ким бўларди?! Булар ўқитувчи деган, номга лойиқ шахслар эмас. Лекин, афсуски, таълим соҳасида бунақалар фақат Андижонда эмас, ҳамма вилоят шаҳарларда текилиб ётибди. Бу тизимни жиддий ислоҳот қилиш керак. Мирзиёев бошлаган ислоҳотлари ҳам, жойидан жилмади. Диний таълим соҳасинику, гапирмай қўяқолай. Буларни ёзиш учун битта мақола эмас, китоб ёзиш керак бўлади.

3. Ота боболари мусулмон бўлган ўзбеклар ҳам, диндан узоқлашиб кетишди. Натижада бировни обрўсига тажовуз қилиш ва тўхмат қилишдан, тап тортмай қолишди. Минг афсус, бу ҳолат оддий халқ орасидагина эмас, ўзини зиёли санаганлар орасида, кўпроқ намоён бўлмоқда. Динда ҳам ва қонунларда ҳам, бировга тўхмат қилишдан қайтарилган. Бунини зиёлиман деяётганлар тушунмасалар, бу миллат фожеъасидир.

Наби саллоллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: Муслим муслимнинг биродаридир. Унга зулм қилмайди. Уни хорламайди. Уни таҳқирламайди. Ҳар бир муслимнинг қони, моли, ва обрўси бошқа муслим учун ҳаромдир.

Имоми Бухорий ривояти

4. Динимизда бир аёлни зинокорликда айблаш учун, уни зино қилаётганини тўртта одам аниқ кўрган бўлиши керак. Битта одамни кўрдим дегани учун, қози бировга жазо бермайди. Бировни зинода айблаётган бир киши, бунга ўзидан ташқари, учта гувоҳ келтира олмаса, уни ўзи жазоланади. Ислоҳ давлатида унга саксон дарра уриб, ҳеч қачон гувоҳлиги қабул қилинмайди. Бирор жойда уни гувоҳликка ўтказишмайди.

Аллоҳу Таоло айтади: У бўҳтончилар ўша (бўҳтон)га тўртта гувоҳ келтирсалар бўлмасмиди?! Бас, гувоҳларни келтира олмаган чоғда ана ўшалар ўзлари Аллоҳнинг ҳузурида ёлғончидирлар.

Нур сураси 13 оят

Бировни зинокорликда айбловчилар ва бу туҳматни илиб олиб шов шув қилувчилар тарихда ҳам бўлган ва қиёматга қадар бўлади. Ҳатто, Оиша Онамизни ҳам зинокорликда айблаганди. Ўшанда Аллоҳу Таоло Оиша онамизга таскин бериб, шу оятни нозил қилди.

Аллоҳу Таоло айтади: Албатта, бўҳтонни келтирганлар ўзингиздан бўлган бир тўдадир. Уни ўзингизга ёмонлик деб ҳисобламанг. Аксинча, у сиз учун яхшиликдир. Улардан ҳар бир киши учун ўзи қилган касбининг гуноҳи бордир. Улардан (гуноҳнинг) каттасини кўтарган кимсага буюк азоб бордир.

Нур сураси 11 оят

Бу оятда шу каби туҳматни қилувчиларга буюк азоблар ваъда қилинган.

5. Энди бу каби туҳматчиларни бугунги кундаги қонунлар асосида ҳам жазога тортиш мумкин. Ўша аёл буни учун Судга мурожаат қилиши лозим бўлади. Аслида эса, бизнинг динимизда, эрга чиқмоқчи бўлган аёл ва эркак, бир бирини синаш учун учрашиб юриши мумкинмас. Бу нарсa кофирлар, урф одатидир.

Гарчи, бугун ўзбеклар орасида ҳам, бу урфга кирсада, баъзида, мана шундай воқеалардан туҳматчилар, у бу кимни, бадном қилиш учун фойдаланиб қолишади.

6. Сиз ҳуқуқбонсиз ва бу ишда кўп йиллик тажрибага эгасиз. Толиб Ёқубовни ўзбек ҳуқуқбончилигини асосчиси, дейишади. Мен ўзбек ҳуқуқбонларидан кўпчилигини танийман. Ва сизларга нисбатан ҳурматим бор. Сабаби, диктатор даврида барча халқ ва асосан диндорлар, кўп жабр кўрдилар. Уларга ёрдам берувчилар, сиз ҳуқуқбонлар бўлдингиз. Бу учун миннатдорчилигимни билдираман.

Ва шуни қўшимча қилиб айтмоқчиманки, инсон ҳуқуқини ҳимоя қилишни, аслида Пайғамбарлар бошлаб беришган. Сизлар БМТ ташкил топиб, Инсон ҳуқуқлари декларацияси қабул қилиниб, кейин, барча давлатларга, ўз фуқароларига шу ҳуқуқларни таъминлаш вазифаси юклатилган, 1948 йилдан бошлаб бу соҳага асос солинди деб, ўйлайсизлар. Аслида эса бундай эмас.

Қуйидаги ҳадисда инсон ҳуқуқини ҳимоя қилишга очиқчасига тарғиб қилинган.

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм ҳам қилмайди, уни (ёрдамсиз) ташлаб ҳам, қўймайди. Ким биродарининг ҳожатини раво қилса, Аллоҳ унинг ҳожатини раво қилади. Ким бир мусулмоннинг ташвишни аритса, Аллоҳ унинг Қиёмат кундаги ташвишларидан бирини аритади. Ким бир мусулмоннинг айбини беркитса, Аллоҳ Қиёмат кунда, унинг айбини беркитади», дедилар.

Бухорий ва Муслим ривоят қилган

7. Қуръонда қанча пайғамбарлар тарихи келтирилган бўлса, уларнинг барчаси мазлум халқни ҳимоя қилганлари зикр қилинади. Улар бари солимларга қарши туришган. Чунки, инсониятни яратган Аллоҳ уларни ҳақ ҳуқуқини ҳам берган. Бу ҳуқуқ инсонни ер юзида энг олий махлуқот эканини таъминлади.

Аллоҳу Таоло айтади: Дарҳақиқат, (Биз) Одам фарзандларини (азиз ва) мукаррам қилдик.

Исро сураси 70 оят

Ер юзидаги барча нарсани инсон учун яратди.

Аллоҳу Таоло айтади: У сизлар учун ер юзидаги барча нарсани яратган Зотдир

Бақара 29-оят.

Инсонни мана шундай азиз қилиб яратган Зот уларни ҳар хил тошларга, ёғочларга, ҳайвонларга ибодат қилиб, зор бўлмасин деб уларга пайғамбарлар юбориб, уларни ўзигагина ибодат қилишга буюрди.

Аллоҳу Таоло айтади: Биз сиздан илгари юборган ҳар бир пайғамбарга ҳам: «Мендан ўзга ҳақ илоҳ йўқ, бас Менгагина ибодат қилинглар», деб ваҳий юборганмиз

Анбиё сураси 25 оят

Пайғамбарлар келиб, уларга тўғри йўлни тушунтирдилар. Уларни солимлар зулмидан ҳимоя қилдилар. Шу йўлда лозим бўлса, жанг қилдилар. Улар ҳаёти инсониятни азизлигини мукаррамлигини таъминлашдан иборат бўлди.

8. Энди, бугунга келиб, сиз ҳуқуқбонлар, ўша Пайғамбарлар ва уларга эргашган кишилар қилиб кетган ишларнинг, бир қиррасини қилаяпсизлар.

Шунда ҳам, уларнинг ҳақ ҳуқуқларини мавжуд қонунлар асосида ҳимоя қиласизлар. Бу ҳам катта гап. Лекин, бу улкан машаққатли вазифани яъни, Пайғамбарлар қилиб кетган ишни бир қирраси эканлигини, англамай қиласизлар. Ваҳолонки, ўзларингизни мусулмон санайсизлар. Намоз йўқ, рўза йўқ, умуман диндан хабари йўқ ҳолда, инсон ҳуқуқини ҳимоя қилишдан нима маъно бор?!

Бу ишни баъзилар пул учун қилса, баъзилар, орден медал олиш учун қиладилар. Баъзилар шунчаки обрў топиш учун, қилса керак?! Ваҳолонки, бу ишни Аллоҳ розилиги учун қилинса дунё ва охирада, шараф келтирар эди.

Аммо, Аллоҳ розилиги учун иш қиладиган одам, Аллоҳнинг фарзларини бажариб, кейин бошқаларни оғирини енгил қилишга ҳаракат қилиши керак. Шунда дунё ва охирада манфаатли бўлади.

Агар фақат шу дунёдаги манфаатни кўзлаб қилинса, унда шу дунёда мукофот берилиши мумкин. Лекин, охирада ундай кимсаларга азобдан бошқа нарсаси бўлмайди.

Аллоҳу Таоло айтади: Ким (фақат) шу ҳаёти дунёни ва унинг зебу зийнатларини истайдиган бўлса, уларга қилган амалларини (ажру-мукофотини) шу дунёда комил қилиб берурмиз ва улар бу дунёда зиён кўрмайдилар. Ундай кимсалар учун охирада дўзах ўтидан ўзга ҳеч қандай насиба йўқдир. Уларнинг бу (дунёда) қилган барча яхшиликлари беҳуда кетур ва қилиб ўтган барча амаллари бефойдадир.

Ҳуд сураси 15, 16 оятлар

.....

Саҳвий

2020 йил

Хотима:

Бу китобда менга берилган, 40 саволга берилган жавоблар жамланди. Менда сақланиб қолган савол жавобларни жамлаб, бир кичик рисола қилдим. Аллоҳнинг мадади ила, шу бугун тугади. Бу китобни, муаллфига ва ўқувчиларига икки дунёда манфаатлик қилишини, Аллоҳдан сўраб қоламан. Нуқсон хатолари учун, истиғфор айтаман. Аллоҳ ҳаммамизни тўғри йўлидан адаштирмасин! Адашган бўлсак, ҳидоятласин! Омин!

.....

Саҳвий

22 январ 2022 йил